

- ✓ «ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ» МУАММОЛАРГА ЕЧИМ БЎЛА ОЛАДИ... (МИ?) 6.
- ✓ АВТОҲАЛОКАТ: АЙБДОРГА ЖАЗО ЕНГИЛ БЕЛГИЛАНГАНМИ? 10.
- ✓ АҲОЛИ УЗЛУКСИЗ ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИМИ? 17.

MAHALLA — ADOLAT TAROZISI



Mahalla

№ 3 (1852-1855) 2020 йил 16 — 23 январь ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТА info@mahalladosh.uz www.mahalladosh.uz

Тўй ўтказиш
тартибини
бузганга
жавобгарлик
белгиланмаган 9.

«Бюджет – 2020»:
харажат ва
даромадлар нимага
сарфланади? 15.

Тазйиқ ва
эъравонликка
қарши қандай
чора бор? 14.

Китоб нархи ошса,
китобхонлик
тарғиботи самара
берадими? 24.

Қишки спорт
турлари қачон
ривожланади? 30.

**ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ
РАИСЛИГИДА ЭКСПОРТ, ИНВЕСТИЦИЯ ВА
МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШНИ КЕНГАЙТИРИШ
МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ**

2.



**Евроосиё иқтисодий иттифоқига
аъзоликнинг қандай афзаллиги бор?**

3.

ЭКСПОРТ, ИНВЕСТИЦИЯ ВА МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШНИ КЕНГАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ РАИСЛИГИДА 15 ЯНВАРЬ КУНИ ЭКСПОРТ, ИНВЕСТИЦИЯ ВА МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШНИ КЕНГАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ВИДЕОСЕЛЕКТОР ЙИГИЛИШИ ЎТКАЗИЛДИ.

Жаҳонда иқтисодий рақобат тобора кучайиб бораётган ҳозирги даврда барқарорликнинг асосий омили ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ташқи бозорларда мустақкам ўрин эгаллаштириш.

Экспорт фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича қўрилган чоралар натижа-сида ўтган йили мамла-катимиз экспорти ҳажми 28 фоизга ўсди. Худудий саноат экспорти қарийб 2 баробарга ошди.

Мазкур йўналишдаги кўрсаткичларни янада ошириш мақсадида бу йилдан бошлаб прогност кўрсаткичларини белгилаш ва мониторинг қилиш бўйича янги тизим жорий этилди. Авваломбор, экспорт прогнози 3 йиллик қилиб тасдиқланди. 2020 йил режаси ўтган йилгига нисбатан 22 фоиз кўп белгиланди.

Видеоселектор йиғилишида экспорт, инвестиция ва маҳаллийлаштириш йўналишларига масъул мутасаддиларнинг вазифалари кўриб чиқилди. Ҳар бир доллардан унумли фойдаланиш бўйича ҳудудлар ва тармоқлар раҳбарларининг шахсий масъулияти белгиланди.

Давлатимиз раҳбари бундан буён тармоқ ёки ҳудуднинг масаласи деган сансалорлик бўлмаслиги, экспорт прогнози ижросини таъминлашга ҳар бир вазир, ҳўжалик бирлаш-маси раҳбари ҳоким билан бирга теппа-тенг жавоб беришини таъкид-лади.

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига жорий йилги экспорт прогнози ижросини тўлиқ таъминлаш бўйича «йўл харитаси» ишлаб чиқиб, маҳсулотларни каерга, қачон экспорт қилиш ва бундан амалга ошириш бўйича аниқ чора-тадбирларни белгилаш вазифаси қўйилди.

Тўқимачилик, мева-саб-завотчилик, чарм-пойабзал, қурилиш материаллари ва автомобиль саноати каби етакчи тармоқлар салоҳиятидан самарали фойдаланиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

«Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасига пахта толасини қайта ишлаш қувватларини 80 фоизга етказиш, янги қорхона-лар ҳисобига экспорт номен-клатурасини диверсификация қилиш ҳамда географиясини кенгайтириш топширилди.

Мамлакатимиз экспортёрла-рининг салоҳияти бозорларга



киришини енгиллаштириш учун имтиёзли савдо режими жорий этиш, «GSP+» умумий преференциялар тизимига қўшилиш юзасидан ҳам кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда мева-сабзавот-лар экспорти масаласи атрофи-да муҳокама қилинди.

Мева-сабзавот эканларини экспорт талабидан келиб чи-киб оптимал жойлаштириш, салоҳиятли ташқи бозорларда савдо уйлари ва дилерлик тармоқларини ташкил этиш бўйича топшириқлар берилди. Ихтисослашган 55 та туманда мева-сабзавотлар етиштириш-ни кластер шаклига ўтказиш масаласига ҳам тўхталиб ўтилди.

«Ўзстандарт» агентлигига ҳудудий ҳокимликлар билан биргаликда 155 та фермер ҳўжалигида «Global G.A.P.» халқаро стандартини жорий этиш, Ўсимликлар карантини давлат инспекциясига қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини ташқи бозорлар талабларига мувофиқлаштириш бўйича топшириқлар берилди.

Экспорт фаолияти жозиба-дорлигини ошириш учун экспорт ва экспортдои молиялаштириш тизими-ни ташкил этиш, ташиш харажатларини қоплаш механизминини кенгайти-риш борасида чора-тад-бирлар белгиланди.

Видеоселектор йиғилишида инвестицияларни жалб этиш масалалари таҳлил қилинди.

Ўтган йили барча манбалар ҳисобидан ўзлаштирилган инвестицияларнинг қарийб 30 фоизини тўғридан-тўғри хорижий сармоялар ташкил этди. Саноати ривожланмаган, олис туманларга ҳам катта инвестициялар кириб ботди. Умумий қиймати 5,4 миллиард доллар бўлган 145 та тармоқ ва 167 та ҳудудий лойиҳалар ишга

туширилди.

Жорий йилдан бошлаб Ин-вестиция дастурлари янги тизим асосида ишлаб чиқилди. 2020 йил учун 1569 та хусусий ва тўғридан-тўғри инвестиция лойиҳалари рўйхати тасдиқ-ланди. Мазкур дастурга асосан, шу йилда 233 триллион 200 миллиард сўм, жумладан, 7,1 миллиард доллар миқдорда тўғридан-тўғри хорижий ин-вестициялар ва кредитлар ўзлаш-тирилиши кўзда тутилган.

Йиғилишда тармоқлар ва ҳудудлар раҳбарлари бу борада амалга ошириши зарур бўлган чора-тадбирлар белгилаб бе-рилди.

Тегишли вазирлик, идора ва ҳўжалик бирлашмала-ри раҳбарларига тармоқ лойиҳаларини ўз вақтида ишга тушириш бўйича жавобгарлик юкланди. Ҳудудларда амалга оши-риладиган тўғридан-тўғри инвестициялар иштиро-кидаги ҳар бир лойиҳага республика идоралари раҳбарлари масъул сифа-тида бириктирилди.

Мутасаддиларга галдаги лойиҳалар бўйича лойиҳаолди ишларини якунлаб, хорижий инвесторлар билан шартно-малар имзолаш ва ижросини қатъий назоратга олиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Видеоселекторда жорий йилда бюджет маблағлари ҳи-собидан амалга ошириладиган ижтимоий ва инфратузилмавий лойиҳалар ижроси ҳам муҳока-ма қилинди.

Президентимиз бюджет маб-лағларининг самарали сарфла-ниши, белгиланган 2 минг 190 та объектида қурилиш-таъмир-лаш ишлари сифатли бажари-лишини қатъий назоратга олиш зарурлигини таъкидлади.

Жорий йилда 372 та болалар боғчаси, 343 та мактаб, 228

та тиббиёт муассасаси, 61 та олий ўқув юрти, 44 та спорт иншооти, 187 та ичимлик ва оқова сув тармоғи, 241 та ирригация ва мелиорация об-ъектида қурилиш-таъмирлаш ишлари белгиланган.

Ўтган йили бошланган лой-иҳаларни сифатли амалга ошириш, янги объектилар бў-йича тендер савдоларини якун-лаш ва молиялаштириш юзаси-дан топшириқлар берилди.

Президентимиз инвести-ция лойиҳаларини ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва мониторинг қилиш, инве-стициялар самарадорлиги-ни баҳолашда муаммолар сақланиб қолаётганини қайд этди.

Мутасаддиларга хорижий экспертларни жалб қилган ҳол-да тармоқлар ва ҳудудлар бў-йича инвестиция стратегияси-ни ишлаб чиқиш, бундан жалб қилинаётган инвестициялар самарадорлиги ва иқтисодий-ижтимоий таъсирини баҳолаш, тўғридан-тўғри хорижий сар-мояларни йўналтириш учун етакчи соҳаларни белгилаш вазифаси қўйилди.

Инвестиция лойиҳаларини жойлаштиришда биринчи нав-батда инфратузилмага улашиш имкониятлари ва харажатлари-га алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги таъкидланди.

Бугунги куннинг долзарб масалаларидан яна бири – маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш орқали ички ва ташқи бозорда рақобатбардор маҳсу-лотлар ишлаб чиқариш ҳисобланади.

Шу мақсадда 2019 йил яку-ни бўйича локализация доира-сида 800 дан ортиқ лойиҳалар ишга туширилди. Хусусан, поливинилхлорид, катанка, электродвигатель, шиша идиш-

лар, маиший техника, ҳар хил дори-дармонлар ва бошқа турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Жорий йилдан бошлаб ма-ҳаллийлаштириш дастурини янгилаш ёндашувлари асосида шакллантирамиз, деди давлатимиз раҳбари.

Хусусан, 830 та лойиҳа дои-расида 9 триллион сўмлик янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш режалаштирилган.

«Ўзэлектросаноат» уюшмаси, «Ўзгазротехсаноат-холдинг» АЖ, «Ўзавтосаноат» АЖ, Фар-мацевтика тармоғини ривож-лантириш агентлиги, «Ўзса-ноатқурилишматериаллари» уюшмаси, шунингдек, Тошкент шаҳри, Фарғона, Хоразм, Жиз-зах, Сирдарё, Тошкент вилоят-лари аниқ лойиҳаларни амалга оширишлари лозимлиги қайд этилди.

Шу муносабат билан Вазир-лар Маҳкамаси ҳамда Иқтисо-дий ва саноат вазирлигига ҳар бир вазирлик ва идора билан биргаликда бир ой муддатда 2020 йил маҳаллийлаштириш дастурига киритилган лойи-ҳалар бўйича тармоқ жадвал-ларини тасдиқлаш вазифаси юклатилди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, лойиҳа-ларни амалга оширишда асосий эътибор маҳсулот-нинг рақобатбардорлиги ва иқтисодий самара-дорлигига, таннархини камайтиришга қаратили-ши керак.

«Ўзстандарт» агентлигига тадбиркорлик субъектларига импорт ўрнини босувчи саноат маҳсулотлари ишлаб чиқа-ришни ўзлаштиришда стан-дартлаштириш, метрология ва сертификатлаш бўйича амалий ёрдам кўрсатиш белгиланди.

Қорақалпоғистон Республи-каси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари маҳаллийлашти-риш дастури доирасидаги лой-иҳаларнинг ўз вақтида амалга оширилиши бўйича шахсий назорат ўрнатиш топшириғи берилди.

Иқтисодий ва саноат вазир-лиги, Савдо-саноат палатасига жойлардаги масъуллар билан биргаликда Республика саноат ярмаркаси доирасида тузилган шартномалар ижросини тў-лиқ ва ўз вақтида таъминлаш чораларини қўриш вазифаси қўйилди.

Видеоселектор йиғилиши-да мутасадди раҳбарларнинг ҳисоботи эшитилди, галдаги муҳим вазифалар белгилаб олинди.

Евроосиё иқтисодий иттифоқига аъзоликнинг қандай афзаллиги бор?



Шавкат ЖАВЛОНОВ,
Фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари
фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика
кенгаши бошқаруви раиси.

Кувонарлиси, кўпчи мамлакатлар билан алоқалар кенгайтирилгани минтака давлатлари иқтисодиётига сезиларли даражада ижобий таъсир кўрсата бошлади. Савдо-сотиқ ривожланиб, экспорт ҳажми ортиб бормоқда. Бугун Ўзбекистоннинг МДХ мамлакатлари ўртасида асосий ташқи савдо шериклари ҳисобланган Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Украина, Беларусь ва Тожикистондаги ташқи савдо айланмиси 31 фоиздан ортиқ. Евроосиё иқтисодий иттифоқига аъзо мамлакатлари билан эса умумий савдо ҳажми 9,7 миллиард долларга етди.

Шу ўринда сўнгги пайтларда кенг жамоатчилик ва экспертлар доирасида кизгин муҳокама қилинаётган Ўзбекистоннинг Евроосиё иқтисодий иттифоқи (ЕОИИ)га аъзо бўлиш-бўлмаслиги масаласи ҳақида тўхталиб ўтмоқчимиз. Кузатишлардан маълумки, қарашлар икки хил. Бирок шунинг унутмаслик лозимки, ЕОИИ халқаро иқтисодий ташкилот. Бу ташкилотга аъзо мамлакатлар суверенитетига таъсир қилмаслиги, давлатларнинг бири томонидан бошқасига, ҳатто, иқтисодий таъсир ўтказиш мумкин эмаслиги кундай равшан. Бинобарин, ташкилотнинг асосий мақсади ўзаро манфаатдорликка қаратилган экан, унга аъзо бўлмаслигини эмас, балки қўшилишни муҳокама қилиш ўринлидир. Қолаверса, ушбу ташкилотга аъзо бўлишнинг фойдали жиҳатлари кўпроқдек.

Иқтисодий жиҳатдан қандай манфаат бор?

Аваламбор, ЕОИИга аъзолик биз учун 186 миллиарддан ошмироқ инсон истикомат қилувчи, қиймати эса 1 триллион 900 миллиард АҚШ доллариға тенг бозорга кириш имконини беради. Ўзбекистон бу бозорга ўзининг нисбатан арзон маҳсулотларини экспорт қилиб, қатта микдосда фойда қўриши мумкин. Қолаверса, давлатлараро технологик ишлаб чиқариш занжирлари яратилади.

Ўзбекистон экспортида энгил саноат ва тўқимачилик маҳсулотлари экспорти табиий ре-

сурслар ва рангли металллардан кейин учинчи ташқи савдо йўналиши ҳисобланади. Агар иттифоқга аъзо мамлакатлар ичида ушбу тармоқда етакчининг аниқ эмаслигини инобатга оладиган бўлсак, бу борада биз нисбий устуңликка эга бўламиз. Бу — масаланинг бир жиҳати, иккинчиси — импорт. Мамлакатимиз импортининг 1/3 қисmini машиналар, ускуна ва механизмлар ташкил этади. Ушбу йўналишдаги асосий ҳамкоримиз Хитой эканлиги сабабли мазкур товарлар нархининг тушиши, натижада импорт харажатларининг камайишига эришилиши мумкин.

Мамлакатимиз ЕОИИга аъзо мамлакатларнинг барчаси билан икки томонлама ўзаро манфаатли қилишув ва битимларга эга. Умумий ташқи савдо айланмани ҳам муттасил равишда ўсмокда. Ҳозирги кунда бу кўрсаткич 70 фоизга етган. Шунинг ўзи стратегик шериклар билан интеграциялашишни тақозо этади. Агар икки томонлама ҳамкорликка таяниб юрарсак, кун келиб ўсиш динамикасида маҳрум бўлишимиз ҳеч гап эмас. Чунки бугунги пайтда «об-хаво» ўзгариб, томонлар миллий манфаатлари ёки геосий амбициялари йўлида ўз мажбуриятларини «унутиб қўйиш» мумкин.

Шу ўринда ЕОИИнинг жорий ҳолатига бир назар ташласак. Жаҳон иқтисодиётининг ўзгарувчанлиги билан боғлиқ ташқи шартнослар ва хатарларга қарамай, ташкилотга аъзо мамлакатлар иқтисодиётида ижобий ўсиш сакланиб турибди. Мамлакатларнинг ўзаро савдо ҳажми ҳар йили 20-30 фоиз ўсмокда. Яна бир ижобий омил шуки, барча аъзо давлатлар жаҳон иқтисодиётидаги ўз позицияларини яхшилаб, Жаҳон банки рейтингига кўтарилиб олди. Прогнозларга кўра, 2019-2020 йилларда ҳам уларнинг иқтисодиётида ижобий томонга ўсиш сакланиб қолиши кутулаётгани эътиборга моликдир.

Айни пайтда ЕОИИ маҳсулотларга қўйиладиган техникавий, санитария, ветеринария ва фитосанитария стандартлари ва норма-

Бугунги Ўзбекистон кўпчи мамлакатлар билан ўзаро ишончга асосланган конструктив дипломатияни юритмоқда. Шубҳасиз, бу — Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси ва жасорати билан амалга оширилмоқда. Бу йўлдаги энг биринчи ва муҳим қадам — Ўзбекистон томонидан илгари сурилган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг норасмий маслаҳатлашув кенгаши бўлди. Бундан ташқари, 2019 йил март ойда илк бор Тошкентда Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик форуми бўлиб ўтди.

рини учинчи давлатларга нисбатан маълум даражада қаттиққўллик билан таъбиқ этиши натижасида бизнинг тадбиркорларимиз маҳсулотларини ЕОИИ бозорига киритишга қийналишмоқда. Агар Ўзбекистон ЕОИИга қирадиган бўлса, ўз қондаларини иттифок стандартлари билан мувофиқлаштириб боради ва тадбиркорларимиз учун қатта имкониятлар вуҷудга келади. Бунинг натижасида, ЕОИИ бозорини қўзлаган хорижий инвестициялар оқими юзга келиши мумкин.

Яна битта плюс: Иттифоққа қўшилсак, мамлакат ишбилармонлари ўртасида рақобат муҳити кучаяди. Бундай рақобат эса истисмолчи учун яхши.

Евроосиё бозорига йўл очилгач, муайян тармоқлар, масалан, автомобилсозлик, электротехника, қандолатчилик саноатимиз рақобатга дош беролмаслиги мумкин. Лекин қишлоқ хўжалиги ва тўқимачилик саноати каби биз учун аънавий саналган соҳаларда позициямиз, аксинча, мустаҳкамланишига умид бор. Демак, ташқи бозорлардаги улушимиз ортини муқаррар.

Яна бир масала миллий валюта билан боғлиқ муносабатлар бўлиб, ЕОИИга аъзо бўлиш орқали ўзаро ҳисоб-китобларнинг самарасини ошириш, долларга (долларизация оқибатлари) қарамлиқни юмшатиш мумкин.

Бундан ташқари, Ўзбекистон ЕОИИга қабул қилинса унга аъзо 5 давлат билан стандартларни бирлаштириш орқали чегаралардаги ортиқча текишув ва улардан келиб чиқадиган вақт исрофининг олдини олиш мумкин. Шунда экспорт қилувчиларимиз маҳсулотларини ЕОИИ ҳудудига анча эркин чиқаришди.

Назаримда, Ўзбекистон иқтисодиёти оёққа туриб олган бир пайтда Евроосиё иқтисодий иттифоқидан юз ўтириб, тинимсиз турли чеклов ва тўсиқларга учрагандан кўра, вазиятни ўз фойдамизга ҳал қила қолганимиз маъқул.

Мехнат мигрантларимиз учун қулай шароит яратилади?

ЕОИИга аъзо мамлакатларга тақлиф этилаётган эркинликлардан бири мехнаткашлар оқими эркинлигидир. Айни дамда Ўзбекистондан Россияга ва ЕОИИнинг бошқа мамлакатларига бориб ишлаётган мехнат мигрантларининг аниқ сонини ҳисоблаб чиқиш қийин. Чунки

уларнинг кўпчилиги расмий меҳнат мигрантлари сифатида рўйхатдан ўтмаган. Шу боис тегишли ҳуқуққа ҳам эга эмас, тиббий ёрдам ҳам ололмайди.

ЕОИИга аъзо мамлакатлар эса меҳнат мигрантлари учун лицензия ва рухсат олиш талабларини ўзаро жиддий камайитиришган ҳамда ишлаш мамлакатига қилиш муддатини узайтиришган. Агар мигрант ишчи расмий равишда ишга ёлланган бўлса, унда унинг фарзандлари ўша мамлакатдаги боғча ва мактабларда ўқиши мумкин бўлади. Шунингдек, унинг барча оила аъзолари мажбурий тиббий сугурта билан камраб олинади.

Демак, Ўзбекистон ЕОИИга аъзо бўлса муҳандислик соҳасида университетни тамомлаган Ўзбекистон фуқароси Россия ёки Қозоғистонга бориб, у ердаги фуқаролар билан тенг шароитларда ишлаш ҳуқуқига эга бўлади. Пенсия таъминоти каби ҳал этилмаган муаммолар мавқуд бўлса-да, умумий меҳнат бозорининг ЕОИИда бирмунча шаклланигани тан олиш зарур.

Қолаверса, ташқи мигрантлар ҳисобидан Ўзбекистонга ўтказилаётган валюта ҳажми янада ортади. Маълумотларга кўра, Россияда меҳнат қилаётган ўзбекистонликлар томонидан 2016 йилдан бошлаб 2018 йил охиригача пул ўтказмалари миқдори 4 миллиард долларни ташкил этган. Давлат статистика қўмитасининг маълумотиға кўра, республиканинг экспорт ҳажми 2019 йилнинг январь-сентябрь ойларига 13,6 млрд. АҚШ доллари (ўсиш суръати — 45,5 фоиз)га ошган. Демак, меҳнат мигрантларидан келаётган пул ўтказмалари ҳам давлатга яхшигина даромад келтирмоқда.

Бошқа томондан, юртимизга инвестиция оқими қўпайиши натижасида фаол қўл меҳнатини талаб этувчи соҳаларга инвестиция оқими қучайиб (labour-intensive sectors), ишчи ўринлари қўпайиши ва бунинг натижасида ташқи миграция камайиши эҳтимоли ҳам йўқ эмас.

Ташқи божхона сиёсати

ЕОИИ бу — эркин иқтисодий ҳудуд бўлиб, аъзо мамлакатларнинг ташқи божхона сиёсатини мувофиқлаштиради. Шундай экан, ЕОИИга аъзо давлатлар учинчи мамлакатлар ёки шундай иттифоклар билан эркин битимлар туза олади. Шунингдек, Россия ва Қозоғистон каби икти-

содий жиҳатдан қудратли давлатлар билан икки томонлама эмас, балки институтлашган-ҳуқуқий меъёрлар орқали алоқаларимизни қайтадан тартибга солиш имконига эга бўламиз.

Яна бир муҳим омил, бу — давлат институтлари ишлашининг яхшилланиши. Россия, Беларусь ва Қозоғистон каби давлатлар билан яқиндан ишлаш давлат хизматчиларимизнинг даражаси юксалишига ва давлат институтлари томонидан ишлаб чиқилган лойиҳа ва хизматлар сифати яхшилланишига олиб келади.

Сайёҳлик соҳасида ҳам жиддий, туб ўзгаришларга йўл очилади. Россия ва ЕОИИ мамлакатлари билан визасиз режим сайёҳлар оқимининг қўпайишига хизмат қилиши тайин.

Ўзбекистоннинг ЕОИИ ва МДХ мамлакатларига экспорт потенциалли тўлиқ амалга ошайгани йўқ. 2018 йилда мевасаб-завот экспорти ҳажми 874,5 миллион АҚШ доллари бўлди. Уларнинг асосий қисми Қозоғистон билан Россияга жўнатилади. Ўзбекистоннинг ушбу экспорт ҳажми фитосанитария ва ветеринария талаблари сабаб чекланган. Чунки ЕОИИ мамлакатлари (асосан, Қозоғистон) Ўзбекистондан импорт қилинган маҳсулотларни қайта экспорт қилади. Экспертлар фикрича, бунинг оқибатида Ўзбекистон керагидан кўра, 1 миллиард АҚШ доллари ҳам даромад олмақда. Автомобиль ва тўқимачилик маҳсулотлари экспортининг етарли эмаслиги ҳам ЕОИИ талабларига боғлиқ бўлмоқда.

Афсуски, Ўзбекистоннинг ЕОИИга киришига сиёсий тус бериб, нотўғри талқин қилаётганлар ҳам бор. Гўёки иқтисодий манфаатлардан кўра, сиёсий манфаатлар устун эмиш. Бугунги даврда ҳеч бир мамлакат, ҳатто, ЕОИИ ҳам бошқа бир давлатни зўрлик билан ушлаб туролмайди. Уларни фақат ўзаро манфаат бирлаштириб туради, ҳолос. Қолаверса, Евроосиё иқтисодий иттифоқида бизнинг манфаатимизга зид ҳолат кузатиладиган бўлса, Ўзбекистон исталган пайтда ушбу ташкилотдан чиқиб кетиши мумкин. Шундай экан, мамлакат фаровонлиги ва ривожига ҳисса қўиладиган бундай иқтисодий интеграцияни қўлаб-қувватлаш лозим. Муҳими, Ўзбекистоннинг ушбу тузилимага кириши ҳаётимизга қатта ўзгаришлар олиб келиши шубҳасиз. Зеро, мустақил Ўзбекистон ўзаро манфаатли алоқага доим тайёр.

БУХОРО ВИЛОЯТИ

Қалқон бор, қалъа бут, қўрғон саломат!



Бухоро шаҳридаги Абдуҳолиқ Ғиждувоний номли маҳалла фуқаролар йиғинида «Ватанпарварлик — миллий юксалиш кафолати» шиори остида «Қалқон бор, қалъа бут, қўрғон саломат!» тadbiri ўтказилди.

Маҳалладаги уюшмаган ёшлар вакиллари иштирок этган мазкур тadbирда Бухоро шаҳридаги ҳарбий киём аскарлари билан суҳбат уюштирилди.

Қизиқарли ўтган тadbир давомида мазкур маҳалладан Қуролли Кучларимиз сафига чакирилган аскар оналари Нигора Сатдуллаева ҳамда Хулкар Ахмедовлар тақдирланди.

Акбар РУСТАМОВ
«Mahalla»

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

Маҳалланинг ҳарбий қисмга ташрифи

Наманган вилоятидаги маҳалла фуқаролар йиғинларида «Аскар — маҳалла фаҳри», «Ибратли тенгдошим», «Қуролли Кучларнинг фуқаролик жамиятимизда тутган ўрни ва роли», «Аскар оналарини шарафлаймиз!», «Ватан тараққиётига ҳисса қўшаман!» каби мавзуларда ўтказилган тadbирларда ватанпарварлик, юртга содиқлик каби фазилатлар тараннум этилди.

— Ватан ҳимоячилари кунни муносабати билан вилоят мудофиа бошқармаси ҳамкорлигида «Маҳалланинг ҳарбий қисмга ташрифи» номли учрашув ташкил этдик, — дейди Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари

фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Наманган вилояти кенгашининг ёшлар ишлари бўйича бош мутахассиси Одижон Камалов. — Унда «Ҳарбийлар ва ёшлар» учрашуви, ҳарбий қуран-аслаҳалар кўргазмаси бўлиб

ўтди. Чортоқ тумани «Арбағиш» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмда ҳам «Маҳалланинг ҳарбий қисмга ташрифи» доирасида ёшлар ва ҳарбийлар учрашуви ташкил этилди.

Мудофиа бўлимлари ва ҳарбий қисмлар билан ҳамкорликда бетоб ҳамда ҳалок бўлган ҳарбийлар хонадонига ташриф буюриб, ҳолидан хабар олинди.

Х.АБДУРАХМОНОВ
«Mahalla»

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

Янги бино — яхши имкониятдир

Қибрай туманидаги «Нурафшон» маҳалла фуқаролар йиғини биноси капитал таъмирланиб, фойдаланишга топширилди.

Йиғиннинг ҳашар йўли билан капитал таъмирланган янги биносида нафақат фуқаролар йиғини ходимлари, балки бу ерга келадиган ҳар битта фуқаро учун барча қулайлик яратилди.

— Туманимизда 88 та фуқаролар йиғини фаолият юритади, — дейди Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Қибрай тумани кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Хусан Авазматов. — Шу кўнга қадар уларнинг 35 таси таъмирланди. 2 та фуқаролар йиғинининг биноси реконструкция қилинди. 2020 йилда эса «Юқор

ри юз», «Ҳосилдор», «Илгор», «Тинчлик», «Янги Ўнқўрғон», «Обод» ва «Шодлик» фуқаролар йиғини бинолари давлат-хусусий шериклик асосида янгидан қурилиб, февраль ва март ойларида фойдаланишга топширилади.

Жорий йил туманда 12 та маҳалла биносини капитал таъмирлаш режалаштирилган. Шунингдек, Президентимизнинг 2019 йил 2 апрелдаги «Аҳоли муаммолари билан ишлашда маҳалла институтининг мавқеи» тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони билан 46 та маҳалла фуқаролар йиғинининг биноси мулк ҳукуқи



асосида маҳалла тасарруфига ўтказилган бўлса, жорий йил қолган 42 та маҳалланинг биносини маҳаллалар тасарруфига ўтказиш режалаштирилган.

Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

«Қўрғонча» маҳалласи янги йилни янги бинода бошлади

Тошлоқ туманидаги «Қўрғонча» маҳалла фуқаролар йиғини мутахассислари шу вақтга қадар эски лойсувоқ, пасткам бинода «жон» сақларди. Янги йилдан улар учун янги бино қуриб, фойдаланишга топширилди.

Замонавий ва миллий меъморчилик анъаналари билан уйғунлашган янги бинода маҳалла фуқаролар йиғини раиси, масъул котиб, хотин-қизлар билан ишлаш, оилаларда маънавий-ахлоқий кадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассис, профилактика инспектори ҳамда жамоат тузилмалари учун 9 та хона бунёд этилди. Шунингдек, бу ерда мажлислар зали, кутубхона ва умумий овқатланиш шохобчалари фаолияти ҳам йўлга қўйилди.



— Қурилиш, ободончилик билан боғлиқ бўлган ишлар кўлами бу билан поёнига етмайди, — дейди фуқаролар йиғини раиси

Заҳиджон Сайдалиев. — Эндликда аҳоли кундалик ҳаёт тарзи учун керакли бўлган маиший шaroитларни яхшилаш, маҳалла ёшлари учун спорт тўғрисидаги ташкил этиш устида иш олиб бораёмиз. Натижада маҳалла фуқаролар йиғини биносининг ўзида ўндан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

Тўрт минг нафардан ортиқ аҳоли умргузаронлик қилаётган маҳалла фуқаролар йиғинида яратилган янги қулайликлар аҳоли узоғини яқин, оғирини энгил қилиш имкониятини бермоқда.

Расул КАМОЛ
«Mahalla»

Ватан ҳимоячилари борки, кўнгил хотиржам

Бу йил юртимизда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 28 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кун кенг нишонланди.



Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши томонидан мазкур санани умумхалқ байрами сифатида ўтказиш, аҳоли, айниқса, ёшларнинг миллий армиямиздан фахрланиш ва унга бўлган ишонч ҳиссини ошириш мақсадида катор тadbирлар режаси ишлаб чиқилди. Жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида 2019 йилнинг 15 декабридан 2020 йилнинг 15 январига қадар «Ватанпарварлик — миллий юксалиш кафолати» шиори остида тантанали тadbирлар ўтказилди.

— Юртимиз маҳаллаларида ушбу байрамни ўз вақтида ва юқори савияда ўтказиш бўйича тегишли чора-тadbирлар белгиланди, — дейди Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши бўлим бошлиғи Баҳодир Набиҳўжаев. — Жумладан, «Аскар — маҳалла фаҳри», «Менинг акам — Ватан ҳимоячиси», «Ёшлар тарбиясида армиянинг ўрни», «Ибратли тенгдошим» каби маънавий-маърифий тadbирларда кенг аҳоли, айниқса, ёшлар иштирокчини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Ўйлаётганки, қилинган бу эзу ишлар фарзандларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантириш, юртимиз тараққиёти ва халқимиз ҳаётида Ўзбекистон Қуролли Кучларининг ўрнини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Сана муносабати билан Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти кенгаши томонидан ҳудудда яшовчи кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар фарзандларининг пойтахтимиздаги Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари давлат музейига саёҳати ташкил этилди. Болалар музейни айланаркан, тарихий ёдгорликларнинг макетлари, этнография, фотография буюмлари, қўлёзмалар, нодир китоблар уларда катта таассурот қолдирди.

— Мен Учтепа туманидаги «Бекобод» маҳалласида яшайман, — дейди ҳудудда жойлашган 109-умумтаълим мактаби ўқувчиси Иззатилла Йўлдошев. — Яқинда Қуролли Кучлар музейига саёҳатга бориб, Миллий Армиямизнинг куч-қудрати, аскарларимизнинг жасорати ҳақида қимматли маълумотларга эга бўлдим. Келажакда она Ватанимга содиқ ўғлон бўлиб, уни ёвлардан ҳимоя қиламан.

Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманидан келган ўқувчиларнинг саёҳатдан олган таассуротлари ҳам бир олам.

— Ойнайи жаҳон орқали ҳарбий либос кийган аскарларни, юрт сарҳадларини қўриқлаётган жасур акаларимни кўрганимда, уларга ҳавас қиламан, — дейди Низом Абдуллаев. — Айниқса, замонавий жанговор техникаларни бошқараётган ҳарбийлар, улардаги иш-жосот менинг қалбимда ҳам шу соҳага меҳр уйғотган. Келажакда чегарачи бўлиб, Ватаним сарҳадларини ёвлардан қўриқлайман.

Шунингдек, Ўзбекистон тарихи давлат музейи, Чирчиқ шаҳар танк қўмондон муҳандислик билим юрти ва Чирчиқ шаҳридаги ҳарбий қисмда ўтказилган уч авлод учрашувлари ҳам ёшлар қалбида бир умрга муҳрланди.

С.ТУРСУНОВ
«Mahalla»

Президент фармонлари билан пойтахт ва вилоятлар ҳокимлари лавозимларига тайинланди.

Муштарак мақсад йўлидаги ҳамкорлик мустаҳкамми?

ПОЙТАХТИМИЗДА МАҲАЛЛАЛАРДА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИРЛАРНИ ТИЗИМЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ БЎЙИЧА ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ 2019 ЙИЛНИНГ НОЯБРЬ-ДЕКАБРЬ ОЙЛАРИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ҲАМКОРЛИК ДАСТУРИ ИЖРОСИНИНГ ЯКУНИ ҲАМДА 2020 ЙИЛНИНГ ЯНВАРЬ-ИЮНЬ ОЙЛАРИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ҲАМКОРЛИК ДАСТУРИДА БЕЛГИЛАНГАН УСТУВОР ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНГАН БРИФИНГ ВА ВИДЕОСЕЛЕКТОР ЙИҒИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ

Юртимизда маҳалла институти фаолиятини янада такомиллаштириш, жамиятимизга дахлдор барча масалаларда маҳалланинг иштирокини таъминлаш, уни энг халқчил ҳамда одамлар дарди ва ташвиши билан яшайдиган тузилмага айлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Натижада маҳалла халқ ишончини қозониб, мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотларнинг фаол иштирокчисига айланиб бормоқда.



Самарали ҳамкорлик йўлга қўйилмай туриб...

Бирок ҳозирги глобаллашув даврида юртимиз тинчлиги, унинг тараққиётига раҳна солаётган ташки қилар биринчи навбатда урф-одат ва қадриятларимиз, халқимизнинг маънавиятига зарба беришга уринмоқдаки, бу барчамизни чуқур ўйлашга, мушоадада юритишга ундайди. Афсуски, бугун маҳаллаларда, оилаларда ўтказилаётган кенг қўламли тадбирларга қарамасдан, ёшларимиз дунёқараши ва фикрлашида салбий ўзгаришлар кузатилаётгани, оилаларда меҳр-оқибат ришталарига путур етиб, носоғлом муҳит авж олаётгани, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликлар сони камаймаётгани, оилавий маъракалар ва тантаналарни қимўзарга ўтказиш тобора урфга айланаётгани кўпчилигимизни жиддий ташвишга солмоқда.

Ҳаётимиздаги бу каби иллатларга қарши курашниш, муаммоларга барҳам бериш, уларнинг олдини олиш осон эмас. Бунинг учун барча куч ва имкониятларни бир мақсад йўлида бириктириш, ҳамкорликда иш олиб бориш зарур.

Шу мақсадда ўтган йил «Маҳаллаларда маънавий-маърифий тадбирларни тизимли ташкил этиш бўйича жамоат ташкилотларининг 2019 йил октябрь-декабрь ойларига мўлжалланган Ҳамкорлик дастури» ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилди. Шунингдек, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ёшлар иттифоқи, «Нуруний» жамғармаси ва «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази фаолларининг

Мурожаати қабул қилинди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида бўлиб ўтган брифинг ва видеоселекторда 2019 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида амалга оширилган тадбирлар ҳақида атрофлича маълумот берилди.

«Ёшлар қалбига йўл топа олдикми?»

— Оила — тарбия ўчоги. Шу боис унга тааллуқли ҳар қандай муаммо жамиятдаги ижтимоий-маънавий муҳитга қайсидир маънода таъсир қилади, — дейди Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши бошқаруви раиси Шавкат Жавлонов. — Хабарингиз бор, яқинда Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ижтисосий-маънавий муҳитга қаршиликлар қаратилган бир қатор оғир амалга оширилди. Бироқ муаммо шунки, ҳали ҳам эртамиз эгалари, юртимиз келажаги бўлган ёшларнинг ичида, қалбига кириб бора олганимиз йўқ. Тан олиш лозим, кўпчилик ҳамкор ташкилотлар томонидан маҳаллалар, оилаларда алоҳида-алоҳида ўрганилиш олиб борилади. Бу аҳолини бундай учрашувлардан бездириб, тадбирлар самарасини бермайди. Шу боис мазкур йўналишдаги ҳаракатларимизни умумлаштириш, ўрганишларни биргаликда олиб боришимиз мақсадга мувофиқ. Шунда муаммонинг ечимини топа оламиз.

Дарҳақиқат, ҳар бир ажралиш ортида қанчадан-қанча оилалар фожияси, ота-оналар изтироби, тирик етим бўлиб қолаётган фарзандлар тақдирини ётганлиги ҳамкорлигимизнинг даражаси ва фаолиятимизга берилган баҳодир. Шу нуқтаи назардан олиб қарасак, оилалар ва маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳитни яхшилаш, долзарб масалалардан бири бўлган «оммавий маданият»нинг салбий таъсирини камайтириш, ёшлар ўртасида миллий қадриятларга асосланган тарбия муҳитини шакл-

лантириш муҳим аҳамиятга эга. Шу боис оилавий низола ва ажралишларнинг олдини олиш, оила-турмуш муносабатлари доирасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасини кучайтириш борасида амалий ишлар қилинмоқда. Ўтган 2019 йилнинг ноябрь-декабрь ойларига мўлжалланган 7 та йўналиш ва 24 та банддан иборат Ҳамкорлик дастури асосида республика, вилоят, туман ва маҳалла даражасида оила ва маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, оилавий ажралишларнинг олдини олиш, тўй ва маросимларни тартибга солиш, ёшларни Ватанга муҳаббат, миллий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга қаратилган бир қатор ишлар амалга оширилди. Бироқ муаммо шунки, ҳали ҳам эртамиз эгалари, юртимиз келажаги бўлган ёшларнинг ичида, қалбига кириб бора олганимиз йўқ. Тан олиш лозим, кўпчилик ҳамкор ташкилотлар томонидан маҳаллалар, оилаларда алоҳида-алоҳида ўрганилиш олиб борилади. Бу аҳолини бундай учрашувлардан бездириб, тадбирлар самарасини бермайди. Шу боис мазкур йўналишдаги ҳаракатларимизни умумлаштириш, ўрганишларни биргаликда олиб боришимиз мақсадга мувофиқ. Шунда муаммонинг ечимини топа оламиз.

Тўйлардаги дабдабозликлар давом этмоқда

Йиғилишда белгиланган вазифаларнинг қуйи тизимидаги ижроси қай даражада бўлаётгани танқидий таҳлил қилинди. Жумладан, дастурнинг 9-бандига асосан, қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, касбга ўргатиш ва бандлигини таъминлаш мақсадида «Маърифатли

қизнинг қадами кутлуг келур!» акциясини ташкил этиш ва бунинг учун эҳтиёжманд, боқувчисини йўқотган, муаммолари оилаларда тарбияланаётган вояга етган қизлар рўйхатини шакллантириш белгиланган эди. Бирок Самарканд ва Сурхондарё вилоятларида акция натижалари ҳақида аниқ маълумотлар берилмади. Қолаверса, дастурда тўй ва маросимлар ўтказилишини тартибга солиш масаласи алоҳида йўналиш сифатида белгиланган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2019 йил 14 сентябрдаги «Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказилишини тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Қўшма қарорига асосан, амалга оширилаётган ишларга қарамасдан, айрим ҳудудларда ўтказилаётган тартибсизликлар, дабдабозликларга халигача барҳам берилмаяпти. Масъул ҳамкор ташкилотларнинг қуйи тузилмалари ўртасида таъсирчан чора-тадбирларни манзилли ташкил этишга старалар эътибор қаратилмаяпти. Айниқса, Тошкент шаҳри ва Самарканд вилоятида дабдабали тўйлар, шухратпарастлик ҳолатлари илдиз отгани ачинарли, албатта.

«Оилалар тинчлиги — юртимиз тақдир билан боғлиқ»

Йиғилишда Республика «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази раҳбари Дилором Тошмухаммедова ҳам сўзга чиқиб, оилалар тинчлиги ҳақида ўз фикрларини билдириб ўтди.

— Юртимизда бевоқиф оила билан ишловчи бир қанча давлат ва жамоат ташки-

лотлари бор, ammo шу пайтгача улар ўртасида мустаҳкам ҳамкорлик алоқалари бўлмаганлиги тизимда олиб борилган ишлар самардорлигига эришишда тўсиқ бўлаётган эди, — дейди Д.Тошмухаммедова. — Ўйлайманки, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши ташаббуси билан йўлга қўйилган Ҳамкорлик дастури соҳадаги ислохотларнинг янада жадаллаштиришга хизмат қилди. Шундай экан, бу ишларни асло сувайтирмаслигимиз лозим. Оилалар тинчлиги бевоқифа ўзгаришлар, юртимиз тақдирини билан боғлиқ. Шу нуқтаи назардан, ўтган йили «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази мутахассислари томонидан 15 га яқин жисдий мавзуларда тадқиқотлар ўтказилди. Биз ҳозир тезроқ ана шу тадқиқотларимизни қуйи ташкилотларга, ҳудудий бўлимларимизга тақдим этишимиз, аниқланган муаммоларга биргаликда ечим топишимиз зарур, деб ўйлайман.

Тадбирда Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, «Нуруний» жамғармаси Марказий Кенгаши, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи масъуллари ҳам Ҳамкорлик дастури бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтдилар.

Шунингдек, тадбирда 2020 йилнинг январь-июнь ойларига мўлжалланган ҳамкорлик дастурида белгиланган устувор вазифалар ҳақида ҳам сўз бориб, тадбирларни тизимли ташкил этиш бўйича устувор вазифалар белгилаб олинди. Ҳамкорлик дастурида ҳодимларнинг билим ва қўникмаларини ошириш, оилавий ажралишларнинг олдини олиш, хотин-қизлар ўртасида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш, тўй ва маросимларни тартибга солиш, ёшларни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, мукаддас қадамжолар, зиёратгоҳлар ва қабристонларни ободонлаштириш, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш каби муҳим вазифалар ўрин олди. Қолаверса, 7 та йўналиш, 27 та банддан иборат ушбу дастур лойиҳасида республика, вилоят, туман ва маҳалла даражасида амалга оширилаётган маънавий-маърифий тадбирларни аниқ ижро этиш механизмлари белгилаб олинди.

Саъдулло ТУРСУНОВ
«Mahalla»

Маҳаллалардаги «Очиқ эшиклар кuni» аҳоли муаммоларига ечим бўла олади...(ми?)

«Халқимиз ўз ҳаётида ижобий ўзгаришларни эртага эмас, узоқ келажақда эмас, айнан бугун кўриши керак!» Президент Шавкат Мирзиёевнинг халқимиз қалбидан чуқур жой олган бу сўзлари мамлакатимизда маҳаллани халқчил ҳамда одамлар дарди ва ташвиши билан яшайдиган тузилмага айлантириш борасида олиб борилаётган ишларни бутунлай янги босқичга олиб чиқди.

Қоғозда қолаётган ваъдалар

Жумладан, фуқароларни қийнаётган муаммоларни атрофлича ўрганиб, унга зарур ечим топиш, оилалардаги низо-ларни бартараф этиш, аҳолини иш билан таъминлаш ҳамда жиноятчиликни барвақт аниқлаб, унинг олдини олиш каби масалаларда маҳалла тизимига катта масъулият юкланди. Айниқса, 2019 йил 2 апрель куни Президентимизнинг «Аҳоли муаммолари билан ишлашда маҳалла институтининг мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони соҳадаги ислохотларни янада жадаллаштиришга хизмат қилди.

Бироқ мавжуд имкониятларга қарамай, бутун барча маҳаллаларда фуқаролар йиғини раис ва фаоллари томонидан аҳоли муурожаатлари етарлича ўрганилган, деб бўлмайди. Оилалардаги низо-лар юз-ки кўриб чиқиладигани, аҳолининг ижтимоий ҳимояга мухтож қатламига етарлича эътибор қаратилмаётгани, яқка тартибдаги мулоқотлар шунча-ки қоғозларда қолиб кетаётгани юрдошларимизнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда. Ачинарлиси, баъзи раҳбарларда муурожаатлар билан ишлашда зарур малака етишмайди. Натижада маҳалланинг ўзида ҳал бўладиган, фуқаролар йиғини раиснинг ваколат дои-расида ечим топиладиган кўп-лаб муаммолар республика даража-сига олиб чиқилмоқда. Бу эса ортқча вақтнинг йўқотили-шига, маҳаллаларда носоғлом муҳитнинг пайдо бўлиши ва турли салбий ҳолатларнинг урчишига сабаб бўлаётир.

Аҳоли муаммоларини ҳал этишнинг янги тизими қандай самара беради?

Шу боис жорий йил Фука-роларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши томони-дан маҳалла тизимида халқ билан мулоқотни кенгайтириш, фуқароларнинг давлатга бўл-ган ишончини янада ошириш ва аҳоли учун доллар муаммо-ларни ҳал этишга қаратилган

амалий чора-тадбирларни яна-да кучайтириш мақсадида Рес-публика кенгаши ва ҳудудий, туман (шаҳар) кенгашларида ҳар ойнинг 10-санасида «Очиқ эшиклар кuni»ни ташкил этиш белгиланди. Ҳўш, янги тизим-нинг афзалликлари нимада?

— Бугунги кунда фуқаро-ларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига оид муурожаатлар кам эмас, — дейди Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фао-лиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши бўлим бошлиғи Бегзод Шона-заров. — Бироқ йиғин ходимла-рининг у ёки бу масалада одам-лар муаммоларини ҳал этишда сусткашликка йўл қўяётганли-ги, келиб тушган муурожаатга ўз вақтида қонуний жавоб бер-маслиги натижасида фуқаро-лар йиғинларининг Ижтимоий кўлаб-қувватлаш комиссияси ҳамда Яраштириш комиссияси фаолиятига оид муурожаатлар маҳаллалар фаолиятини муво-фиқлаштириш кенгашларига келиб тушмоқда. Асли-да мазкур комиссиялар жамоатчилик асосида ташкил этилган бўлса-да, ўз маҳалласидаги одамларга ёрдам бе-риши, уларнинг муш-кулсини осон қилиши лозим. Бироқ бошқа идораларда бўлгани каби маҳалла институ-ти тизимида ҳам аҳоли муаммоларига панжа орасидан қараётган, муурожаатлар билан ишлашда сусткашликка йўл қўяётган ходимлар йўқ эмас ва бу ҳолат-га бепарволик билан қараи, одамлар ишон-чини йўқотишга олиб келиши мумкин.

Мавжуд камчиликларни бар-тараф этиш мақсадида жорий йилдан ҳар ойнинг 10-санаси маҳалла институти тизимида «Очиқ эшиклар кuni» деб эъ-лон қилинди. Бунда фуқаролар-га Республика кенгаши ва ҳудо-дий, туман (шаҳар) кенгашлари раҳбарларига тўғридан-тўғри ва тўсиқсиз муурожаат қилиш-лари учун шaroит яратилади. Бундай тадбирларнинг шуниси муҳимки, раҳбарларнинг ўзлари қабул қилган муурожаатлар-нинг ақсарияти ҳолида ҳал этилади.



«4 миллион сўм маблағ кимга, қайси оилага етади?!»

— Авваллари маҳалла раис-лари, уларнинг турли йўналиш-лар бўйича маслаҳатчилари ва фаоллари иштирокида аҳоли ўртасида турли учрашувлар, одамларни қийнаётган маса-лалар юзасидан давра суҳбат-лари, туман ҳокими ва соҳа мутасаддилари иштирокида ўтказилиши учун айни бир сананинг белгиланмаслиги аҳо-лига турли ноқулайликларни келтириб чиқарар эди, — дей-ди Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаоли-ятини мувофиқлаштириш бў-

лимки, туман ва вилоят ҳо-кимлари бу эъзу масалага бош қўймас экан, ўтказилаётган «Очиқ эшиклар кuni»нинг на-тижасдорлиги борасида бирор сўз айтиш қийин. Боиси ҳудуд миқёсидаги муаммоларнинг ҳал бўлишида ҳокимнинг иштиро-ки жуда муҳим.

Шунингдек, яна бир масала борки, у ҳақида гапирмаслик мумкин эмас. Биланмики, фу-қароларимиздан маҳалла фу-қаролар йиғинларига нафақа тайинлаш бўйича жуда кўп муурожаатлар бўлади. Аммо соҳада кам таъминланганлар бўйича аниқ мезоннинг йўқлиги, аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда. Ўйлаيمانки, бу масалага ойдинлик киритиш

тизимдаги жуда кўп муаммоларга ижобий ечим топишга имкон яратади. Қолаверса, кам таъминланган оилалар-ни кўлаб-қувватлаш, уларга моддий ёрдам кўр-сатиш мақсадида ажра-тилаётган маблағларни ҳам қайта кўриб чиқиш зарур. Боиси ўтган 2019 йилда тумандаги кам таъминланган оилаларга ижтимоий ёрдам кўрса-тиш учун туман маҳалла тизимига аниги 4 мил-лион сўм маблағ ажра-тилган, холос. Ваҳоланки, айни пайтда туманимиз-да қарийб 1000тага яқин шундай оила бор. Энди ўзингиз ўйланг, ажратилган 4 миллион сўм маблағ кимга, қайси оилага етади?!

Маҳаллалардаги муаммоларни ҳал этишда кексаларнинг ўрни нега сезилмаяпти?

2020 йилда мамлакатимизда маҳаллалар фаолияти сама-радорлигини оширишга қара-тилган «Йўл харитаси» ишлаб чиқилиб, манзилли ва тизимли равишда йўлга қўйилди. Ху-сусан, Фуқароларнинг ўзини

ўзи бошқариш орган-лари фаолиятини муво-фиқлаштириш бўйича республика кенгаши тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда юр-тимиздаги барча мак-табларда ҳар ойнинг учинчи жума кунини «Кексалар маърифати» соатлари сифатида бел-гилаш режалоштирил-ган.

— Нуронийлар билан бирга нотинч ва ажра-лиш ёқасига келиб қол-ган оилалардаги муам-моларни ўрганиш ва уларга ижобий ечим то-пиш, низоли қўни-қўш-ниларнинг ярашиб кетишига ҳисса қўиши жамиятимизда маънавий муҳит барқарорли-гининг мустаҳкам бўлишига замин яратади, — дейди Фу-қароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши кексалар ва фахрийлар билан ишларни мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи Саодат Боймирзае-ва. — Бироқ бу эъзу ишларни амалга ошириш учун, аввало, тизимда меҳнат қилаётган одамларга зарур шарoит яра-тиш, улар фаолиятига ҳалал бермаслик зарур. Эътибор бер-са, кейинги пайтлар маҳалла раислари туман ва вилоят миқёсидаги тизимга алоқадор бўлмаган турли тадбирларга асоссиз равишда жалб этил-моқда, улар кераксиз ҳужжат-ларга «қўйиб» ташланмоқда. Маҳаллалардаги оилавий аж-ралишлар, жиноятчиликнинг олдини олиш, ёш авлодни тар-биялаш борасида кўпни кўрган нуроний кексаларимизнинг ўрни сезилмаяпти. Натижа-да одамларимиз миллий қад-риятларимиздан узоқлашиб, муаммоларнинг янада илдиз отишига замин яратилмоқда. Шу боис 2020 йилда юр-тимиздаги барча умумтаълим мактабларида ҳар ойнинг учинчи жума кунини «Кекса-лар маърифати» соатларини ташкил этиш, ёшларимизни кекса авлод вақилларига янада яқинлаштириб, мавжуд муам-моларни биргаликда ҳал этиш имконини яратади.

Хулоса ўрнида

Бир сўз билан айтганда, му-лоқот — икки томонлама фикр алмашишдир. Демак, маҳалла ва халқ ораси қанчалар яқин-лашса, ҳудуддаги муаммолар ўз-ўзидан барҳам топади. Бу эса юрtdа тараққиёт ва фаро-новлик даражаси янада юкса-лади, деганидир.

Саъдулло ТУРСУНОВ
«Mahalla»

Ўзбекистонда павловния дарахти плантациялари барпо қилинади.

Ўтган ҳафтада, аниқроғи, 9 январь куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев давлат хизматлари кўрсатиш самарадорлигини ошириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди. Йиғилишда давлатимиз раҳбари аҳолига янада қулайлик яратиш учун давлат хизматларини кўрсатишда хорижий тажрибани қўллаган ҳолда фуқаро мурожаатисиз ҳам бир қатор керакли хизмат турларини таклиф қилиш мумкинлигини таъкидлади.



Фуқаро мурожаатисиз ҳам хизмат таклиф қилинадими?

Хусусан, фарзанд туғилиши билан унга тузилганликни кайд этиш, нафақа белгилаш, яшаш жойига рўйхатга ва тиббиёт муассасасига ҳисобга қўйиш, болалар боғчасига навбат каби хизматлар бир йўла тақдим этилса, ота-оналарга гоёт қулай бўлишини кайд этиб, ушбу тизимни эксперимент тарикасида Тошкент шаҳрида, кейинчалик бошқа ҳудудларда босқичма-босқич жорий этиш юзасидан топшириқ берди.

Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбари Президент сифатидаги фаолиятининг илк кунлариданок «Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак» деган ғояни илгари сурди. Мақсад — одамларимизнинг оғирини енгил қилиш, зарур шароит ва қулайликлар яратишдан иборат.

Давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизими яратилди

Бунинг учун, аввало, расмий идораларга у ёки бу юмуш билан мурожаат қилган аҳолининг вақти ва маблағини тежаш, айниқса, сарсон-саргардонликка барҳам бериш, қолаверса, коррупцияни бартараф этиш мақсадларида давлат хизматлари кўрсатишнинг яхлит, замонавий, ишончли тизимини яратишга киришилди.

Шу муносабат билан Президент Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йил 12 декабр куни «Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармон қабул қилинди. Унга мувофиқ, Адлия вазирлиги ҳузурида Давлат хизматлари агентлиги ташкил этилди.

Ҳозирда Агентлик тасарруфидаги Давлат хизматлари марказлари орқали «ягона дарча» тамойили асосида 130 турдан зиёд хизматлар тақдим этилмоқда. 2017 йилда аҳолига кўрсатилган хизматлар сони 12 мингтани ташкил этган бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткич 13 миллиондан ошди. Энг кўп мурожаат қилинадиган 36 турдаги хизматлар бўйича ҳужжатлар сони 112 тадан 52 тага камайтирилди, хизмат кўрсатиш муддати 280 кундан 126 кунга қисқартирилди.

Масалан, илгари ҳайдовчилик гувоҳномасини янгисига алмаштириш учун паспорт, тиббий маълумотнома, имтиҳон варақаси, эски гувоҳнома, расм ва энг кам иш ҳақининг 70 фоиз

миқдориди тўлов талаб қилинган. Эндиликда эса фақат учта нарса: эски ҳайдовчилик гувоҳномаси ва унинг талони, базавий ҳисоблаш миқдорининг 70 фоизи ҳажмида тўлов керак, холос.

Фуқароларимиз барча марказлардан фойдаланиши мумкин

Ўтган йил 1 июндан бошлаб фуқароларнинг яшаш жойидан ва ташкилотларнинг манзилдан қатъи назар, исталган марказ орқали давлат хизматлари кўрсатиш йўлга қўйилди. Бу одамларга катта қулайлик яратиб, сарсонгарчиликдан ҳалос этди.

Илгари пойтахтимиздаги олий таълим муассасаларига вилоятлардан, хусусан, Тошкент шаҳридан энг олис манзил — Нукусдан келиб ҳужжат топшириш учун қанча харажат кетарди?! Энди-чи, исталган давлат хизматлари марказига мурожаат қилиб, ҳужжат топшириш мумкин.

Жорий йилда ҳам бу борадаги ишлар давом эттирилиб, 94 та янги марказ барпо этилишини, аксар ҳолларда хусусий сектор билан шерикликда амалга ошириш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари бу дастлабки қадамлар экани, аҳолига қулайликларни янада қўлайитириш зарурлигини таъкидлади. Аввало, «ягона дарча» тамойили тўлиқ ишлаши учун барча давлат хизматлари тўлиқ электрон шаклга ўтказилиши ва маълумотлар рақамлаштирилиши лозимлигини кайд этди.

ДАРВОҚЕ...

- Давлат хизматлари марказлари иш вақти 18:00 дан 20:00 га қадар узайтирилди
- Давлат хизматлари кўрсатилишида мавжуд маъмурий тартиблар соддалаштирилди. Бунинг натижасида талаб этиладиган ҳужжатлар сони 112 тадан 52 тага камайтирилди, хизмат кўрсатиш муддати ҳам 280 кундан 126 кунга қисқартирилди
- Туманлар марказидан 100-300 км. узоқликда жойлашган ҳудудлардаги қишлоқ аҳолиси учун қулайлик яратиш мақсадида 53 та Давлат хизматлари маркази филиаллари ташкил этилди.

Муаммолар ҳам йўқ эмас

Бутунги кунда давлат хизмати кўрсатувчи 80 та идорадан атиги 27 таси Давлат хизматлари агентлиги билан ўзаро интеграция қилинган. 53 идорада маълумотлар рақамлаштирилмаган. Мисол учун, соғлиқни сақлаш, экология, қурилиш, архив билан боғлиқ давлат хизматлари соҳасида ҳалигача электрон маълумот базаси шаклланмаган. Шундай маълумот алмашинуви йўқлиги сабабли 2019 йилда қурилиш, табиий газ, иссиқ сув ва ичимлик суви

МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

Агентлик ва унинг ҳудудий тузилмалари ходимлари ўртасида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни бартараф этишда бу борадаги хабарларни қабул қилиш ҳамда оператив тарзда муносабат билдириш тизимлари шакллантирилди. Жумладан, мазкур тизимни ривожлантириш мақсадида Агентликнинг «Facebook» ижтимоий тармоғида расмий саҳифаси очилди, шунингдек, «Ишонч телефони» (1148) ва @davxizmatloqa_bot қайта алоқа телеграм канали ташкил этилди.

таъминоти борасида хизмат кўрсатиш муддатлари бузилган.

Шу боис Президентимиз йиғилишда Аxbорот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Адлия вазирлигига барча идораларнинг давлат хизматлари билан боғлиқ аxbорот тизимлари ва маълумотлар базасини яратиш бўйича манзилли дастур ишлаб чиқиш вазифасини топширди. Электрон давлат хизматларидан фойдаланувчилар сонини йил якунигача камида 5 бараварга ошириш, 2025 йилгача тўлиқ электрон хизмат кўрсатишга ўтиш мақсад қилиб қўйилди.

Давлатимиз раҳбари яна бир муҳим масалага эътибор қаратди. Яъни бутунги кунда аҳолининг 75 фоизи интернетга мобил қурилмалар орқали қираётганини инобатга олиб, Ягона интерактив давлат хизматлари порталнинг мобил версиясини ишга тушириш зарурлигини кайд этди. Шунингдек, узоқ ҳудудларда яшайдиган аҳолига қулайликлар яратиш мақсадида давлат хизматлари марказининг 50 дан ортиқ филиалини тезроқ ташкил этиш зарурлигини таъкидлади.

Электрон имзо яратилади

Президентимиз қўллаб хизматлар учун электрон рақамли имзо талаб қилиниши одамларга қийинчилик туғдираётгани, айниқса, бу тadbиркорларнинг энг оғирлиқ нуктаси эканини таъкидлади.

Дарҳақиқат, электрон рақамли имздан фақат компьютер орқалигина фойдаланиш мумкин. Tadbиркор рўйхатдан ўтиш учун солиқ идораси қалити, божхона ҳужжатлари учун божхона қалити ва ҳисоб рақами билан ишлаш учун банкнинг электрон рақамли имзосини олиши шарт. Бу қалитларни олиш учун ҳар бир идорага алоҳида-алоҳида бoриб, уни харид қилиши, тагин муайян муддатда яна маблағ сарфлаб янгиллаши керак.

Шу сабабли Президентимиз томонидан Аxbорот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига мутасадди ташкилотлар билан биргаликда электрон рақамли имзо талаб этиладиган хизмат турлари учун шахсни тасдиқлашнинг муқобил, хавфсиз ва содда усулларини жорий қилиш вазифаси қўйилди. Шу йил 1 июлгача ҳамма хизматлар учун ягона бўлган электрон рақамли имзо ишлаб чиқиш бўйича топшириқ берилди.

Президент томонидан қандай вазифалар қўйилди?


Президентимиз томонидан бизнинг агентлигимизга ҳам бир қатор вазифалар белгилаб берилди. Хусусан, Давлат хизматлари марказлари ходимларининг билим ва малакаларини ошириш, марказларга таширф буюрувчи ҳар бир шахс кўрсатилган давлат хизматларидан хурсанд бўлиб чиқиб кетишини таъминлаш ҳамда олис ҳудудларда яшовчи одамларнинг ортиқча вақти ва йўл сарф-харажатларини тежаш учун давлат хизматлари марказларининг филиалларини қўпайтириш вазифаси қўйилди.

Бундан ташқари, агентлик томонидан жорий йил 2020-2025 йилга мўлжалланган 5 йиллик ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқилди. Ҳокимиятларга хос бўлмаган айрим функцияларни мақбуллаштирилиб, лицензия ва рухсатнома тусидаги хизматларни жорий этиш орқали Давлат хизматлари орқали кўрсатилаётган хизматлар сони яна 30 тага оширилади (2019 йилда 130 тани ташкил қилди). Шунингдек, аҳолининг ҳам, давлат идораларининг ҳам вақтларини тежаш ҳамда тезкорлиқни таъминлаш учун давлат хизмати кўрсатувчи ваколатли органларнинг қoғoз кўринишидаги архив базалари электрон базага (оцифровка) ўтказилади. Давлат хизматлари марказларида фуқаролар мурожаатларини тасдиқлашнинг (идентификация) альтернатив воситаларини жорий қилиш (натижада фуқаролар ЭРИ олиши ва уни доимо ўзлари билан олиб юришга эҳтиёж қолмайди) ҳамда аҳоли зич жойлашган жамоат жойларида (аэропорт, вокзал, метро станциялари, савдо ва қўнгилочар мажмуалар) ўз-ўзига хизмат кўрсатиш учун интерфaл маълумот киоскларини ташкил этиш ишларини амалга ошириш режалаштирилган.

Халилилло ТўРАХЎЖАЕВ,
Адлия вазирлиги ҳузуридаги
Давлат хизматлари агентлиги
директори.

АКТ вазирлигида япониялик мутахассис иш бошлади.

Кечагина дунёга келган гўдак ҳали кўзлари ҳам очилмай минг тамшаниб онасини қидиряпти. Лекин унинг дунёларни ларзага келтираётган чинқириғини волидаси эшитмаяпти. Ўз юртидан олисда чақалоғини туғуруқхонага ташлаб кетган аёлнинг кўнглидан нималар ўтаётганини билмадигу, аммо энди бу боланинг қисмати қанчалик аянчли кечишини тахмин қилиш қийин эмас.



Болаларимиз бағримизда улғаяди!

ХОРИЖДАГИ ОТА-ОНА ҚАРАМОҒИДАН МАҲРУМ БЎЛГАН БОЛАЛАРНИ ЮРТИМИЗГА ҚАЙТАРИШ ТАРТИБЛАРИ ҚАНДАЙ?

Афсуски, бундай ҳолатлар бир-икки эмас, тез-тез кузатилаётганига бештибор қараб бўлмайди. Томирида ўзбек қони оқаётган гўдаклариимизни ўзга юртларда меҳру шафқатга зориқиб яшаш гурури бор кишининг калбини ларзага келтириши аниқ. Қолаверса, бутунги кунда турли бахтсиз ҳодисалар туфайли ота-онасини йўқотган болаларни юртимизга қайтариш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда 2020 йил 7 январда Вазирлар Маҳкамасининг «Хорижда ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг болаларини Ўзбекистон Республикасига қайтариш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори имзоланди.

Ҳўш, шу даврга қадар бу борадаги ишлар қандай ташкил этилган? Янги қабул қилинган қарор билан нималар ўзгарди? Бундан буён болаларни юртимизга қайтариш қандай тизим асосида олиб борилади? Мутасадди ташкилотлар зиммасидаги вазифалар нималардан иборат?

Жараён қай тартибда амалга оширилади?

Қарорга мувофиқ, хорижда ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида доимий яшаётган фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг вояга етмаган болалари юртимизга Ички ишлар вазирлиги томонидан қайтарилади. 3 ёшгача бўлган болаларни олиб келиш эса Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда ташкил этилади. Шунингдек, вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар, таълимни давлат томонидан бошқариш органлари, таълим муассасалари, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда шу

каби бошқа ташкилотлар мазкур жараёнда иштирок этади.

— *Хорижда ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳақида маълумотлар ушбу давлатларнинг ваколатли органларидан Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасаларига юборилганда ёхуд уларнинг ота-оналари ёки яқин қариндошларининг муроссаатлари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига келиб тузилган кўни зудлик билан Консуллик-ҳуқуқий департаментга юборилади, — дейди Ташқи ишлар вазирлиги Консуллик ҳуқуқий департаменти 2-қотиби Сарвархон Аҳмадхонов.* — Департамент олган маълумотларини бир иш кўни мобайнида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармасига юборади.

Мазкур бошқарма маълумот келиб тушган вақтдан бошлаб, болага онд барча ахборотларни ўн беш кун ичида жамлайди. Хусусан, фуқаролар йиғинидан қайтарилиши лозим бўлган боланинг яқин қариндошлари, ота-онаси тўғрисида, ФХДЁ органларидан тузилганлик гувоҳномаси, халқ таълими бўлимининг ўқиган таълим муассасаси ҳақида маълумотлар олади. Ушбу бола қайтарилганда сўнг унга васий ёки ҳомий белгиланиши, болалар уйига жойлаштирилиши (3 ёшгача бўлган болаларни) масаласига оидликл қиритади. Шундан сўнг 3 ёшдан катта болаларни олиб келиш учун ички ишлар органи масъул ходимлари, 3 ёшга тўлмаган гўдакларни олиб келиш бўйича эса Ички ишлар вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг

масъул ходимлари болалар ушлаб турилган давлатга хизмат сафарига юборилади.

Болалар қандай сабабларга кўра ота-она қарамоғидан маҳрум бўлмоқда?

— Шу кунга қадар бошқа

лар, оталик белгиланмаган ва онанинг туғуруқхонада боладан воз кечиши, бахтсиз ҳодисалар сабаб болалар ота-она қарамоғидан маҳрум бўлиб қолаётганини кўриш мумкин. Агар ота ёки онанинг бири Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлса, фарзанднинг қим билан бирга бўлиши фуқаролик тартибиде ҳал этилиб, кейин зарур чора қўлланади. Иш жараёнида ҳужжатда муаммолари бўлган болалар ҳам тез-тез учраб туради. Бундай вазиятларда уларнинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансублигини тасдиқлаш, шунингдек, бола шахсини тасдиқловчи ҳамда унга Ўзбекистон Республикасига қайтиб келиш ҳуқуқини берувчи вақтинчалик ҳужжатни расмийлаштириш ва бериш Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари томонидан амалга оширилади.

Ота фарзандлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатган

Бундан бир неча йиллар аввал Воҳидовлар (исм-фамилия ўзгартирилган) оиласи доимий яшаш учун Россияга жўнаб кетган эди. Гарчи турмуш курганига 15 йилдан ошган бўлса-да, эр-хотин ўртасидаги низолар ҳеч барҳам топмайди. Тинимсиз жанжал ва келишмовчиликлар туфайли уларнинг оиласи бузилади. Аёл шароит тақозосига кўра, уч фарзандини ташлаб юртимизга қайтиб келади. Орадан бироз муддат ўтгач, она болаларини Ўзбекистонга қайтариш мақсадида мутасадди ташкилотларга мурожаат қилади.

Тўпланган маълумотларга кўра, ота мунтазам равишда фарзандларининг тарбиясига салбий таъсир кўрсатган кел-

ган. Шу боис уларни онаси қарамоғига ўтказиш мақсадида керакли чоралар кўрилди. Айни вақтда уларнинг икки нафари юртимизга олиб келинган. Ота — Воҳидов Анвар эса Россия Федерацияси фуқароси бўлгани учун учинчи боланинг қим билан бирга яшашини хал қилиш мақсадида суд жараёнлари давом этмоқда.

Кўриб турганингиздек, ўзбек фарзандларининг ўзга юртда сарсон бўлиб қолишига сабаблар бисёр. Энг муҳими, уларнинг ўз яқинлари, қариндошлари ва ватандошлари бағрига қайтиши, она заминиде эмин-эркин улғайишидир.

Вояга етмаганлар қасерга жойлаштирилади?

— *Хорижда ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган 3 ёшдан катта болалар олиб келингандан сўнг шу куннинг ўзиде доимий яшаш жойи бўйича ички ишлар органларининг вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларига жойлаштирилади, — дейди Халқ таълими вазирлиги Болаларни ижтимоий ҳимоялаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Сўхроб Холиқов.* — 3 ёшга тўлмаган болалар эса болалар уйларига юборилади. Қайтарилган болаларнинг ота-онаси (ота-оналарнинг ўрнини босувчи шахслар) ёхуд улардан бири Ўзбекистон Республикасида бўлса, улар шу куннинг ўзиде ақиллари бағрига топирилади.

Бола олиб келингунга қадар унинг қимнинг қарамоғига топирилишига аниқлик киритилади. Маълумки, васийлик ва ҳомийлик белгиланишида ҳам ўзига яраша талаблар мавжуд. Шунга кўра, боланинг қариндошларида уни қабул қилишга шариот бўлмаса ёки буни хоҳлашмаса, у ўрнатилган тартибда болалар уйига жойлаштирилади.

Биринча, ўтган 2019 йил давомида жами 56 нафар хориждаги вояга етмаган болалар Ўзбекистонга қайтарилди. Ўрнатилган тартибда, 41 нафари ота-онаси ёки ота-оналарнинг ўрнини босувчи шахсларга топирилган, 14 нафари Болалар уйига ва 1 нафари Меҳрибонлик уйига жойлаштирилган.

Мақола ёзиш жараёнида турли мутасаддилар билан суҳбатда бўлганимизда, уларнинг кўпчилиги халқимизнинг болажон экани, фарзандини ҳеч қачон мусофир юртларда қийналишига йўл қўймаслигига алоҳида уруғ беришди. Шу билан бирга, бутун ҳукуматимиз томонидан ҳам қонуний асосда чет элдаги болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари тўла таъминлаб берилмоқда. Буни юрт келажати учун амалга ошириладиган хайрли ишлардан бири, десак муболага бўлмайди.

Шахноза
РАХИМХЎЖАЕВА
«Mahalla»

Ягона интерактив давлат хизматлари порталининг мобиль иловаси ишга туширилди.

ТҮЙ ҲАШАМЛАР ЎТКАЗИШ ТАРТИБИНИ БУЗГАНГА ЖАВОБГАРЛИК БЕЛГИЛАНМАГАН

ҲОЗИРЧА БУ ИШ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ЗИММАСИГА ЮКЛАНГАН БЎЛИБ, ШУ КУНЛАРДА МАЪМУРИЙ КОДЕКСГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ БЎЙИЧА ҲУҚУҚИЙ ҲАРАКАТ ОЛИБ БОРИЛМОҚДА

Тўйлар ва бошқа маросимларда меъёридан ортиқ дабдаба, исрофгарчиликка йўл қўйиш каби ҳолатлар давом этаётгани оғриқли муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Шу сабабли тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумларнинг хотирасига бағишланган тадбирлар ўтказилишнинг тартибга солиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қўшма қарори қабул қилинган ҳамда «Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумларнинг хотирасига бағишланган тадбирлар ўтказилишнинг тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги низоми ишлаб чиқилди. Хўш, бу жойларда қандай бажарилмоқда?

Илк қонунбузар аниқланди

Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманидаги «Темирдарвоза» маҳалласида ўтган тўйдаги кўнгилсизлик шов-шувга айланди. Маълум бўлишича, туманда яшовчи Собир Азимов ва ака-ука Раҳимидин ҳамда Рамазон Самадовлар аввалдан бир-бири билан жанжаллашиб юрган. Тўй куни эса улар арзимаган сабабга кўра муштлашиб кетган ва бу иш охири пичоқбозлик билан тугаган. Тарқалган видеотасвирдан кўриш мумкинки, «Муҳташам» тантаналар мажмуасида қарорда белгиланганидан кўп одам йиғилган. Дабдабабозликни эса, айтмай қўя қолайлик.

Шунингдек, Самарқанд вилоятида ҳам 4-5 январь кунлари ўтказилган айрим тўйларда меҳмонлар сони 200 нафардан ортиб кетган. Масалан, Самарқанд туманидаги «Хўжа Аҳрор Валий» маҳалласидаги базмга 370 нафар меҳмон ташир буюргани аниқланди. Худди шундай манзара «Ширинобод» маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам кузатилган.

— Бу каби кўнгилсизликлар қайта такрорланмаслиги учун тартеботни янада кучайтиридик, — дейди Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Самарқанд вилояти кенгаши раисининг ўринбосари, ҳудудий мувофиқлаштирувчи комиссия штаб раҳбари Юсуфжон Салимов. — Ҳар бир тўйхона эгаси билан суҳбат олиб борялмиз. Тўйларни шартнома асосида

ўтказиш лозимлигини тушуни-тираямиз. Бу орқали меҳмонлар сони нозорат қилиш ҳам осонлашади. 200 нафардан ортиқ киши тўйда иштирок этишига йўл қўйилмайди. Қолаверса, никоҳни давлат рўйхатида ўтказиш, келин-куёвнинг тўйхонага келиши ва кетиши билан боғлиқ оилавий тадбирларда 3 тадан кўп бўлган энгил автомашинадан ёки жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи бошқа транспорт воситаларидан фойдаланмаслик ҳам нозоратга олинмоқда. Бунинг учун фақат лицензияга эга бўлган автокорхоналар хизмат кўрсатишини йўлга қўйялмиз. Ҳар куни ишчи гуруҳи билан ўрганиш олиб бораёلمиз.

Хўжа Аҳрор Валий маҳалла фуқаролар йиғинида ўтган тўй бўйича тўхталадиган бўлсам, фуқаро ва тўйхона эгаси ҳозирча қарор талабини бузганлик учун жавобгарлик масаласи белгиланмагани учун Самарқанд туман ҳокимлиги ҳузурида таъкид этилган мувофиқлаштирувчи комиссия томонидан огоҳлантирилди, холос. Ҳозирча қарор талабини бузганлик учун жавобгарлик масаласи белгиланмаган. Бу иш Адлия вазирлиги зиммасига юкланган бўлиб, шу кунларда Маъмурий кодексга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича ҳуқуқий ҳаракат олиб боришмоқда. Бу ишни имкон қадар тезлаштириш керак.

Афсуски, ижтимоий тармоқда айрим блогерлар томонидан юқоридаги вазият нотўғри талқин қилиниб, гўёки, айбдорлар жаримага тортилгани ҳақида «бонг» урилмоқда.

Комиссия фақат қонунбузилишларни рўйхатга олмайди

Мавзу доирасида бу ишга масъул ходимлар фикри билан ҳам кизиқдик.

— Мувофиқлаштирувчи комиссия томонидан қарор талабини бажарилиши бўйича мониторинг ишлари бошланди, — дейди тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказилишнинг мувофиқлаштириш бўйича Республика комиссияси масъул тоқибчи Азизбек Турдиев. — Жойларда қарор талабини бажариш мақсадида тартебот тадбирлари олиб бориляпти. Комиссиянинг вазифаси қарор



ижросини нозорат қилиб, қонунбузилишларни рўйхатга олиш эмас, балки шундай но-хуш ҳолатларга йўл қўймастик. Ҳамма нарсга ҳам бошида осон бўлмайди.

Қарор чиққани яхши, аммо...

— Тўйларни камчиқим ўтказиш бўйича қарор қабул қилингани яхши бўлди, энди унинг ижросини таъминлаш зарур. — дейди Наманган вилоятида яшовчи Гўлчехра Қирғизова.

— Жавобгарлик масаласини янада қатъийлаштириш керак. Жарима суммасини каттароқ миқдорда белгилаш лозим. Чунки дабдабали тўй қилаётганлар учун жаримани тўлаш қийин эмас. Кимнингдир тули кўнайиб кетган бўлса, мактаб, кутубхона курсин, жуда бўлмаса, ночорларга ёрдам берсин. Қарорга яна қўшимча киритиш керак, деб ўйлайман. Мисол учун, битта тўйини иккита тўйхонада ўтказиш ҳолатини нозоратга олиш механизми мавжуд эмас. Шу жиҳат ҳам қонунийлаштириб қўйилмаса, қарор ижроси бажарилмайд қолаверади. Яна бир тақлифим — «Ўзбекконцерт» давлат муассасаси орқали барча санъаткорларни категорияларга ажратиб, тўй ва маросимларни ўтказиш учун нарх белгилаш керак.

Масъуллар нима дейди?

Юқорида суҳбатдошларимиз таъкидлаганидек, қарор қабул қилингани яхши бўлди. Аммо ундаги барча талабларни бажариш масъулларга оғирлик қилмаяптими? Мисол учун, меҳмонлар сони қандай ҳисобланмоқда? Маҳалла фуқаролар йиғини раислари ва профилактика инспекторлари қийинчиликка дуч келмаяптими?

— Қарор жуда вақтида қабул қилинди, — дейди Андисжон вилоятидаги Абу-

раҳмон Жомий номидаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси Сотиволди Солиев.

— Унинг ижросига бир қатор ташиқлотлар масъул этиб бириктирилган. Айниқса, тўйга ташир буюрувчи меҳмонлар сони нозорат қилиш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва ҳудуд нозирлари зиммасига тушади. Бу иш шаҳарда бироз осон. Чунки базм, наҳорги ош тўйхонада бўлади. Меҳмонлар сони ўртада тузилган шартнома орқали билиш мумкин. Аммо қишлоқларда ақсарият тўйлар хонадонда, эрталабдан кечгача давом этади. Бу эса бизга муаммо туғдиради. Ахир, маҳалла фуқаролар йиғини раиси тўй ўтгунча шу хонадонда ўтира олмайди-ку! Шу каби жиҳатларни ҳисобга олиб, маҳалламизда қарор ижроси юзасидан ички тартиб ишлаб чиқдик. Унга кўра, фаоллар, кўчабошилар, ошпаз ва дастурхончилардан иборат жамоатчилик кенгаши туздик. Шулар билан бирга тўйларни исҳам ўтишига эришамиз, деб ўйлайман.

Ички ишлар ходимидан норозими?

— Қарор ижроси доирасида Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши ва Ички ишлар вазирлиги қўйма қарор ишлаб чиқди, — дейди Сурхондарё вилояти ички ишлар бошқармаси ҳуқуқбўзарликлар профилактикаси бошқармаси бошлиги, майор Абборбек Худойбердиев. — Бу бўйича асосий масъулият профилактика инспектори ва маҳалла фуқаролар йиғини раисларига юкланган. Аммо қонунбузарларга жавобгарлик аниқ белгиланмагани учун ҳозирча бироз қийин бўлмоқда. Масалан, қайсидир тўйда одам сони кўп бўлса,

қандай чора кўриш ноаниқ. Шаҳарларда бунинг йўли осон, аммо хонадонларда тўйларни нозорат қилиш анча қийин кечмоқда. Ёки дафн этиш ва мотам маросимлари билан боғлиқ ортиқча тадбирларни («етти», «пайсанбалик», «яқ-шанбалик», «йигирма», «қирқ», «ҳайит», «йил оши», «пул тарқатиш», «мато улаштиш» ва ҳоказоларни) қарор талаби бўйича ўтказмаётган фуқароларга ходимларимиз қандай чора белгилашга қийналади. Шундай ҳолларда профилактика нозир эътироз қилса, халқ ёмон кўрапти. Менимча, бу ишни ҳудуддаги имомлар зиммасига юклаш керак. Халқ бу мавзуда биздан кўра, уларга эрашади. Мисол учун, профилактика ходими жанозани уч кундан ортиқ қилмайсан, деса, одамларда ички ишлар ходимига нисбатан норозилик уйғониб қолмоқда. Барча тизим ҳамкорликда ишлаши керак. Битта профилактика инспектори ёки маҳалла фуқаролар йиғини раиси ҳеч нима қила олмайди.

Қарорда тўйхона, кафе ва ресторанлар маъмурияти режалаштириляётган оилавий тадбирлар ҳақида ушбу тадбирлар ўтказилишидан камидан икки кун олдин тегишли ҳудуддаги ички ишлар органига ёзма равишда хабар бериши лозимлиги белгиланган. Аммо фуқаролар бундай қилмаяпти. Яқинда Бойсун туманидаги «Темирдарвоза» маҳалласида содир бўлган кўнгилсизлик ҳам аини шу сабаб келиб чиқкан. Тўйхона эгаси ва тўйбоши қарорда белгиланганидек, бизни огоҳлантирмаган.

Хулоса

Тўйларда дабдабабозликнинг авж олиши минг-минглаб оилаларнинг нафақат ижтимоий аҳолига, балки жамиятимиздаги маънавий муҳитга ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Демакки, мазкур салбий иллатга чек қўйиш — оилаларда ижтимоий-маънавий муҳитни барқарорлаштириш, жамиятда ижтимоий адолатни таъминлаш, аҳоли, айниқса, ёшларда тежамкорлик маданиятини шакллантиришга хизмат қилади. Шу маънода тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни тартибга солиш даврнинг талаби, дейиш мумкин.

Хайрулло АБДУРАХМОНОВ
«Mahalla»

Автомобиль йўллари бўйидаги иншоотларда ташқи рекламани жойлаштириш тартиби маълум қилинди.

АВТОҲАЛОКАТ: айбдорга жазо енгил белгиланганми?

ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ҲАРАКАТИ ЁКИ УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ХАВФСИЗЛИГИ ҚОИДАЛАРИНИ ОДАМ ЎЛИШИГА САБАБ БЎЛГАН ҲОЛДА БУЗГАНЛИК УЧУН КЎЗДА ТУТИЛГАН ЖАВОБГАРЛИК ВА УНИ ҚЎЛЛАШ АМАЛИЁТИ ЗАМОН ТАЛАБИГА ЖАВОБ БЕРМАЙДИ

Яқинда пойтахтимизнинг Бунёдор кўчасида содир бўлган транспорт ҳодисаси кўпчилиكنи даҳшатга солди. Автоавария оқибатида «Lasetti» русумли автомобилнинг икки нафар йўловчиси ҳалок бўлган, яна икки нафари шиёхонага тушган. Энг ачинарлиси, «BMW» русумли автомобиль ҳайдовчиси воқеа жойидан қочиб кетган. Айни шу ҳолат кўплаб юртдошларимизнинг ғазабига сабаб бўлди. Тезкор тадбирлар натижасида «BMW» эгаси 30 ёшли Нурбек.Т. қўлга олинди. У наркологик экспертизадан ўтказилганда спиртли ичимлик истеъмол қилгани аниқланди.

Афсуски, кейинги пайтда шунга ўхшаш автоҳалокат тез-тез содир этилмоқда. Табиийки, бу фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларнинг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатиб, аҳолининг асосли эътирозига сабаб бўлмоқда.

Жумладан, автоҳалокатлар билан боғлиқ жиноятларнинг барчаси Жиноят кодексининг 266-моддаси билан малакаланиди. Жиноят кодексининг ушбу моддаси транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш деб номланади. Унга кўра, транспорт воситасини бошқарувчи шахс томонидан транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш билан ҳалокатга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки 360 соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади. Ўша қилмиш одам ўлимига сабаб бўлса, етти йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Аксарият ҳолларда ўлим билан тугаган автотранспорт ҳалокатини содир этганлар қилмиши ижтимоий хавфли ёки ўта оғир деб топилмагани учун бир ёки икки йилда озодликка чиқади. Бунга кўплаб ҳаётини мисолларни келтириш мумкин.

Табиий савол туғилади! Бир инсон ҳаётига нукта қўйилсаю, қондабазар озодликка юрса... Шу боис Жиноят кодексининг ушбу моддасини қайта қўриб чиқиш лозимдек.

«Ҳеч бир ҳайдовчи автоҳалокат қилай демайди»

— Автоҳалокатлар чиндан ҳам, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган ва ижтимоий ҳаётдан унча хавфли бўлмаган жиноят, — дейди **Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси Зафар Файзиев**. — Юқорида таъкидланганидек, бундай мажмулар Жиноят кодексининг 73-мод-

дасининг биринчи қисмида кўрсатилган жазо турлари учун ўрнатилган тартиб-қоида талабларини бажарса, меҳнатга ҳалол муносабатда бўлса, жазони ўташдан мuddатидан илгари шартли равишда озод қилинади. Жумладан, ижтимоий хавфсиз ёки унча оғир бўлмаган жиноят учун жазо мuddатининг камида учдан бир қисмини ўташдан сўнг озод қилиниши белгиланган.

Транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш оқибатида содир этилган жиноят қасддан содир этилган жиноят бўлмагани, балки эҳтиётсизлик оқибатида содир этилгани учун жазо чорасини оғирлаштириш мақсадга мувофиқ эмас. Чунки ҳеч бир инсон уйдан чиқайтганда буғун кимидир машинада уриб кетаман, деб ният қилмайди.

Ҳайдовчи маст бўлса-чи?

— Кўпчилик маст ҳолда автомашина бошқарган ҳайдовчининг ҳаракатлари қандай малакаланиди, маст ҳолда авария содир этганда оғирроқ жазо қўллаш мумкинми, деган савол билан муножасат қилади, — дейди **З.Файзиев**. — Агар жиноят маст ҳолда ёки гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп ёхуд кишининг ақл-идрокига таъсир қилувчи бошқа моддалар таъсири остида содир этилгани аниқланса, Жиноят кодексининг 56-моддасининг «о» бандига асосан, жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб баҳоланади. Табиийки, жазо тайинлашда шу жиҳат инобатга олинади.

— Маст ҳолда автомашина бошқариб, автоҳалокат содир этилса, бунинг учун жазони оғирлаштириш керак, — дейди **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Расул Кушербоев**. — Балки автомашина билан ҳисобига мушарраф қилиш ҳам керакдир. Бироқ, аввало, бунда қонунлар барчага баробар қўлланиши керак. Яъни бой ҳам, камбағал ҳам, мансабдор ва оддий ходим ҳам жавобгарликда тенг бўлиши шарт.



Агар автоҳалокат қасддан содир этилса...

Кимдир бировдан қасд олиш учун йўл-транспорт ҳодисаси содир этса, унинг ҳаракатлари қандай малакаланиди? Жабрланган шахс вафот этган тақдирда-чи?

— Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар билан боғлиқ ишлар юзасидан суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида»ги қарорининг 10-бандида айбдор ҳаракатларини ёки транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидаларини қасддан бузса, Жиноят кодексининг қасддан содир этилган жиноятлар учун жавобгарлигини назарда тутувчи тегишли моддалар бўйича квалификация қилинади, — дейди **З.Файзиев**. — Айбдор томонидан бир неча мушарраф жиноятлар содир этилган бўлиб, масалан, бу жиноятлардан бири ҳаракатининг ёки транспорт воситасидан фойдаланиш хавфсизлигига қарши, бошқаси эса, ҳаётга ёки соғлиққа қарши жиноят бўлса, унинг ҳаракатлари мазкур жиноятлар мажмуини ташкил этиши тушунирилади. Юқоридаги талабдан келиб чиққан ҳолда, айбланувчининг ҳаракатлари қасддан баъданга шикаст етказиш моддалари билан квалификация қилинади. Агар жабрланувчи вафот этса, ҳаракат Жиноят кодексининг 97-моддаси билан малакаланиди.

266-модда замон талабига жавоб бермайди

— Таҳлиллар шунини кўрсатмоқдаки, автоавариялар ҳайдовчилар ва пиёдаларнинг ҳуқуқий савияси пастлиги, йўл ҳаракати қоидаларини билмаслиги, шунингдек, йўл ҳаракати қоидаларини менсимасликлари, ҳуқуқбузарларга қўлланиладиган жазо чораларининг таъсирчан эмаслиги, қўл ҳолларда жазоларнинг содир этилган

— базавий ҳисоблаш миқдорининг икки бараваригача жаримага тортилади. Бизнингча, ҳар бир ҳолат учун алоҳида жазо белгилаш лозим. Айниқса, тўртинчи ҳолатда ҳайдовчининг қилмиши ўта хавфли, у йўл ҳаракатининг бошқа иштирокчилари, пиёдалар ҳаётига хавф солиши билан бирга, қонунларга очикдан-очик ҳурматсизлик кўрсатиб, қасддан уни бузмоқда. Шу сабабли бундай ҳуқуқбузарлик учун жазони каттироқ қилинса, адолатли бўларди. Худди шундай амалиётни транспорт воситаларини маст ҳолатда бошқарганлик учун ҳам белгилаш мумкин. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 131-моддаси 1-қисмига биноан, ҳайдовчи транспорт воситаларини алкоғоли ичимлик, гиёҳванд моддалар таъсирида ёки ўзгача тарзда маст ҳолда бошқарганлик учун мастликнинг даражасидан қатъи назар, бир хилда — транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан бир йилга олти ойга қадар ҳайдовчи билан маҳрум этиш билан жазоланади. Амалиётда бир шиша пиво ичган ҳайдовчи ҳам, транспортни оёқда туролмайдиган даражада маст ҳолатда бошқарган ҳайдовчи ҳам бир хил жазога тортилади. Бизнингча, мастликнинг енгил даражаси учун маъмурий жазони муайян даражада енгиллаштирган, мастликнинг ўртача даражаси учун амалдаги жазо чорасини сақлаб қолган ҳолда мастликнинг оғир даражаси учун жазони кескин ошириш лозим. Негаки, оғир даражадаги мастлик ҳолатида бўлган ҳайдовчи нафақат ўзининг, балки ўзгаларнинг ҳам ҳаётини хавф остига қўяди.

Хулоса

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Жиноят кодексининг транспорт соҳасидаги жиноятларга оид қоидаларни қайта қўриб чиқиб, жазо чораларини содир этган жиноий қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқлаштириш шарт ва зарур. Жумладан, Жиноят кодексининг 266-моддаси, 2-қисмида кўзда тутилган қилмиш, яъни транспорт воситасини бошқарувчи шахс томонидан транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини одам ўлишига сабаб бўлган ҳолда бузганлик учун кўзда тутилган жавобгарлик учун қўллаш амалиёти очикдан-очик замон талабига жавоб бермайди.

Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ
«Mahalla»

Ўтган йили акам фарзандли бўлди. Жиянимга гувоҳнома олиш учун ФХДБ бўлимига бордик. Масъул ходим қўлимизга бир қанча тўлов қоғозларини тутқазиб, давлат божи учун кассага фалон суммани тўлаб келасиз, дея жўнатди. Касса томон борарканмиз, квитанциянинг бож тўлови деган жойига бошқа сумма ёзилганини кўриб қолдим. Сўнгга яна ўша масъул ходимга учрашиб, бу ерда бож тўлови анча кам ёзилган-ку, дея эътироз билдирдим. Ходимнинг ранг-рўйи ўзгариб, гапини йўқотиб қўйди. Кечирасиз, кўп ишлапман, чарчабман, шекилли, адашиб кетдим, дея ўзини оқлашга тушди ва кўрсатилган суммани тўлашим зарурлигини тасдиқлади.

Бу каби ҳолатга ҳар бир идорада дуч келиш мумкин. Биз-ку бу вазиятда англашилмовчилик бўлгани ёки масъул ходимнинг ғаразли ниятини тезда англадик, аммо у ердаги ҳамма инсонлар ҳам қўлидаги тўлов қоғозиға эътибор қаратишармикан? Айрим масъулиятсиз, найрангбоз ходимларнинг маблағ орттиришда бундай усуллардан фойдаланишини қандай баҳолаш мумкин? Бу ўринда фуқароларнинг ҳам айби бор аслида. Чунки кўпчилик ўз ҳақ-хуқуқлари ва қонунчиликда белгиланган меъёрлардан тўлақонли бохабар эмас. Шу боис аҳолининг ҳуқуқий онгини ошириш, уларда дахлдорлик ҳиссини уйғотиш жамиятимиз олдида турган долзарб вазифалардан биридир.

Давлат божи ўзи нима? У нима учун тўланади?

Яқинда Президентимиз томонидан янги тахрирдаги

ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ БОЖИ НИМАЛАРДАН УНДИРИЛАДИ?

Хўш, ДАВЛАТ БОЖИ ЎЗИ НИМА, У НИМА УЧУН УНДИРИЛАДИ? ЯНГИ ҚОНУНДА ҚАНДАЙ ЎЗГАРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР БОР?



«Давлат божи тўғрисида»ги қонун имзоланди. Давлат божини белгилаш, ундириш, уни қайтариш ва тўлашдан озод қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи ушбу ҳужжат ва унга киритилган ўзгаришлардан халқимиз яхши таниш бўлса, зинҳор юқоридагидек ҳолатларга учрамайди. Хўш, давлат божи ўзи нима, у нима учун ундирилади? Янги қонунда қандай ўзгариш ва қўшимчалар бор?

— Қонунга мувофиқ, давлат божини юридик аҳамиятга молик ҳаракатларни амалга оширганлик ва бундай ҳаракатлар учун ваколатли муассасалар, шунингдек, мансабдор шахслар томонидан ҳужжатлар берганлик учун ундириладиган мажбурий тўловдир, — дейди Адлия вазирлиги мутахассиси Дилмурод Ражабов. — Қонсулик муассасалари, нотариуслар, судлар ҳамда патентловчи, лицензия берувчи идоралар ва бошқа бир қатор давлат ташкилотлари уни ундирувчи ҳисобланади. «Давлат божини тўғрисида»ги қонунда буларнинг барчасига батафсил тушунтириш берилган. Қонун иловасида эса давлат божини ставкаларининг миқдорлари келтириб ўтилган.

Ушбу маълумотларни оммалаштириш, қонун ҳужжати мазмун-моҳиятини фуқароларга аниқ ва тўлиқ қилиб етказиш борасида турли тарғибот ишларини олиб бормоқдамиз. Янги қонун ҳужжатлари, ҳуқуқий ислохотлар ҳақида тезкор маълумотлар тақдим этувчи «Хуқуқий ахборот» телеграм канали ҳамда ҳуқуқий маслаҳатлар берувчи «advice.uz» сайти доимий фаолият юритяпти. Қонуннинг ҳар бир қисmini тўлақонли аҳолига етказиш мақсадида турли баннерлар, медиа ва аудио маҳсулотлар тайёрланмоқда.

Қонун билан нималар ўзгарди?

Қайд этиш керак, қонуннинг янги тахририга жуда кўп ўзгариш ва янгиланган кириштирилди. Ҳужжат янги тахрирдаги Солиқ кодексини қабул қилинган, шунингдек, давлат божини белгилаш ва уни тўлаш бўйича амалга ошириладиган муносабатларни яна бир қатор катъийлаштириш мақсадида ишлаб чиқилди.

— Янги қонун билан аҳолига кенг қўлайликлар яратиш, уларни янада қўллаб-қувватлаш мақсадида айрим давлат

« ИЖТИМОЙ ҲИМОЯГА МУҲТОЖ АҲОЛИ ҚАТЛАМЛАРИ, ХУСУСАН, ҚАРИЯЛАР ВА НОГИРОНЛАРНИНГ ИНТЕРНАТ-УЙЛАРИДА ЯШОВЧИ КИШИЛАР ҲАМДА ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ҚАТНАШЧИЛАРИ ВА УЛАРГА ТЕНГЛАШТИРИЛГАН ШАХСЛАРДАН ДАВЛАТ БОЖИ УНДИРИЛМАЙДИ.

бож тўловларининг миқдори пасайтирилди, — дейди Д.Ражабов. — Жумладан, мулк ижарасини тасоқиқлаш, айрим ташкилотларнинг Адлия органлари томонидан давлат рўйхатидан ўтказилиши ҳамда жисмоний шахсларнинг даромад солиғини тўлашига ўтиши муносабати билан, улар томонидан концерт-қўшиқчилик тадбирлар ўтказиш ҳуқуқи ставкалари пасайтирилди.

Шунингдек, бир нечта янги турдаги давлат божлари жорий этилди. Хусусан, хорижий судлар ва чет эл арбитраж судлари (ҳакамлик судлари) қарорларининг тан олинishi ва ижро этилиши, тўлов тизимларидан фойдаланиш, тўлов тизими оператори фаолиятини амалга ошириш учун лицензия бериш бўйича давлат божини ставкалари белгиланди.

Алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, айрим турдаги ҳужжатлар учун ва давлат божидан озод қилинган шахслар рўйхати янги қонун ҳужжатида ҳам сақланиб қолган. Жумладан, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламлари, хусусан, қариялар ва ногиронларнинг интернат-уйларида яшовчи кишилар ҳамда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахслардан давлат божини ундирилмайди.

Бундан ташқари, фуқаролик ишлари бўйича судларда даъвогарлар иш ҳақини, алиментлар ундириш тўғрисидаги даъволар юзасидан давлат божини тўлашдан озод қилинди. Дипломатик паспорт ва хорижага чиқиш учун биометрик паспортни олиш учун ҳам давлат божини тўланмайдиган бўлди.

Халқимиз ислохотлардан ортда қолмаслиги керак

Сўнгги йилларда давлат бошқаруви тизими, ижтимоий, иқтисодий соҳаларга доир қатор қонунлар, қарор ва фармонлар қабул қилинди. Хўш, ушбу янгиланган аҳолининг барча қатламларига бирдек

етиб бораётганими?

Масалан, биргина «Давлат божини тўғрисида»ги қонуннинг мазмун-моҳиятини барча фуқароларимиз англаши талаб этилади. Чунки ҳар биримиз қайсидир давлат хизматларидан фойдаланар эканмиз, хусусан, машина, уй сотамизми, гувоҳномалар, паспорт оламизми, давлат божини тўловларини амалга оширишига тўғри келади.

— Қонун ҳужжатларини содда, аҳоли учун тушунарли тилда етказиб бериш жуда муҳим, — дейди иқтисодиёт фанлари номзоди Комила Каримова. — Боринги, бузғини қонунда уларнинг сони ортиб бормоқда ёки замон талабларига жавоб бермайдиганлари ўз қўлини йўқотяпти. Масалан, «Давлат божини тўғрисида»ги қонун ва унинг иловасида бож тўловларини қандай амалга ошириш, унинг миқдорлари ҳақида тўлиқ маълумотлар бор. Божнинг миқдори эса базавий ҳисоблаш миқдори нисбат қилиб олинган ҳолда белгиланган. Унинг қанча бўлишини билиш учун, аввало, фуқароларимиз БҲМ миқдоридан хабардор бўлиши керак. Умуман, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ҳужжатлар моҳиятини очиб беришда ҳеч бир жиҳат эътибордан четда қолмаслиги керак.

Мухтасар айтганда, ҳар бир қонун ҳужжати демократик ислохотлар таянчи бўлиб, аввало, халқнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида яратилган. Улар аҳолига қўлайлик ва имтиёзлар бериш, давлат ва жамоатчилик фаолиятини тартибга солиш йўлида асос бўлиб хизмат қилади. «Давлат божини тўғрисида»ги қонун ҳам мана шундай ҳужжатлардан биридир. Шу боис унинг мазмун-моҳиятини англаб, унга амал қилган ҳолда яшасак, ҳаётимиз бундан ҳам чароғон бўлади.

Санжар ЭШМУРДОВ
«Mahalla»

МЕНДА САВОЛ БОР...

Ижара шартномасининг давлат божини қанча?

— Пойтахтдаги уйимни қайнукамга ижарага бермоқчиман. Қанча давлат божини тўлашимга тўғри келади?
Маъруф АЛИЕВ.
Тошкент шаҳри.

Гўзал МУҲАММАДЖОНОВА,
ҳуқуқшунос:

— Янги тахрирдаги «Давлат божини тўғрисида»ги қонунга кўра, мол-мулк ижараси шартномасини тасдиқлаганлик учун давлат божини ставкалари туширилди. Ҳужжатга асосан, эр (хотин), уларнинг ота-

оналари, болалари ва уларнинг эрхотинлари, набиралари, бувилари, боболари, ака-ука ва опа-сингилларига мол-мулк ижара шартномасини тасдиқлаганлик учун давлат бож тўлови базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизидан 25 фоизигача, жисмоний шахслар учун эса 1 бараваридан 50 фоизигача, юридик шахслар учун эки бир тараф юридик шахс бўлганда 2 бараваридан 1 бараваригача қилиб белгиланди.

Эслатиб ўтамиз, айни пайтда базавий ҳисоблаш миқдори 223 000 сўмни ташкил этади.

Халқаро олимпиадада ўзбекистонлик академик лицей ўқувчилари 6 та медални қўлга киритди.

Шаҳар — бедарвоза эмас. Бу ҳақиқатни мамлакат миқёсида талқин қилсак, давлат божхона хизмати органлари зиммасида улкан масъулият, машаққатли вазифалар кўлами янада ойдинлашади. Шунинг учун ҳам бугуннинг божхоначиси нафақат пухта билим ва жисмоний тайёргарликка, балки синчковлик, ҳушёрлик, ҳалоллик каби фазилатларга, кучли ватанпарварлик туйғусига ҳам эга бўлишни даврнинг ўзи тақозо этаётир.



Божхона тизимига қандай янгиликлар жорий этилмоқда?

ДАВЛАТИМИЗ ЧЕГАРАСИ ОРҚАЛИ ЎТУВЧИ ТОВАРЛАР ВА ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ НАЗОРАТИДА ҚАНДАЙ ҚОНУНБУЗИЛИШЛАР КўПРОҚ КУЗАТИЛАЁТИР? ТИЗИМДА ИДОРАЛАРАРО ЭЛЕКТРОН ҲАМКОРЛИК ҚАЧОН ЎРНАТИЛАДИ?

«40 минг АҚШ долларилек кроссовка» ҳақидаги воқеа фикримизга далилдор. Давлат божхона кўмитаси хабарларига кўра, Андижон вилояти Божхона бошқармаси «Дўстлик» чегара пости орқали кўшни мамлакатга пиёда чиқиб кетаётган фуқаролардан бирининг шубҳали хатти-ҳаракати, юз ифодасидаги безовталик синчков ходимлар эътиборини тортди. Мазкур фуқаро белгиланган тартибларга кўра божхона кўригидан ўтказилганида, оёғиданги кроссовкаларнинг ҳар пойма 20 мингдан, жами 40 минг АҚШ долларини жойлаб, республикамиздан ташқарига олиб чиқишга уринаётгани фош бўлди.

Аслида юртимиздан чиқиш ва кириш, товар-моддий бойликлар ва бошқа ашёларни чегараларимиздан олиб ўтиш ва олиб киришда қатор метёғлар жорий қилинган. Бирок белгиланган ҳукукий нормаларни писанд қилмайдиган, нафс гирдобига йўлқан кимсалар ҳам борки, божхона тизими ходимлари ана шундайлар билан тез-тез учрашиб туришига тўғри келади. Хўш, божхоначилар айни пайтда кўпроқ қандай қонунбузилишларига дуч келишмоқда?

Қинғир ишнинг қийғи чиқади

Заргарлик буюмлари билан боғлиқ воқеалар божхоначиларни кўп безовта қиладиган ҳолатлардан. Энг ёмони, бундай қонунбузарликларга йўл қўётганлар жирканч усуллардан ҳам фойдаланишади. Давлат божхона хизмати органлари ходимлари томонидан 2019 йил давомида 389 та ҳолатда заргарлик буюмлари билан боғлиқ қонунбузарлик қайд қилинган. Бу билан қиймати 6 млрд. 905 миллион сўмлик 90 кг. 695 грамм заргарлик буюмларининг ноқонуний муомаласига чек қўйилган. Ваҳоланки, бундай буюмларнинг республикамиз ҳудудидан олиб чиқиши ва олиб киришига доир аниқ метёғлар, соҳага доир қатор имтиёзлар мавжуд.

— 2021 йил 1 январга қадар заргарлик саноати уюшмаси ҳисобланувчи ишлаб чиқарувчилар томонидан Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган ускуналар, ҳомашё ва бутловчи қимсалари божхона тўловларидан озод қилинган ҳолда олиб кириш имкони яратилган, — дейди Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитаси қатта инспектори Акбаржон АКТАМОВ. — Бундан ташқари, 2022 йилнинг 1 июлигача бўлган муддатда қимматбаҳо тошларни имтиёз қўллаган ҳолда олиб кириш ҳам мумкин. Таъкидлаш жоизки, жисмоний шахслар томонидан

юртимиз ҳудудидан олиб чиқиладиган заргарлик буюмларини 5 минг АҚШ доллари эквиваленти миқдорига декларация тўлдирмаган ҳолда олиб чиқиш имкони мавжуд. Ушбу қийматдан ошган қисмига эса декларация тўлдирилади.

Валюта муносабатларига келсак, амалдаги тартибларга кўра, жисмоний шахсларга 100 млн. сўм эквивалентдаги нақд миллий ва хорижий валюталарни эркин олиб чиқишга рухсат этилади. Аммо бу метёғлар айрим кимсаларни қониктирмай, кингир йўл тутишади.

Республикамиз божхоначилари томонидан гиёҳвандлик воситалари, психотроп таблеткаларнинг ноқонуний муомаласига ҳам қатъий курашиб келинмоқда. Ракамларга мурожаат этадиган бўлсак, 2019 йилда давлат божхона хизмати ходимлари томонидан 81 килограммдан ортиқ гиёҳвандлик воситалари ҳамда қарийб 36 минг дона психотроп таблеткалари тўхтатиб қолинди.

Тизимга қандай янгиликлар жорий этилмоқда?

Қўлга киритилган ютуқлар ҳар қанча кўп бўлмасин, соҳага янгиликлар жорий этиш, инновация ютуқларидан унумли фойдаланиш, қонун ҳужжатларини такомиллаштириб бориш ҳар жиҳатдан муҳим. Давлат божхона хизмати органлари фаолиятидаги муҳим ўзгаришлар нимадан иборат ва улардан қандай натижалар кутилмоқда? Шу каби саволлар билан Ўзбекистон Республикаси давлат божхона кўмитаси Божхона экспертизаси ва Ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатурасини юритиш бошқармаси бошлиги Бахтиёр Абдуғаниевга мурожаат қилим.

— Соҳадаги изланишлар мунтазам давом этиб, уларнинг натижаларига кўра, божхона тизимига кўплай янгиликлар татбиқ этилмоқда, — дейди Б.Абдуғаниев. — Жумладан, тадбиркорлар ва инвесторлар билан учрашувларимизда жойлардаги ижрочилар соҳада амалга ошириладиган ислохотларнинг мазмун-моҳиятидан тўлиқ хабардор эмаслиги, норматив-ҳукукий ҳужжатларнинг амалиётга жорий этилиши оқсаетгани, айрим лицензия ва рухсатномаларни расмийлаштиришда ортиқча бюрократик тўсиқлар мавжудлиги маълум бўлди.

Хусусан, фитосанитария, санитар-эпидемиологик, ветеринария, экологик назорат органлари ва сертификатлаш органлари фаолиятини ўрганиш натижаларини бунга мисол қилиш мумкин. Президентимизнинг «Ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда маъмурий тартиб-таомилларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилингани бу каби муаммоларга барҳам беради. «Ягона дарча» божхона ахборот тизимини соҳага татбиқ этиш мазкур қарорда ўз аксини топди.

МАЗЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

ДУНЁ БОЖХОНАЛАРИ: ҳар жойнинг ўз тоши ва тарозиси бор

Агар сиз чегара ортига саёҳатга отланаётган бўлсангиз, албатта, ҳар бир давлатнинг ўзига яраша қонун-қоидалари борлигини эсдан қолдириш керак. Яна бир жиҳат — ўзингиз ёқтирган ҳамма нарсани ҳам саёҳатдан эсдалик сифатида олиб қайтиш тўғри эмас. Чунки баъзида оддий харидлар ҳам давлатларнинг божхона пунктларида жиддий қонунбузилишлар сифатида қайд этилиши ва сиз бир олам муаммолар гирдобига қолишингиз мумкин.

130 та давлатни кезган таниқли саёҳатчи Артемий Сурин яқинда Мадагаскардаги гаройиб воқеани ижтимоий тармоқларда эълон қилди. У тошбақа тулумини эсдалик сифатида сотиб олгани учун божхона назоратидан ўта олмаган. Тулумни қолдирганидан ташқари яхшигина жарима ҳам тўлаган. Мисрда эса маржон рифлари ва чиғанокларни эсдаликка сотиб олган киши ўзи учун ортиқча таъшиш ортиради. Маржон рифлари ва чиғаноклар билан боғлиқ қатъий қоидалар Сейшел ва Мальдив оролларида ҳам бирдек амалда. Аслида океан ўртасидаги ушбу давлатларда мазкур ашёларнинг адоғи йўқдек, сайёҳларнинг эсдаликка олиши уларнинг миқдорига заррача таъсир

Кенг имкониятлар платформаси

Божхона ахборот тизимини жорий этиш ва ривожлантиришдан асосий мақсад — ваколатли орган ва ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари ўртасида интеграциялашган ахборот тизими ва муҳим маълумотлар базаси асосида ахборот алмашинуви учун ягона интерфейсни яратишдан иборатдир. Бу муҳим маълумотлар базаси орқали ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари давлат хизматларидан One-Stop Service тамойили (хизматлардан бир жойда фойдаланиш) бўйича фойдаланадилар.

Президент қарорига асосан, 2020 йилнинг 1 февралидан бошлаб, экспорт-импорт операцияларини амалга оширишда талаб этиладиган рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар ва сертификатлар «Ягона дарча» божхона ахборот тизими орқали расмийлаштирилади. Жорий йил 1 январдан ушбу тизим www.singlewindow.uz манзилида ишга туширилди. «Ягона дарча» божхона ахборот тизимига Давлат божхона кўмитаси, «Ўзстандарт» агентлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ветеринария ва қорвачиликни ривожлантириш ҳамда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмиталари, «Ўздавқарантин» инспекцияси каби ваколатли органларнинг автоматлаштирилган ахборот тизимлари интеграцияланган.

Бундай ўзгаришларнинг бари мамлакатимизда бизнес юритиш муҳитини янада яхшилаш, тадбиркорликка кенг эркинлик бериш борасида бошланган ислохотларни давом эттириш ҳамда қабул қилинган қонун ҳужжатларининг жойларда тўғри татбиқ этилишини таъминлашга хизмат қилади. Ҳозирда 4,7 мингдан ортиқ ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари «Ягона дарча» божхона ахборот тизимидан фойдаланмоқда.

Юлдуз ҲОЖИЕВА
«Mahalla»

кўрсатмайди ҳам. Шундай бўлса-да, расмийлар сайёҳлар оқимининг кўпчилиги ва маржону чиғанокларга барча бирдек қизиқишини инобатга олиб, бу ҳол ҳудуд флораси ва фаунасига таъсир қилишидан хавотирдалар ва айни кураш йўлини танлаганлар.

Туркия қонунларида кўра, мамлакатдан барча нарсани олиб чиқиш мумкин, ёши 100 йилдан ошган нодир буюмлар бундан мустасно. Агар шундай маҳсулот учун чек ёки махсус сертификат бўлмаса, олиб ўтилаётган буюм (қандайдир майда-чуйда бўлса ҳам) жиддий муаммо туғдириши мумкин.

Тунисдан эса маҳаллий валютани олиб чиқиш тақиқланган. Шунинг учун сафар якунида ортиб қолган пулни (ҳатто арзimas миқдор бўлса-да), албатта, айирбошлаб олиш керак. Айни қоидалар Хиндистон учун ҳам тааллуқли. Бундай ҳолат қоидабузарликка сабаб бўлиб, жазолаш учун етарли. Энг ёмони, пулдан айрилган билан масала ҳал бўлмайди. Одатда, божхона қоидаларини бузганлик учун маъмурий жазо қўлланилади — кўпинча жарима ундирилади. Аммо юқоридаги давлатларда бундай ҳолатлар ҳибсага олиш, жиноий жазо кўринишидаги чоралар қўлланилишига ҳам тўртки беради.

ГУЛҲАЁТ тайёрлади.

Жиззахда жиноят содир этган 39 нафар хотин-қиз қўмита кафиллигида озодликка чиққан.

Тўй тўхтатилди: 45 нафар йигитда ОИВ инфекцияси аниқланди

НИКОХДАН ОЛДИНГИ ТИББИЙ КЎРИК НАТИЖАЛАРИ ИККИ ЁШ ҚАЛБИДАГИ УМИД ҒУНЧАЛАРИНИ, ҚУДАЛАРНИНГ ОРЗУЛАРИНИ ОЧИЛМАСДАН СЎЛДИРДИ: КУЁВ РОССИЯДАН ОИТС КАСАЛЛИГИНИ ЮҚТИРИБ КЕЛГАН ЭКАН...

Самарқанд вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасидан олинган маълумотларга кўра, ўтган йили ҳудудда уйланмоқчи бўлган 45 нафар йигитда ОИВ инфекцияси аниқланган. 2018 йилда эса бу кўрсаткич вилоят бўйича 61 тани ташкил қилган эди. Никохдан аввалги тиббий кўриқда аниқланган мазкур ҳолатлардан сўнг томонлар белгиланган тўйни тўхтатганлар...

Хасталанганларнинг қарийб тенг ярми Самарқанд ва Каттақўрғон шаҳарлари ва Каттақўрғон тумани ҳиссасига тўғри келяпти. Касаллик аниқланган ёшларнинг қарийб 70 фоизини хорижий давлатларда ишлаб келганлар ташкил этмоқда.

...Ҳолид Юсупов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) Самарқанд шаҳридаги маҳаллалардан бирида истикомат қилади. У бундан тўрт йил муқаддам Россия Федерациясига ишлаш учун кетган эди. Тошган пулига уй қуриб, машина олди. Ота-онаси энди йигитни уйлантириб, элга катта тўй бермоқчи эди. Онасининг тошган кизи йигитга маъқул келди. Тез орада икки оилада тўй тараддуди бошланди.

Аммо... Никохдан олдинги тиббий кўрик натижалари икки ёш қалбидаги умид ғунчаларини, қудаларнинг орзуларини очилмасдан сўлдирди. Ҳолид Россиядан ОИТС касаллигини юктириб келган экан. Тўй тўхтатилди...

— Ўтган йили вилоят бўйича 23 минг 615 та никоҳ ҳолати қайд этилган бўлиб, 47 минг 224 киши мажбурий тиббий кўриқдан ўтишган, — дейди вилоят бош гинекологи **Воҳид Худойқулов**. — Афсуски, бу жараёнда айрим ёшларда нафақат ОИТС, балки сил, захм каби бошқа хасталикларнинг ҳам белгилари борлиги аниқланди. Агар улар тиббий кўриқдан ўтмасдан оила қурганларида эди, бу хасталикларни юктирганлар сонини тенг иккига кўпайиши мумкин эди. Аслини олганда, тиббий кўриқдан ўтмиш келасакда оила саломатлигини таъминлаш ҳамда фарзандларнинг соғлом дунёга келишига хизмат қилади. Аммо айрим ҳолларда бўлажак келин-куёвларнинг ота-оналари фарзандларининг саломатлигига эътибор бермай, аксинча уларни жар

ёқасига бошлашади. Оқибатда тўйдан кейин минглаб можаролар келиб чиқади.

Шаръий никоҳ — ҳуқуқсизлик дегани...(ми)?

Хўш, бундай касалликлар қандай оилаларда аниқланаяпти? Умуман, оила мустаҳкамлиги кўпроқ кимга ва нималарга боғлиқ? Вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Гавхар Алимова конуний никоҳдан ўтмай, шаръий никоҳ билан



турмушга чиқишга розилик бераётган хотин-қизларнинг кейинги ҳаётида шу каби кўп-лаб муаммолар содир бўлаётганини таъкидлайди.

— Ўтган йили хотин-қизлар кўмитаси томонидан мингга яқин шаръий никоҳ билан яшаётган оилалар аниқланди, — деди **Г.Алимова**. — Уларнинг айримларида юқоридаси каби ҳолат — тиббий кўриқдан ўтмасдан оқибатда кеч аниқланган касалликлар ҳам кузатилади. Шунингдек, эркаклар шаръий никоҳ билан уйлانгач, аёлини арзимас сабаблар билан уйдан ҳайдаб юбориши, оқибатда аёлларнинг фарзандлари билан ҳеч қандай бош-

панасиз кўчада қолиб кетиш ҳолатлари ҳам кўп. Демак, бундай вазиятларнинг олдини олиш учун аҳоли, айниқса, хотин-қизлар орасида тарғибот ишларини қучайтиришимиз керак. Ўтган йили тегишли ҳужжатни бўлмаса-да, никоҳ ўқиган икки нафар мулла кўмита томонидан аниқланиб, ҳуқуқ-тартибот органларига топирилди.

Уйлаб кўринг, йигит ёки қиз ҳар хил, жумладан, юқумли касалликка чалинган бўлиши ҳам мумкин. Яқинда бир аёл йиғлаб келди, шаръий никоҳ билан турмушга чиқиб, эридан сил юктирган. Яна бир аёлни ўргандим. Турмуш қургач, 6 ойдан кейин соғлиғи ёмонлашган, ҳомиладор бўлсам керак, деган фикрда шифокорга борса, ОИТС аниқланган. Мана шаръий никоҳ оқибати. Бундай ҳолатда фарзанд соғлом бўлиши, унинг тақдири гўзал бўлишига ким қафолат беради?

Қайд этиш керак, шаръий никоҳ билан яшаётган аёлларда ҳеч қанақа ҳуқуқ бўлмади. Натижада арзимаган баҳона билан ҳам эр хоҳлаган вақтида уни кўчага ҳайдаб юбориши мумкин. Яна бир гап. Ҳозирда қудалар бир-бирини сўраб-суриштирмасдан, ёшлар бир-бирларини яхши ўрганиб олмай туриб тўй қилишяпти. Охири нима бўляпти? Бугун никоҳ қуриб, данғиллама тўй қилган ёшлар бир ой ўтар-ўтмас ажрашиб кетишяпти. Ахир, ота-боболаримиз совчиликка бобоганда йигит-қизнинг етти пуштини сўраб-суриштирган-ку? Буюк Амир Темури ҳам келин танлашда нихоятда аҳамиятли бўлиб, бу ҳақда «Темури тузуклари»да шундай дейди: «Бўлажак келиннинг насл-насабига ва сихатига аҳамият бердим». Соғлом келин дегани — соғлом авлод, бақувват ва етук зурриёт деганики, буюк бобомизнинг фикрига кўра, қудратли салтанат учун булар гоё зарур хисобланган.

«Шаръий эмас, ноқонуний никоҳ...»

— Шаръий никоҳнинг яна бир салбий оқибати — никоҳланувчиларнинг ўз вақтида мажбурий тиббий кўриқдан ўтмаслигидир, — дейди **Воҳид Худойқулов**. — Чунки никоҳ ўқиган ақсарият муллалар, афсуски, ёшлардан тиббий

кўрик натижасини сўрамайди. Оқибатда касаллик аниқлангандан сўнг белгиланган тўйлар қолдириляпти. Бундан ташқари, тиббий кўрик давомида бир қатор ижтимоий касалликлар ҳам аниқланиб, улар ҳақида никоҳланувчиларга маълум қилинмоқда. Тасаввур қилинг, агар шаръий никоҳ билан турмуш қурган ёшларда шундай, ижтимоий хавфли хасталиклар учраса, улар ўзи билиб, эҳтимол билмаган ҳолатда яна бир инсонни уйибу хасталикка дучор қилмайдими?

— Бундай ҳолатни шаръий эмас, ноқонуний никоҳ, десак, тўғри бўларди, — дейди **Жамбой тумани бош имом-хатиби Нурбек Хидиров**. — Шунингдек, бу ерда айбни фақат муллаларга ағдарилш ҳам тўғри эмас. Беш қўл баравар бўлмаганидек, улар орасида сиз айтмаётган муллалардан ташқари, дину диниётли, имонли, дунёвий илмлар, амалдаги қонунлардан яхши хабардор бўлганлари ҳам жуда кўп. Шаръий никоҳ борасида шаксан менга ҳам мурожаатлар бўлиб туради. Шундай пайтда, албатта, улардан тиббий кўрик дафтарчаси, ФХДЭ бўлими томонидан бериладиган никоҳ гувоҳномасини талаб қиламан. Шу нарсалар бўлмаса, шаръий никоҳландан бош тортаман. Қолаверса, бу талаблар ҳақида туман, вилоят мақолида ўтандиган турли йиғинларимизда қайта-қайта айтилганди.

Оила — муқаддас маскан

Амалдаги меъёрий ҳужжатлардан ташқари, ҳар бир оиланинг ҳам ўзига яраша ёзилмаган қонун-қоидалари бор. Уни қандай қуриш, қай тарзда асраш эса эру хотиннинг ўз қўлида. Чунки оилани асрашнинг, қандай ҳаёт кечиришнинг аниқ бир қўлланмаси, шифокорлар тили билан айтганда, рецепти йўқ. Аммо бир ҳақиқат аниқ: билимли, имон-эътиқодли, тарбияли, ҳар томонлама етук инсон ҳаётда, албатта, мўлжални тўғри олади. Демак, ўзининг, аёлининг, фарзандларининг келажакини ўйлаган киши борки, бу жараёнда ҳеч бир жиҳатни қўздан қочирмайди.

Хўш, сиз бунга нима дейсиз, азиз маҳалладош?

Ёрмамат РУСТАМОВ
«Mahalla»

Тазйик ва зўравонликка қарши қандай чора бор?

Афсуски, аёлларга нисбатан зўравонлик қилиниши, уларнинг калтакланиши ёки руҳий босимлар етказилиши жамиятимизга бегона эмас...

2019 йил 9 июнда Сурхондарё вилоятининг Олтинсой тумани «Ботош» маҳалласидан бўлган икки фарзанднинг онаси, 32 ёшли Мафтуна Бадалова (исм-фамилияси ўзгартирилган) бош суягининг бир неча жойидан синиши ва танасидаги бошқа бир қанча гематомалар билан туман касалхонасининг шойилинч тиббий бўлимига ётқизилди. Маълум бўлишича, Мафтуна мунтазам эри томонидан калтакланган. Ўн йиллик турмуши давомида эри билан 38 марта жанжаллашган бўлиб, ҳар сафар маҳалла раиси, Яраштириш комиссияси ва туман Хотин-қизлар қўмитаси аралашуви билан оилани сақлаб қолишга ҳаракат қилинган. Аммо эрга қилинган панд-насихатлар қор қилмасдан аёлга нисбатан зўравонликлар тўхтамаган. Мафтуна барчасини ичига ютиб яшаган. Бора-бора ҳеч кимга мурожаат ҳам қилмай қўйган. Зулмлар остида тақдирига тан бериб яшайверган. Сўнгги марта эса эрининг ваҳшийларча калтаклашидан қочиб кетолмасдан ҳушидан кетган. Энг ачинарлиси, барча таҳқиқлашлар ва зўравонликлар унинг икки нафар норасида гўдаги кўзи олдида рўй берган. Афсуски, аёл шифохонада жон таслим қилди. Фарзандлари эса бўзлаганча қолаверди...

Дарҳақиқат, хотин-қизларга нисбатан зўравонлик қилиниши, уларнинг калтакланиши ёки руҳий босимлар етказилиши каби иллатлардан ҳалос бўлолганимиз йўқ. «Уйдаги гапни кўчага чиқарма» қабилада тарбия кўрган аёллар кўпинча бор ҳолатни яширишга уринишади. Ҳатто ўз уйида зўравонликка учраётганини яқинларига ҳам айтишмайдилар, кўркишади ёки истиҳола қилишади. Аммо буни ўзгартириш вақти келди. Ойлада хотин кишига нисбатан бўладиган зўравонлик иллати ҳақида узок вақт мамакатимизда ҳеч нима дейилмади. Лекин бугун бу тўғрида очик гапирилмоқда. Таҳлилларга кўра, уч ой ичида «1146» ишонч рақамига келиб тушган 430 та мурожаатнинг 207 таси турмуш ўртоғи томонидан зўравонликка учраган аёллар томонидандир. Хўш, бугунги кунда бундай ҳолатларга қарши қандай чора-тадбирлар олиб борилмоқда? Зўравонликка учраётган хотин-қизлар қандай йўл тутиши керак? Бу ҳусусда мутахассисларга юзландик.

Ҳукукий ҳамда ижтимоий ҳимоя

— 2019 йил 2 сентябрда «Хотин-қизларнинг тазйиклар ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинди, — дейди Адлия вазирлиги масъул ходими Шаҳноза Саомова. — 35 модалдан иборат ушбу қонуннинг мақсади хотин-қизларни турмушда, иш жойларида, таълим муассасаларида ҳамда бошқа жойларда тазйиклар ва зўравонликнинг барча шаклларида ҳимоя қилишга қаратилган. Энг муҳими, тазйиклар ва зўравон-

ликдан жабрланганларни ҳуқуқий ҳамда ижтимоий ҳимоя қилишдир.

Шунингдек, қонун билан таянч тушунчалар жорий этилди. Яъни зўравонлик, жинсий, жисмоний, иқтисодий, руҳий зўравонликлар, тазйик ва зўравонликдан жабрланувчи, тазйик ва зўравонликдан ҳимоя қилиш, тазйик ва зўравонликнинг олдини олиш, муҳофаза ордери каби тушунчалар мазмун-моҳияти очиб берилди.

Аёлга пул бермаслик ҳам зўравонлик

Айрим эркекларнинг аёлларга нисбатан зўравонлики нормал ҳолат деб қабул қилиниши энг катта муаммомиз. Ойладаги зўравонлик турли кўринишларда намоён бўлади. Мисол учун, эркак киши аёлга пул бермаса ва у уй бекаси бўлгани, фарзандларга қараётгани учун ишлашига имкон бермаса, бу — молиявий зўравонлик ҳисобланади. Аёлга ўз қариндошлари ёки дўстлариникига бориб келишга руҳсат бермаса, бу — ижтимоий зўравонлик деганидир. Эркак киши аёлга кўл кўтарса, бу — жисмоний зўравонликка кириди. Ўзбек аёллари ҳар қандай ҳолатда сир сақлашга уринишади. Бундай ҳолатда энг ёмони жисмоний зўравонликка гувоҳ бўлган ёш болаларнинг руҳияти жароҳатланишидир. Катталар кўпинча кун сайин ўсаётган ва уларнинг хатти-ҳаракатларидан ўрнак олаётган болаларнинг тақдирчанлигини эсдан чиқаради. Ойладаги зўравонлик болалар тарбиясига салбий таъсир қилиши билан



бирга, умрининг охиригача еттулик руҳий асоратлар ҳам қолдиради.

Аёл тиланчилик қилишга мажбур бўлган

— Бугунги кунда оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган, оилавий муаммолар, маънавий зўравонлик ҳирдобиди қолган аёлларни аниқлаш, уларни соғлом турмуш тарзига қайтариш энг долзарб масалаларга айланди, — дейди Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси бошлигининг маслаҳатчиси полковник Муроджон Каримов. — Жорий йилнинг 13 январидида пойтахтимиздаги Хотин-қизлар масалалари бўйича профилак-

самарқандлик 57 ёшли Маҳбуба опа турмуш ўртоғининг вафотидан сўнг тазйик ва зўравонликларга учраган, фарзандлари билан кўчага ҳайдалган. Маҳбуба опанинг борар жойи бўлмагани учун пойтахтга иш излаб келган. Устига-устак, яқинда ўғли оламдан ўтгач, аёл руҳий тушунлиқда, болалари билан сарсон саргардон юрган. Маҳбуба опа ва унинг фарзандлари реабилитация марказига жойлаштирилди. Афсуски, ҳақ-ҳуқуқларини талаб эта олмайдиган аёллар ораимизда оз эмас.

Бугунги кунда тазйик ва зўравонликдан жабр чекаётган хотин-қизларга профилактика инспектори томонидан ҳимоя ордери берилишини ҳамма жабрдийдалар ҳам биланвермайдилар.

Ҳимоя ордери нима?

— Ҳимоя ордери — тазйик ва зўравонликдан жабрланувчига давлат ҳимоясини тақдим этувчи, хотин-қизларга тазйик ўтказаетган ёки уларга нисбатан зўравонлик содир этган шахсга ёхуд бир гуруҳ шахсларга нисбатан таъсир кўрсатиш чоралари қўлланилишига сабаб бўладиган ҳужжат ҳисобланади, — дейди

Хотин-қизлар қўмитасининг Фуқаролик жамияти институти билан ҳамкорлик қилиш ва халқаро алоқалар бўлими бошлиғи Дилорам Қўзиева. — Ҳимоя ордери билан жабрланувчи ва унга шикаст етказган шахснинг алоқаси тақиқланади. Яъни бу жабрланувчи билан зўравоннинг бир хонада бирга бўлишини тақиқлаш дегани. Зўравоннинг зиммасига жабрланувчини даволаш, унга маслаҳат бериш, уни тазйик ва зўравонликдан жабрланувчиларга ёрдам кўр-

сатиш бўйича махсус марказга жойлаштириш учун харажатларнинг, етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаш, шунингдек, маънавий зиённи компенсация қилиш мажбурияти юклатилади.

Агар ҳимоя ордерини бериш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш чоғида зўравоннинг қилмишида Жиноят кодексида назарда тутилган жиноят белгилари аникланса, ҳимоя ордерини бериш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш билан бир вақтда иш материаллари жиний жавобгарликка тортиш масаласини ҳал қилиш учун тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга юборилади.

Ҳимоя ордери жабрланувчига маънавий зўрлик ишлатилганлиги далили белгиланган вақтдан бошлаб бир сутка ичида берилади. Ордер 15 кунгача амал қилади, амал қилиш муддатини 30 кунга узайтириш мумкин. Ҳимоя ордерлари ҳудудий ИИБ томонидан берилади.

Ҳимоя ордери шартлари бузилса...

Бундан кейин бирон хотин-қиз тазйик ва зўравонликдан жабрланса ёки шундай ҳолат содир этилиши таҳдида бўлса, ариза билан тегишли ваколатли орган ва ташкилотларга ҳамда судга мурожаат этишга ҳақли.

Шунингдек, улар махсус марказларда ишонч телефони орқали бепул ҳуқуқий маслаҳат олиши мумкин. Ижтимоий, психологик, тиббий ва бошқа ёрдам олиш, ички ишлар органларига ҳимоя ордери бериш тўғрисидаги талаб билан мурожаат қилишга ҳақли. Ҳимоя ордери шартлари бузилган тақдирда уларни бу ҳақда хабардор қилиш, содир этилган тазйик ва зўравонлик натижасида ўзига етказилган моддий ҳамда маънавий зарарни қоплаш талаби билан судга мурожаат этилиши ҳам мумкин. Судга мурожаат этганида улар давлат божига тўлашдан озод қилинади.

Хулоса ўрнида

Тазйик ва зўравонликдан жабр кўрган аёлларнинг давлат ва жамоат ташкилотларидан ёрдам олиши менталитетимиз учун янгилик. Лекин бу энг мақбул чора экани бугун ўз ибтидини топмоқда. Юртимизда 194 та зўравонлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш маркази фаолият олиб бормоқда. Айнан мана шу марказлар ўзининг шарт-шароит ва имкониятлари билан оғир вазиятларга тушиб қолган хотин-қизларга ҳар томонлама кўмак кўрсата олиши керак. Уларда фаолият олиб бораётган ҳодимлар жабрдийда аёлларга астойдил, қалбон ёрдам беришга доим шай туриши лозим. Шундагина муаммоларнинг олдини олиш ёки қайсидир жабрланган аёлни жамиятга қайтариш мумкин.

Нилуфар ЮНУСОВА
«Mahalla»

Ҳукумат ихтисослаштирилган боғчалар бўйича янги қарор қабул қилади.

Йил мобайнида амалга оширилиши режалаштирилган давлат дастурлари, лойиҳалар, соҳаларнинг ривожини белгилаб беришда харажатларни тақсимловчи асосий ҳужжат ҳисобланган мамлакатимиз давлат бюджети тарихимизда илк марта «2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида»ги янги услубда ишлаб чиқилган қонун билан тасдиқланди. Қонун ривожланган, демократик давлатлар тажрибаларини ҳисобга олган ҳолда яратилгани бюджет харажатларининг шаффофлигини таъминлашга хизмат қилиши кутилмоқда. Янги тартибга кўра, 2020 йилдан бошлаб давлат бюджетининг назорати, уни тузиш, маблағларини тақсимлаш ва тасдиқлаш Олий Мажлис палаталари ваколатига ўтказилди. 2020 йил давлат бюджетидан қандай лойиҳалар жой олган, соҳалар учун қанча маблағлар ажратилмоқда? Янги бюджетимизнинг ўтган йиллардагидан фарқи тўғрисида мамлакатимиз Молия вазирлиги Давлат бюджети бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Шерзодбек Мухаммедов билан суҳбатлашдик.



«БЮДЖЕТ — 2020»:

харажат ва даромадлар нимага сарфланади?

Янгилик нимада?

— Дарҳақиқат, жорий йил учун давлат бюджети Президентимизнинг 2018 йил 22 августдаги «Бюджет маълумотларининг очиқлигини ва бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори талаблари асосида алоҳида янгича қонун сифатида тасдиқланди. — дейди Шерзодбек Мухаммедов. — Бунда ривожланган давлатларнинг соҳадаги барча ижобий тажрибалари ҳисобга олинди. 2020 йил учун давлат бюджети тўғрисидаги қонунни яратишда халқаро молия институтлари, шу жумладан, Халқаро валюта жамғармаси экспертлари ҳам иштирок этди. Янги харажатлар, аввалгиларидек соҳалар кесимида эмас,

вазирлик ва идоралар кесимида ишлаб чиқилиб, 56 та вазирлик ва идораларга тақсимланди. Вазирлик ва идораларнинг жорий харажатлари — иш ҳақи, унга тенглаштирилган тўловлари, коммунал тўловлари, сақлаш билан боғлиқ бўлган харажатлар ҳамда капитал қурилиш харажатлари, яъни инвестиция харажатлари алоҳида-алоҳида акс эттирилди. Яна бир янгилик — 2020 йил бюджетини тасдиқлашда маҳаллий ҳокимият органларининг ваколат ва масъулиятлари янада оширилгани бўлди. Жумладан, Олий Мажлис палаталари томонидан Республика бюджетни харажатлари тасдиқланган бўлса, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари томонидан маҳаллий бюджетлар таъкидланди. Яъни ҳокимликлар халқ

депутатлари маҳаллий Кенгашлари билан ҳамкорликда ўзларининг харажатларини эркин ва мустақил равишда белгилайди.

Бундан ташқари, 2020 йилги бюджет таркибига кўшимча равишда 15 та давлат мақсадли жамғармалари ҳамда Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг даромад ва харажатлари ҳам киритилди. Шу ўринда 2019 йилда фақатгина 3 та давлат мақсадли жамғармалари бюджет таркибидан жой олганини айтиб ўтиш лозим. Умумий фиксал баланс тушунчасининг амалиётга киритилгани эса кўрсаткичларимизни халқаро молия институтлар ва рейтинг агентликлар фойдаланадиган статистика талабларига мувофиқлаштириш ва хорижий кредитлар эвазига амалга ошириладиган давлат харажатларининг ҳисобини самарали юритиш имконини берди.

сарфланиши кутилатганидан дарак беради. Қизғин, юқоридагиларга соҳа ташкилотларини лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш ва жиҳозлаш учун ажратилган капитал қўйилма харажатлари киритилмади. Бундан таълим соҳасига 30 триллиондан кўпроқ (ўтган йилга нисбатан 20,0 фоизга кўп), соғлиқни сақлаш соҳасига 15 триллионга яқин (ўтган йилга нисбатан 33,6 фоизга кўп), маданият ва спорт соҳасига — 2 триллион сўмдан кўпроқ маблағ ажратилди.

Бу ўринда ижтимоий соҳага ажратилган жами харажатларнинг беш фоизи — 6,5 триллиондан кўпроғи нафақалар, моддий ёрдам ва компенсация тўловларига сарфланиши, бу ўтган йилга нисбатан 27,2 фоизга кўп эканини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

ДАРВОҚЕ:

Халқ таълими вазирлиги муассасалари бюджет интизомини бузишда етакчи

Давлат молиявий назорати департаменти томонидан 2019 йилда ўтказилган назорат тадбирларининг 8028 таси (78 фоиз)да 488,3 миллиард сўм миқдорида қонунбузилиш ҳолатлари ва бошқа хато-камчиликлар аниқланди. Шундан 253,2 миллиард сўм (52 фоиз) бюджет ва мақсадли жамғармалар ҳамда ҳўжалик субъектлари ҳисоб рақамларига қайтарилишига эришилди.



2019 йилда энг кўп бюджет интизомини бузилиш ҳолатлари Халқ таълими вазирлиги тизимидаги муассасаларда аниқланди. Жумладан, тизимда бундай хатти-харажатлар киймати 29,8 миллиард сўмни ташкил этиб, 2018 йилга нисбатан 19 миллиард сўмга (2,7 марта) кўпайган. Шунингдек, Олий ва ўрта махсус таълим, Мактаб-гача таълим, Маданият вазирликлари тизимида ҳам салбий рейтингнинг ўсishi кузатилди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги муассасаларда аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари 13,8 миллиард сўмни ташкил этиб, 2018 йилга нисбатан (17,1 млрд.сўм) камайган.

Вилоятлар кесимида бюджет интизомига риоя қилмаслик ҳолатлари бўйича Қашқадарё вилояти (18,7 млрд.сўм) етакчилик қилмоқда. Салбий рейтингнинг кейинги ўринларини Тошкент, Жиззах, Андижон, Сурхондарё, Самарканд вилоятлари ва Тошкент шаҳри эгаллади.

Юқоридаги ҳолатлар бўйича ҳужжатлар қонуний чоралар қўриш учун прокуратура органларига юборилди. Бюджет ташкилотларининг 396 нафар мансабдор ва масъул шахсларига белгиланган тартибда 291,3 млн. сўмлик маъмурий жарима қўлланилди.

Молия вазирлиги ахборот хизмати.

Харажатларимиз даромаддан ортқимиз?

«Бюджет тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, 2020 йилги Консолидацияланган бюджет даромадлари 159,0 триллион, харажатлар эса 162,4 триллион сўмни ташкил қилади. Даромад, асосан, солиқ тўловлари, боғхона божлари, йиғимлар ва бошқа солиқ бўлмаган тўловлар ҳисобига шаклланади. Харажатлар таркибига ташки қарз ҳисобидан Давлат дастурларига ажратиладиган 14,4 триллион сўм ҳам кўшилди.

Шу ўринда ташки қарзнинг сезиларли даражада тез ўсиши ва ундан самарали ҳамда мақсадли фойдаланишни таъминлаш учун ташки қарз миқдорида чекловлар ўрнатилганини айтиб ўтиш лозим. Юқоридагидан келиб чиқиб, 2020 йилда ҳукумат томонидан ва ҳукумат қафолати остида имзоланадиган шартномалар миқдори 4 миллиард АҚШ долларидан ва ҳукумат дастурлари учун келгусида республика бюджетидан қайтарилиши режалаштирилган маблағларнинг ишлатилиши, яъни ўзлаштирилиши 1,5 миллиард АҚШ долларидан ортиб кетмаслигини аниқлаш мумкин. Бу, ўз навбатида, ташки қарз маблағларини чеклашга ва самарали ишлатилишига ҳисса қўшади.

Кимга кўп, кимга кам?

Давлат бюджетининг энг эътиборли жиҳати ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари максимал даражада — ўтган йилга нисбатан 24,1 фоизга юқорилигидир. Бу — йил мобайнида ижтимоий соҳага бюджет даромадларининг 50,4 фоизи, яъни 66 триллион 38 миллиард сўм

Давлат бошқаруви органлари қанча пул сарфлайди?

Шубҳасиз, давлат бошқаруви, ҳукуқ-тартибот, суд органлари ҳам давлат бюджетидан таъминланади. Жумладан, жорий йилда иқтисодиётимизни ривожлантиришга жами бюджет харажатларининг 10,7 фоизи йўналтирилади. Давлат ҳокимияти, бошқаруви, адлия, прокуратура ва суд органлари харажатларига беш ярим триллион сўм сарфланиши кутилмоқда.

Дефицит қандай тўўдирилади?

Бюджет харажатларини прогноз кўрсаткичларидан юқориқроқ белгилаш молия тизимида оддий ҳол ҳисобланади. Бу давлат ўз зиммасига баланд вазифаларни белгилаётганини кўрсатади. Бугунги ҳисоб-китобларга кўра, 2020 йилда бюджет тақчиллиги 3,4 триллион сўм ёки ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,5 фоиз бўлиши кутилмоқда. Ушбу маблағлар давлат мақсадли жамғармаларнинг йил бошидаги қолдиғи, Давлат ғазна облигацияларини чиқариш, бюджетни қўллаб-қувватлаш учун четдан жалб қилинган маблағлар ҳисобидан қопланиши режалаштирилган.

Дарҳақиқат, бюджет маблағларининг сарфланиши ҳусусидаги маълумотларнинг шаффофлиги мамлакатнинг барқарор ривожланишида муҳим роль ўйнайди. Янгича шаклда қабул қилинган бюджет тўғрисидаги қонунда ижтимоий соҳага алоҳида эътибор қаратилгани эса аҳоли фаровонлигини таъминлаш билан аҳамиятлидир.

Улугбек ИБДИНОВ
«Mahalla»

Тест топширмаган ҳолда ойлик устама оладиган ўқитувчилар рўйхати кенгайтирилди.

Халқимизнинг «Маҳалла — ҳам онанг, ҳам отанг», «Бир болага етти қўшни — ота-она», «Ўзоқдаги қариндошдан яқиндаги қўшни афзал» деган ҳикматлари бежиз айтилмаган. Ҳақиқатан ҳам, биз учун маҳалла — ўлмас қадрият, меҳр-оқибат, яхшилик ва эзгулик, маърифат ва маънавият масканидир. Йиғинлар ҳузурида ташкил этилган жамоатчилик комиссиялари эса фаолият самарадорлигини оширишга хизмат қилаётир. Хўш, аини пайтда бу комиссиялар маҳалла мавқеини оширишга қанчалик муносиб ҳисса қўшмоқда? Уларнинг фаолиятдан одамлар мамнунми?



Жамоатчилик асосидаги комиссиялар нега жим?

МАҚСАД-МОҲИЯТИДАН КЕЛИБ ЧИҚИБ, КОМИССИЯЛАР ИХЧАМЛАШТИРИЛСА, ЯХШИ БЎЛАРДИ. МАҲАЛЛАДА РАИС ВА УНИНГ ЎРИНБОСАРЛАРИ РАЎБАРЛИК ҚИЛАДИГАН 4 ТА КОМИССИЯ ИШЛАСА, БЎЛДИ, ҲАММАСИГА УЛГУРИШ МУМКИН

Яраштириш комиссиялари 528 та оилани сақлаб қолди

2019 йилда Навоий шаҳрида 192 та оила ажралиши қайд этилди. Бу 2018 йилдагидан 59 тага кам. Аммо айрим маҳаллаларда оила бузилиши ҳолатлари кўпайгани ачинарлидир. Масалан, «Баҳор» йиғинида ўтган йили 9 та оиланинг никоҳи бекор қилинди. 2018 йилда мазкур маҳаллада бундай ҳолат 4 тани ташкил этганини инобатга олсак, кейинги даврда оилавий ажралишлар кўпайгани аён бўлади.

— Аввалдан муаммоси бор, йиллар давомида сақлаб қолишга ҳаракат қилинган, аммо қутулган натижага эришилмаган оилалар суд орқали никоҳини бекор қилдиргани боис ўтган йили маҳалламизда ажралишлар сони ошди, — дейди маҳалла оқсоқоли, Яраштириш комиссияси раиси **Иномжон Зойиров**. — Ўтган йил бошида ҳудудимизда 14 та нотинч оила мавжуд эди. Маҳалламиз фаоллари, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси ва «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази билан ҳамкорликда тушунтириш ишлари олиб борганимиз туфайли 5 та оилани яраштиришга эришдик. Аммо 9 та оилани сақлаб қолишнинг имкони бўлмади. Жорий йилда ажралишлар сонини камайтириш, оилалар мустаҳкамлигига эришиш мақсадида хонадонма-хонадон юриб, тарғибот ишларини олиб бораёلمиз, ёш оилалар, турмуш қуриш арафасидаги йиғин-қизлар билан юзма-юз суҳбатлар ўтказаямиз.

Юқорида таъкидланганидек, Навоий шаҳрида оилалар ажралиши ўтган йилда аввалги йилдагидан 59 тага камайган. Бунда, албатта, ҳудуддаги мавжуд 30 та маҳалла фуқаролар йиғини ҳузуридаги Яраштириш комиссияларининг муносиб ҳиссаси бор. 2019 йилда Яраштириш комиссиялари

томонидан 528 та оила яраштирилди.

Жамоатчилик назорати ўрнатилса...

Навоий шаҳридаги марказий буюм бозори «Меъмор» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган. Бозор ён-атрофи, хусусан, канцелярия моллари сотиладиган дўконлар ёнидаги лотоклар ҳаминча чиқиндиларга тўла туради. Бу ҳолатга йиғин ҳузуридаги Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича комиссия аъзолари нега беварф?

— Комиссия раиси **Розия Дониёрова** ободонлаштириш ишларига ҳаминча бош-қош, — дейди «Меъмор» маҳалласи масъул котиби **Назозат Қўлдошова**. — Лотоклар шаҳар ободонлаштириш бошқармаси қарашли бўлгани боис унинг назаридан четда қолган бўлиши мумкин.

Тўғри, лотокларни тозалаш Ободонлаштириш бошқармаси ходимларининг вазифаси. Бирок жамоатчилик назоратини, энг аввало, тегишли маҳалла фуқаролар йиғини йўлга қўйиши лозим. Қачонки, маҳалла идорасидагилар, фаоллар жамоатчилик назоратини кучайтирса, ён-атрофдагилар ҳам масъулиятни ҳис қилиши мумкин.

Комиссиялар ишласа, жиноятчилик камаяди

2019 йилда Кармана туманида ҳуқуқбузарликка мойил 8 нафар вояга етмаган, фарзанд тарбиясига салбий таъсир қўриб турган 47 нафар ота-она профилактик ҳисобга олинди. Агарда маҳаллалар ҳузуридаги Маърифат ва маънавият масалалари бўйича комиссия, Хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссия, Вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссия ҳамда

«Ота-оналар университети» талаб даражасида фаолият кўрсатганида бу кўрсаткичлар қайтди этилмаслиги мумкин эди.

Шунингдек, ўтган йилда карманалик 81 нафар йиғит-қиз томонидан 86 та жиноят содир этилган. Ўзтибор қилган бўлсангиз, жиноятлар сони уни содир этганлар сонидан кўп, демек, кимдир бир эмас, икки марта жиноятга қўл урган. Ачинарлиси, содир этилган жиноятларнинг 8 таси ўғрилик ҳолати билан боғлиқ бўлиб, ҳатто ўз маҳалладоши, қўшнисининг уйини тунаган кимсалар ҳам бор. Жумладан, «Кўхна Кўрғон» маҳалласида яшовчи Аскар Жамолов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ўз қўшнисининг уйига қайта-қайта ўғирликка тушган. Аини пайтда мазкур иш юзасидан жиноят иши очилиб, тергов-суриштирув ҳаракатлари давом этмоқда.

Тарихда энг ашаддий ўғри ҳам ўз маҳалладошига зиён етказмаслиги ҳақида кўп эшитганмиз. Бу ҳам қайсидир маънода кўни-қўшнилари ўртасидаги азалий оқибат, андиша, қолаверса, ҳурмат-иззат ва меҳрнинг ифодаси аслида. Афсуски, юқоридаги ҳолат маҳаллада ўзаро оқибатнинг, кексалар тили билан айтганда, рўйи хотирнинг йўқолаётганидан дарак. Маҳалла фаоллари бу ҳолатга нега жим? Биз таъкидлаган жамоатчилик асосидаги комиссиялар таъсири нега сезилмаяпти?

Ҳамкорлар маҳаллани тан олмапти... (ми?)

Маълумки, 2018 йил 15 февралда Вазирлар Маҳкамасининг давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан фуқаролар йиғинларидаги жамоатчилик тузилмаларига услубий-амалий кўмаклашиш, ўзаро боғлиқ бўлган вазифалар ижросини тўлақонли таъминлаш тизими-

ни шакллантиришга қаратилган «Маҳалла институтининг янада самарали фаолият юртишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори қабул қилинди.

Мазкур ҳужжатга мувофиқ, жамоатчилик тузилмаларига бириктирилган давлат ва жамоат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлик йўналишлари белгиланган. Афсуски, бутун жойларда мазкур қарорнинг ижроси деярли таъминланмапти ва белгиланган ҳамкорлик йўналишларидан мутлақо фойдаланилмапти. Масалан, 2019 йилнинг декабрь ойида Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Навоий вилояти кенгаши ҳамда Навбахор тумани прокурату-

Ачинарлиси, содир этилган жиноятларнинг 8 таси ўғрилик ҳолати билан боғлиқ бўлиб, ҳатто ўз маҳалладоши, қўшнисининг уйини тунаган кимсалар ҳам бор.

раси ҳамкорлигида ҳудуддаги 41 та маҳалла фуқаролар йиғинида юқоридаги қарорнинг ижроси ўрганилди. Жараёнда аниқ бўлдики, фуқаролар йиғинлари ҳузуридаги жамоатчилик асосидаги комиссиялар имкон қадар ишлаяпти, бироқ уларга ҳамкор ташкилот ва корхоналар ҳукумат қарори талабларини мутлақо бажармаяпти.

— Маҳаллалар ҳузуридаги Вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссиялар ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни илмий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш ҳамда турли мафкуравий таъдидлардан асраш мақсадида таъкил этилган, — дейди Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари

фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича вилоят кенгаши раиси ўринбосари **Санобор Кандагарова**. — Турган гапки, бу долларб вазифаларни маҳалла яқка ўзи бажара олмайдди. Бунинг учун ҳудуддаги таълим муассасаларининг ҳамкорлиги зарур. Афсуски, фуқаролар йиғинларида бу борадаги фаолият тўғрисида ҳисоботлар йўқ. Ҳолбуки, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги қонуннинг 11-моддасида ҳудуддаги ҳамкор ташкилотлар ҳар чорак якунида фуқаролар йиғинларига ҳисобот бериши белгиланган.

Худди шундай, Ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича комиссия ёлғиз кишилар ва эҳтиёжманд кексаларни ижтимоий ва моддий қўллаб-қувватлаш, шунингдек, уларнинг биринчи навбатдаги эҳтиёжларини қондиришда ҳар томонлама ёрдам бериш борасидаги ишларни амалга оширади. Афсуски, мазкур комиссиялар фаолиятида ҳам қасаба уюшма федерациялари ва соғлиқни сақлаш бўлимлари билан ҳамкорлик талаб даражасида эмас. Ҳамкор ташкилотларнинг маҳаллага беварклигини, ўз вақтида ҳисоботларни тақдим этмаганини 41 та маҳалланинг ҳаммасида кузатиш мумкин.

Рағбат — самарадорликка мадад

— Аини пайтда маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолияти бирмунча қийинлашган, — дейди Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Навоий шаҳар кенгаши бош мутахассиси **Мавжуда Бобоқуллова**. — «Ҳамкорлик дастури», «Ҳаракатлар режаси», «Самарадорлик дастури», «Ижтимоий-маънавий муҳим бўйича дастур», «Давлат дастури», «Ёшларга оид давлат сиёсати», «Йиғин», «Кенгаш» номлари билан йиғма ҳисоботлар тайёрланади. Бундан ташқари, тўй-ҳашамларни ўтказиш бўйича комиссия, аввалги 8 та жамоатчилик асосидаги комиссия фаолиятига доир йиғма ҳисоботлар.


Хуллас, маҳалла ходимларига ҳам осон эмас. Шу боис жамоатчилик асосидаги комиссияларнинг кўмаги жуда зарур, бироқ мақсад-моҳиятидан келиб чиқиб, комиссиялар ихчамлаштирилса, яхши бўларди. Маҳаллада раис ва унинг ўринбосарлари раҳбарлик қиладиган 4 та комиссия ишласа, бўлди, ҳаммасига улгуриш мумкин.

Мухтасар айтганда, маҳалла ва жамоатчилик асосидаги комиссиялар мутлақо ишламаяпти, дейишдан йироқмиз. Бирок бу ўринда ҳамкор ташкилотлар ҳам ўз вазифасини унутмаслиги лозим. Зеро, халқимиз тоғиб айтган нақл бор: «Бирланган ўзар».

Холбиби САФАРОВА
«Mahalla»

Ҳукумат пахта теримига алоқадор янги қарор қабул қилди.

Энергия ресурсларини тўғри тақсимлаш, ундан тежамкорлик асосида ва самарали фойдаланиш иқтисодий барқарорликка эришишнинг муҳим шартларидан ҳисобланади. Чунки энергия қувватларига ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасида эҳтиёж сезамиз. Унга бўлган талаб эса йил сайин ошса ошяптики, асло камаймаяпти. Бугунги кунда мамлакатимиз энергетика соҳасида илғор замонавий тежамкор технологияларни жорий этиш, муқобил энергия манбаларини ривожлантириш сингари зарур ислохотлар амалга оширилмоқда. Аммо ҳали энергия таъминотидаги муаммоларга тўлиқ барҳам берилгани йўқ. Боси узок йиллар давомида эътиборсизлик туфайли йиғилиб қолган камчиликлар бир пасда ҳал бўлиб қолмайди. Ҳўш, бугун бу борада амалга оширилаётган ишлар суръати қай даражада? Шу кунгача соҳада қандай ишлар бажарилди ва келажақда нималар режалаштириляпти?



тармоқлари» акциядорлик жамиятига жорий йил якунигача яна 4 миллион 500 минг дона замонавий ҳисоблагичлар ўрнатиш вазифаси юклатилган. Бу эса электр энергияси истеъмолчиларининг тўлиқ камраб олинишини аниқлатади.

2030 йилгача қандай режалар мўлжалланган?

Соҳадаги ислохотларнинг кейинги босқичида электр энергиясининг рақобатли улгуржи бозорини шакллантириш, генерация жараёнига давлат-хусусий шериклик таъминоти асосида инвесторларни жалб қилиш ва бунда давлат кафолатини босқичма-босқич камайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳисоб-китобларга кўра, 2030 йилга бориб Ўзбекистонда электр энергияси истеъмоли ҳозиргига нисбатан 2 баробар кўп бўлиши кутилмоқда. Шу боис Президентимиз томонидан Энергетика вазирлигига кейинги ўн йилда умумий қуввати 7 минг 900 мегаваттнинг ташкил этадиган янги иссиқлик электр станцияларини ишга тушириш бўйича топшириқлар берилди. Шунингдек,

Аҳоли узлуксиз электр энергияси билан таъминланадими?



Энергия самарадорлиги қандай оширилади?


— Президентимизнинг «Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, энергияни тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришнинг тезкор чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан энергетика тармоғини замон талабларига мослаштириш, энергия манбаларига бўлган эҳтиёжни тўлиқ қондириш бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилди, — дейди **Энергетика вазирлиги масъул ходими Обиджон Дилмуродов**. — Хусусан, мазкур ҳужжат билан 2019 — 2022 йилларда Ўзбекистон Республикасида иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини янада ошириш, энергияни тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш комплекс дастури тасдиқланди. Унга мувофиқ, 2030 йилгача қайта тикланувчи энергия манбаларини улуши электр энергиясини ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмидан 25 фоизгача етказилади. Бунда замонавий қуёш фотоэлектрик станциялари ва қуёш сув иситкичларини босқичма-босқич ўрнатиш (иссиқлик таъминотининг маркашланган тизимларига уланган объектларни истисно қилганда), шунингдек, энергия самарадорлиги иштиш тизимлари, бивалент тизимларни ўрнатиш, шу жумладан, замонавий

иссиқлик насослари ва рекуператорларни жорий этиш кўзда тутилган.

Яна бир аҳамиятли томони, хусусий хонадонларда қуёш фотоэлектрик станциялари (ўртача 2 кВт) ва қуёш сув иситкичларини (ўртача 200 литр) ўрнатиш, майишй истеъмолчилар ҳамда юридик шахсларнинг ностандарт газ-горелкали қурилмаларини замонавий ва энергия самарадор газ-горелкали қурилмаларга алмаштириш каби ишлар амалга оширилади. Қарорда, шунингдек, давлат органлари ва ташкилотлари ўз балансидаги бинолар ва ин-

бўлса, энергетика тизимига гўёки бутун бир вилоят қўшил-япти. Айниқса, киш ойларида истеъмолчиларни барқарор электр энергияси билан таъминлаш тармоқда сифат кўрсаткичи юкори бўлган тизим яратиш зарурлигини кун тартибига қўйди. Шу муносабат билан Президентимиз томонидан соҳани ривожлантириш қатъий назоратга олиниб, мавжуд муаммоларга тезда ечим топиш вазифалари белгилаб берилди. Бунинг самараси ўларок, ўтган йили энг йирик лойиҳалардан бири Тўрақўрғон иссиқлик электр станцияси қуриб битказилди, Навоий ва Тахиятош иссиқлик электр станциялари модернизация қилинди. Хусусан, Фарғона водийси вилоятларининг электр энергиясига эҳтиёжини тўлиқ қоплаш имкониятини яратган Тўрақўрғон иссиқлик электр станцияси 900 мегаватт қувватга эга бўлди. Бу ерда йилгига 6 млрд. 700 млн. киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилади.

Шу билан бирга, юртимизда 10 та гидроэлектр станцияси



шоотларда ёритиш тизимлари учун светодиодли манбаларни ўз ичига олган сенсорли датчиклар, энергия самарадор газ-горелкали қурилмаларни ўрнатишга мажбурлиги кўзда тутилган.

Ишлаб чиқариш қувватлари қанчага ошди?

Маълумотларга кўра, Ўзбекистон бўйича электр энергияси сарфи йилига ўртача 6-7 фоизга ошмоқда. Таъбир жоиз

Жорий йилги вазифалар нималардан иборат?

Асосий вазифа — кун сайин ўсиб бораётган иқтисодиёт ва аҳолини электр энергияси билан узлуксиз таъминлашдир. Таъкидлаш жоизки, жорий йилда электр энергияси истеъмоли 71 миллиард киловатт-соатни

Таққослайдиган бўлсак, юртимизда электр энергияси ишлаб чиқариш қуввати 2016 йилда 12,5 минг мегаваттнинг ташкил этган бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткич 14 минг мегаваттга етганини кўришимиз мумкин.

ташкил этиб, ўтган йилгига нисбатан ўртача 9 фоизга, яъни иқтисодиёт тармоқлари талаби 10, аҳолиники эса 8,5 фоизга ошиши кутилмоқда. Шу боис йил охиригача иссиқлик электр станцияларида 1177 мегаватт, гидроэлектр станцияларида 120 мегаватт қувватлар ишга туширилиши режалаштирилган. Шунингдек, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобига 3 минг 500 мегаваттли буғ-газ қурилмалари, 400 мегаваттли шамол ва шундай қувватга эга қуёш электр станцияларини қуриш бўйича лойиҳалар бўйича шартномалар имзоланиши кутилмоқда.

Автоматлаштирилган тизимга ўтиш қачон яқунланади?

Тармоқ корхоналарида рентабелликни таъминлаш, энергия истеъмолига оид қарздорликни бартараф этишда электр энергиясини назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизими яхши самара бераёттир. Бу борадаги камровга назар соладиган бўлсак, 2019 йил охиригача республика бўйича 2 837 380 дона электрон ҳисоблагичлар етказиб берилган бўлиб, 2 528 770 донаси истеъмолчиларга ўрнатилган. «Худудий электр

инвесторларни жалб қилган ҳолда, 8 минг мегаватт қувватга эга қуёш ва шамол электр станцияларини қуриш, гидро электр станциялари қувватини 1 минг 935 мегаваттга ошириш, кичик гидроэлектр станциялар барпо этишни хусусий секторга бериш юзасидан вазифалар белгиланди.

Хулоса ўрнида

Сўнгги уч йил давомида мамлакатимиз энергетика соҳасида кенг кўламли модернизация жараёнлари амалга оширилди ва айни дамда бу борадаги ишлар изчил давом эттириляёттир. Шу билан бирга, Ўзбекистонда энергия самарадорлиги бўйича вазиятни тубдан ўзгартириш, шў жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилган ҳолда ушбу йўналишдаги янги лойиҳаларни рағбатлантириш олдинда турган масъулиятли вазифалардан. Зеро, иқтисодиёт тармоқлари ва халқимизнинг энергия ресурсларига бўлган талаби қондирилиши мазкур вазифаларни ҳар томонлама муваффақиятли амалга оширишга боғлиқдир.

Тўлқин ШЕРНАЕВ
«Mahalla»

Маънавий тарбияни баҳолаш учун илмий асосланган индикаторлар жорий этилади.

ЁШЛАР ТАРБИЯСИГА АСЛИДА КИМЛАР МАСЪУЛ?

Кўпчиликда «ёшлар тарбиясига мактаб масъул» деган қараш шаклланиб қолган. Тўғри, ўқув муассасаларимизда таълим ва тарбия уйғун олиб борилади, бир-биридан ажратилмайди. Лекин бу нараса мураббийлик юмушини бошқаларнинг зиммасидан соқит қилмайди. Яъни ота-она, қолаверса, маҳалла, кенг жамоатчиликнинг ҳам бола тарбиясида ўз ўрни бор. Ахир, халқимизда: «Бир болага етти маҳалла — ота-она» деган нақл бежиз айтилмаган.

Нотўғри тушунчалар туфайли кейинги пайтда тарбия соҳасида узвийлик, изчиллик йўқолганди. Хар ким бу юмушга ўз билганича ёндашиб, бир-биридан узилган ҳолда иш олиб бораётганди. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги қарорига асосан тасдиқланган Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси соҳага янгича мезонлар асосида ёндашиш ва замонавий тарбия усулларидан кенг фойдаланишни белгилаб берди. Ҳўш, ушбу ҳужжат ва унда белгиланган вазифалар бу борадаги бўшлиқни тўлдироларми? Ёшлар тарбияси, ахлоқ-одоби билан боғлиқ муаммоларга ечим топиладими?

Қандай мақсад кўзда тутилган?

— Инсоннинг мустақил ва кенг дунёқарашга эга шахс сифатида шаклланиши мураккаб жараён бўлиб, тарбияда унинг ҳар бир жиҳатини эътиборга олиш талаб этилади. — дейди Республика маънавият ва маърифат маркази бош мутахассиси Ҳазрат Жабборов. — Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси ёш авлод тарбиясига ёндашуви тизимли, изчил ва инновацион усулларда йўлга қўйилиши кўзда тутилди. Шуниси эътиборлики, мазкур концепцияга кўра, олиб бориладиган тарбия жараёни бола туғилмасдан, яъни она ҳомиладорлик вақтидан бошланиб, у ўттиз ёшга тўлгунча қадар муддатни ўз ичига олади.

Айтиш жоизки, концепцияда ёш авлодда мустақил ва бахтли ҳаёт учун зарур ижтимоий малака ҳамда фазилатларни ёшига мос, босқичма-босқич шакллантириш мақсади қўйилган. Бунга эришиш учун маънавий-ахлоқий тарбияни баҳолашнинг илмий асосланган индикаторларини ишлаб чиқиш, тарбиянинг ҳомиладорлик давридан бошланиб вояга етгунга қадар давом этадиган, тадрижийлик ва узлуксизлик тамойилларига асосланган методикани ишлаб чиқиш ва ҳаётга таъбиқ этиш, бола тарбиясида миллий ва замонавий педагогиканинг илғор ютуқларидан самарали фойдаланиш, тарбияланувчилар билан бирга тарбиячиларнинг ҳам билими ва малакасини мунтазам ошириб бориш каби вазифалар кўзда тутилган. Шу билан бирга, маънавий тарбияни шакллантиришда оила, маҳалла ва таълим муассасалари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ва бошқа ижтимоий тузилмалар ўртасида самарали ҳамкорлик механизми йўлга қўйилди.

Тарбия бола туғилишидан олдин бошланади

Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси тўрт босқични қамраб олади. Хусусан, оилаларда узлуксиз маънавий тарбия тизимининг биринчи даврида ҳудудлардаги оилавий поликлиникаларда, маҳаллалардаги ҳомиладор аёлларга ижтимоий-педагогик, маънавий-маърифий, тиббий, психологик ёрдам кўрсатиш ишлари тизимли ташкил қилинади. Эътиборлиси, ёш ота-оналар бола парварлиши ва тарбиясига тайёрланади. Жумладан, ҳомиладор аёлларга ўқийдиган тавсия қилинадиган тиббий-маърифий, тарбиявий, бадий адабиётлар туркумлари, уларнинг электрон шакли тайёрланади ва тарқатилади.

Бола туғилганидан 3 ёшга бўлган вақт оралиғи ҳам алоҳида масъулиятли давридир. Гўдақликда ташқи дунёга оғисиз «ишонч» туйғуси вужудга келади. Бунинг бош сабаби, ота-онанинг меҳр-мухаббат, ғамхўрлиги ва жонқуярлиғидир. Нутқнинг вужудга келиши, кадр-киммат, уят, масъулият, дахлдорлик, тартиб-интизом, ҳурмат, шубҳа, мустақиллик каби сифатлар, мотивацион тасаввурларнинг шаклланиши ҳам шу даврга хос. Концепцияда болаларда бадий-эстетик дидни шакллантириш ва интеллектни ривожлантиришга мўлжалланган алла, эртақ, маколлар ва топишмоқларнинг аудио шакли яратилиб, мультфильмлар тўплами тайёрланиши ва ҳудудларга тарқатилиши кўзда тутилгани замирида ҳудди шу жиҳат эътиборга олинган. Шунингдек, болалар руҳиятига салбий таъсир этмаслиги учун ўйинчоқлар бўйича маънавий таҳлил ва тадқиқотлар олиб борилади.

Жажжилар қандай ўйинлар билан банд қилинади?

Мактабгача таълим тизимида амалга ошириладиган узлуксиз маънавий тарбияда 3-7 ёшли болаларда ўз туйғуларини бошқариш кўникмаларининг ривожланиши, ўз хатти-ҳаракатларини ахлоқий бошқариш кўникмаларининг юзага келиши, ижтимоий мотивлар ва миллий анъаналарга қизиқишнинг пайдо бўлиши, ўзини намоён қилишга интилиш, ўзига ўзи баҳо бериш, теварак-атрофдагиларга маънавий-ахлоқий муносабатнинг пайдо бўлиши кабилар инобатга олинади. Шунга асосан, «Бахтли бола маънавияти» комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиладиган ва амалга оширилади.

Мазкур йўналишда ота-оналар ва тарбиячиларнинг бола тарбияси борасидаги билим, кўникма, малака ва компетенцияларини оширишга қаратилган



илғор педагогик ва ахборот технологияларига асосланган ҳудудий ўқув тренинглар, семинарлар, форумлар дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш кўзда тутилгани аҳамиятлидир.

Бундан ташқари, жажжи юракларда орзуга интилиш, ижодий фикрлаш, яратувчанлик, ички қобилиятларини юзага чиқаришга қаратилган ақлий ва ҳаракатли ўйинлар, конструкторлик ўйинлари ва ўйинчоқларнинг «Болалар дунёси» вариатив ўйинлар мажмуаси ишлаб чиқиладиган. Бу эса фарзандларимиз муккасидан кетган турли мақсадсиз ўйинларнинг ўрнини босишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Мактаб тарбияси нималарга асосланади?

Умумий ўрта таълим тизимида маънавий тарбия жараёни ўқувчиларнинг ёш хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда бошланғич синфлар ҳамда ўрта ва юқори синфларда алоҳида ташкил этилади. Шу асосда ота-оналар, педагоглар, болалар ва ўқувчиларнинг ўқувчилар, адабиётлар, медиамаҳсулотлар, илмий-методик қўлланмалар мажмуаси яратилади, давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари ва режалари асосида ўқувчиларда ёшига мос таълим маънавий-ахлоқий фазилат, компетенциялар шакллантирилади. Ўз навбатида, тарбиявий таълим ҳам яхлит кўриниш олади. Яъни I-XI синфлар учун «Одобнома», «Ваган туйғуси», «Миллий истиклол ғояси ва маънавият асослари», «Динлар тарихи» фанларини бирлаштирган ҳолда «Тарбия» фани жорий қилинади.

Мухими, ушбу ишларнинг қутилган самара беришидир. Буни аниқлаш мақсадида аҳоли, педагоглар, жамоатчилик, болалар ўртасида бир йилда икки марта социологик сўровлар ўтказилади ва шу асосда белгиланган чора-тадбирлар тақомиллаштириб борилади.

Сўнгги босқичда нималар қилинади?

Биламизки, вояга етган ҳар бир йигит-қизга мустақил шахс сифатида қаралади. Аммо бу омил тарбия жараёни охириг ёш нуктасига етганини англатмайди. Чунки мустақил ҳаётда дадил оёққа туриб олиш ҳам ирода ва кўникмани талаб этади.

Жумладан, ўрта махсус касб-хунар ва олий таълим билан қамраб олинмаган,

шунингдек, ишлаб чиқаришда фаолият кўрсатаётган ва банд бўлмаган ёшларда келажакка ишонч, мустақил фикрлаш ва қарор қабул қилишни мустаҳкамлаш, виждонан меҳнат қилиш, тadbиркорлик, касбий-маънавий кўникмаларни ўргатиш, мустақил ҳаётда муваффақиятга эришиш учун инновацион тафаккур, ташаббускорлик, фидойилик фазилатларини ривожлантиришга аҳамият қаратилади. Шу билан бирга, уларга оилавий масъулият ва бурчни англатиш, фарзанд тарбияси, оилани бошқариш, моддий фаровонликка эришиш учун зарур билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш, ёш оилаларнинг маҳаллада интеграциялашувини қўллаб-қувватлаш муҳим вазифалар қаторидан жой эгаллайди.

Ўрта махсус касб-хунар ва олий таълим муассасаларида эса ўқувчи-талабаларда замонавий билимларни эгаллаш, медиа маданиятни ривожлантириш, илғор педагогик технологияларни амалиётга жорий этиш, хорижий давлатлардаги илғор тажрибаларни ўрганишни рағбатлантириш каби жиҳатларга алоҳида урғу берилган.

Умуман олганда, мактабгача ва умумий ўрта таълим, ўрта махсус касб-хунар ва олий таълим тизими, ишлаб чиқаришда фаолият кўрсатаётган ва банд бўлмаган ёшларда узлуксиз маънавий тарбия самарадорлигини баҳолашнинг илмий-методик технологиясини яратиш ҳамда ҳар йили икки марта ўлчаш ва «Маънавий тарбия» республика жамоатчилиги кенгашида муҳокама қилиб бориш кўзда тутилгани эътиборлидир.

Хулоса ўрнида

Мазкур концепциянинг жорий қилиниши узлуксиз маънавий тарбия жараёнининг тизимли ташкил этилиши, тарбия соҳасининг илғор инновацион технологиялар асосида тақомиллашуви учун зарур шарт-шароит яратди. Шу билан бирга, оилалар, таълим муассасалари, маҳаллалар ва корхоналарда инновацион ижтимоий-педагогик соғлом ва барқарор муҳит яратилади. Яна бир аҳамиятли томони, банд бўлмаган ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишга, келажакка бўлган ишончи ошади. Энг муҳими, мамлакатимиз дунёда рақобатбардор, бой инсон капиталига эга бўлади.

Тўлқин ШЕРНАЕВ
«Mahalla»

МЕҲНАТ МИГРАНТИ МУҲОҒАЗАСИ ҚАЧОН ТАЪМИНЛАНАДИ?

МЕҲНАТ МИГРАНТЛАРИГА КРЕДИТЛАР, МИКРОҚАРЗЛАР ҲАМДА ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲАЁТИ ВА СЛОМАТЛИГИНИ СУҒУРТАЛАШ БЎЙИЧА СУҒУРТА МУКОФОТИНИ ҚОПЛАШ УЧУН СУБСИДИЯЛАР БЕРИЛИШИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ.

БМТ статистикасига кўра, бугун дунё бўйича 250 млн.дан ортиқ меҳнат мигрантлари мавжуд. Шулардан қарийб 2 млн. нафарини Россия Федерациясида меҳнат қилаётган Ўзбекистон фуқаролари ташкил этади. Россиянинг турли ҳудудларида қурилиш, қишлоқ хўжалиги, саноат, озиқ-овқат, маиший хизмат, тўқимачилик, энергетика ва бошқа соҳаларда фаолият юритаётган юртдошларимиз оилаларига молиявий ёрдам кўрсатмоқда. Улар орқали давлатга кириб келаётган маблағлар бевосита мамлакат иқтисодиёти ривожига таъсир кўрсатиши тайин. Таҳлилларга кўра, Россиядаги ўзбекистонлик мигрантлар ҳар йили юртимизга 4 млрд. АҚШ долларлиги маблағ юборишади.

Аслида ҳеч ким оиласидан айрилиб, юртидан олисларга кетмайди. Хорижга ишлашга кетувчиларнинг аксариятида ўзига хос муаммолар мавжуд. Меҳрдан йироқ болалар, парчаланган оилалар, тарбияда ота-онанинг иштироки йўқлиги — барча-барчаси жамиятнинг оғирлиги нуктасидир. Меҳнат ҳақини ололмай юрган ёки алданиб қолаётган юртдошларимиз ҳақидаги хабарлар эса дард устига чипкон. Уларнинг ҳуқуқлари поймол этилаётгани ёки уларга нисбатан ноқонуний муносабатлар бўлаётганига кўз юмиб бўлмайди. Шу боис меҳнат мигрантларининг меҳнат ҳуқуқлари ва меҳнат муҳофазасини таъминлаш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Ҳўш, юртимизда меҳнат мигрантлари муҳофазаси бўйича қандай ишлар амалга оширилмоқда? Бу ҳусусда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигини мурожаат қилдик.

Химоя кўламини кенгайтириш

— Фуқароларимизнинг хорижда меҳнат фаолиятини юритаётганида иқтисодий ҳужжат — Президентимизнинг 2019 йил 20 августдаги «Хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва уларнинг оила аъзоларини химоя қилиш қарорлари тўғрисида»ги фармони, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 августдаги «Хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини химоя қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори муҳим ўрин тутди. — дейди Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги матбуот хизмати раҳбари Ортиққўзжа Норов. — Ўз ҳаётини кўра, Президент ва ҳукуматнинг кўрсатиб ўтилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари

хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоялаш чоралари билан қамраб олинишни кенгайтиради. Бундан ташқари, мазкур ҳужжатлар орқали фуқароларимизни хорижда ва Ватанимизда уюшган тарзда ишга ёллаш, тайёрлаш, молажирлаш тадбирлари, жойлаштириш жараёнилари самарали бошқарилади.

Шунингдек, уларнинг оилаларига ижтимоий-маиший муаммоларини ҳал қилиш, меҳнатга лаёқатли оила аъзоларининг бандлигини таъминлаш орқали даромадлари ва турмуш даражасини оширишга эътибор қаратилмоқда.

Меҳнат мигрантига қандай имтиёз бор?

Юртбошимиз ташаббуси билан илк бор хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга оширишни мўлжаллаётган меҳнат мигрантларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш чоралари амалга оширилмоқда. Уларга кредитлар, микроқарзлар ҳамда фуқароларнинг ҳаёти ва саломатлигини суғурталаш бўйича суғурта мукофотини қоплаш учун субсидиялар берилиши йўлга қўйилди.

Эътиборга молик жиҳати шуки, уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож меҳнат мигрантларига 2020 йилда уй-жой қурилиши бўйича давлат дас-

турларининг ижроси доирасида кўп квартиралар уйлардан 3462 та хонадон ажратилиши белгиланган бўлиб қўйилди. Албатта, бу мигрантлар учун ажойиб янгилик. Чунки четга ишлагани чиқиб кетаётганларнинг аксарияти уй-жой мақсадида юртидан узоклашаётган.

Микроқарзлар кимларга берилади?

Ишлаш учун четга кетаётган фуқароларимизга, табиийки, йўл харажати учун ва бирор ишга жойлашиб, қўлга пул теккунга қадар маълум миқдорда маблағ зарур бўлади. Одатда кўпчилик қариндош-уруғ ёки таниш-билишлардан қарз олиб кетади.

Эндиликда бунга ҳолат қолмайди. Меҳнат мигрантларига Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошираётган фуқароларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини химоя қилиш жамғармаси ҳамда Бандликка қўмақлаштириш давлат жамғармаси ҳисобидан хорижда ишга жойлашиш билан боғлиқ харажатларни тўлаш учун микроқарзлар беришмоқда. Микроқарз бир кун ичида тез расмийлаштирилган ҳолда энг кам талаб қилинадиган ҳужжатлар (паспорт, ариза ва меҳнат органининг илтимосномаси) асосида 2019-2020 йилларда 10 фоиз ва 2021 йилда 12 фоиз ставкада 2 миллион сўм миқдорда бир йил муддатга берилади.



ДАРВОҚЕ...

• 2020 йилда Москвада меҳнат мигрантларининг ишлаш ҳуқуқи учун патент 7 фоизга қимматлашди.

• Украина, Молдова, Озарбайжон, Тожикистон ва Ўзбекистон фуқаролари 2015 йилдан буён Москвада ишлаш учун патент олади.

• Москва иқтисодий сиёсат ва ривожланиш департаментининг дастлабки ҳисоб-китобларига кўра, 2019 йилда чет эллик ишчиларга патент беришдан тушган бюджет даромади 18 млрд. рублни ташкил этган.

Аммо бу ҳамма мигрантлар ҳам микроқарз олаверади, дегани эмас. 2019 йилнинг 1 октябрга қадар жорий этилиши кўзда тутилган «Ягона миллий меҳнат тизими» ахборот тизими доирасидаги «labor-migration» дастурий мажмуасида рўйхатдан ўтган фуқаролар бундай қўлайликдан фойдаланиши мумкин.

Агентлик аралашгач...

Меҳнат мигрантларининг мурожаатларини ўрганиш мақсадида яқинда Москва шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг ваколатхонаси ташкил этилди. Таъкидлаш жоизки, ўтган юзсак вақт ичида ваколатхонага Россия Федерациясида меҳнат қилаётган Ўзбекистон фуқароларидан қатор мурожаатлар келиб тушган. Уларнинг аксарияти иш бевуви томонидан меҳнат шартномаларига риоя этилмаётгани, меҳнат шартнолари яратилмагани, белгиланган иш ҳақининг муддатидан

кечиктирилаётгани ёки бутунлай берилмаётгани, ноқонуний депортация ҳолатлари қузғилаётгани сингари масалаларга қаратилган. Мисол учун, Қашқадарё вилоятида тутилган 26 ёшли Рустам Бобоқулов 4 нафар ҳамроҳи билан 2018 йил Россияга келиб, Москвадаги «АНТ ЯПЫ САНА-ЙИ ВЕ ТИДЖАРЕТ АНОНИМ ШИРКЕТИ» МЧЖ қурилиш компаниясига ишга жойлашган. Бирок орадан икки ой ўтиб ҳам уларга иш бевуви томонидан иш ҳақи берилмаган. Бу ҳол 6-7 ой давом этган, фуқаролар Ўзбекистон Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг Москвадаги ваколатхонасига мурожаат этган. Агентлик вакиллари иш бевуви билан боғланиб, вазиятни мурожаатчилар фойдасига яқиний ҳал қилишга эришди ва уларга 300 минг рубль иш ҳақи ундириб берилди.

Меҳнат ҳуқуқлари химоя қилинган ва турли муаммолари масалалари ижобий ҳал этилган фуқароларда Агентлик ваколатхонасига, у орқали давлат органларига бўлган ишонч янада ортомқда. Агентлик ваколатхонаси томонидан олиб борилаётган бу каби чора-тадбирлар хорижда меҳнат қилаётган Ўзбекистон фуқароларининг муносиб меҳнат шартноларида ишлашлари ва меҳнат ҳуқуқлари қамқоқлигини таъминлайди. Ҳар қандай фуқаро муаммолари вазиятларда Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг ваколатхоналарига ёки 71 202-33-55 телефон рақами орқали мурожаат қилиши мумкин.

Хулоса ўрнида

Жорий йил 10 январда Президентнинг «Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий ҳамкорлигини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони қабул қилинди. Унга мувофиқ, Хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳуқуқларини химоя қилиш ва халқаро иқтисодий ҳамкорлик масалалари департаменти қайта ташкил этилди. Департаментга бир қатор қўшимча вазифалар юклатилди.

Шунингдек, хорижда ишга кетувчилар учун маслаҳат маркази тузилиб, унга Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги орқали чет элга ишлашга кетмоқчи бўлган фуқаролар махсус тиббий қўриқдан ўтказилиб қабул қилинади. Марказга қабул қилинган фуқароларга 7 иш куни давомида улар меҳнат қилиётгани амалга оширмоқчи бўлган давлатнинг тили, маданияти, тарихи ва қонунийлиги ўқитилади. Бугунги кунда марказда Корея Республикаси ва Россия Федерациясига ишга кетувчилар учун маслаҳат ва тайёрлов курслари мавжуд. Марказ 170 кишига мўлжалланган бўлиб, ётоқхона ва бошқа кераклик шароитларга эга. Буларнинг барчаси юртдошларимизнинг хорижий давлатларда сарсон саргардон бўлмасликлари учун қилинаётган ҳамхўрликдир.

Нилуфар ЮНУСОВА
«Mahalla»

Халқ банки кредит фоизи ставкаларини пасайтирди.

Аҳолининг сувдан фойдаланганлик учун қарзи 410 миллиард сўмдан ошди

БУНДАЙ ЙИРИК ҚАРЗДОРЛИК ҚАЕРДАН ВА НИМА САБАБДАН КЕЛИБ ЧИҚМОҚДА? БИЗ ШУНЧАЛИК КЎП СУВ ИСТЕЪМОЛ ҚИЛЯПМИЗМИ ЁКИ УНДАН ФОЙДАЛАНИШДА ИСРОФГАРЧИЛИККА ЙЎЛ ҚЎЙЯПМИЗМИ?!

Сув — табиат инъом этган энг бебаҳо бойлик. Ер юзидида тирик жон борки, доим унга эҳтиёж сезади. Сўнгги вақтларда ишлаб чиқаришнинг кенгайиши, қўшимча суғориладиган ерларнинг ўзлаштирилиши, инсоният томонидан беҳуда исроф қилиниши туфайли обихаётга бўлган талаб тобора ортиб бормоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти берган маълумотларга кўра, ҳозирда дунёдаги мавжуд дарёларнинг ярми жиддий ифлосланган. Ер шарини аҳолисининг қарийб 40 фоизи тоза ичимлик суви етишмаслигидан азият чекамда. Энг ёмони, ҳар йили сайёрамизда ичимлик суви танқислиги оқибатида 1,2 миллион киши турли оғир хасталикларга дучор бўлмоқда, 5 миллион киши эса ифлосланган ва сифатсиз сувдан истеъмол қилишга мажбур.

Ичимлик суви таъминоти сифати нега паст?

Афсуски, бу муаммо юртимизни ҳам четлаб ўтган эмас. Кейинги йилларда мамлакатимизда аҳолининг тоза ичимлик суви билан таъминлаш, одамларни бу борада қийнаётган муаммоларига ижобий ечим топиш борасида тизимли ишлар амалга оширилаётган бўлса-да, баъзи ҳудудларда ҳали ҳам ичимлик суви таъминоти паст даражада бўлиб қолмоқда. Ҳатто, айрим жойларда аҳоли экологик жиҳатдан сифатсиз сув ичишга мажбур бўлмоқда. Фойдаланишдаги объектларда сув сифатининг коникарсизлиги, ифлосланиш дара-

жасининг юқорилиги, ҳўжалик-ичимлик суви таъминоти тизимининг ачинарли ҳолатда эканлиги, ушбу бебаҳо неъмат халдан зиёд исроф қилинаётганлиги ҳамда мавжуд ресурс ва ҳўжалик тизимларини бошқаришнинг етарли даражада самарали эмаслиги тизимдаги муаммолар кўламини янада кенгайтирмоқда. Бундан кўринадики, соҳада қилиниши лозим бўлган ишлар талайгина.

«Тизимда муаммолар кўп, улар босқичма-босқич ҳал қилинади»

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги «2017 — 2021 йилларда ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини комплекс ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш дастури тўғрисида»ги қарори асосида аҳолининг кенг қатлами, айниқса, қишлоқ ҳудудидида яшовчи одамлар учун янада қўлай ва муносиб истижмоий-маиший шароит яратиш, ичимлик суви таъминоти ва канализация хизматлари кўрсатиш самардорлигини ошириш, истеъмолчиларнинг барча ҳудудда сифатли ичимлик сувидан фойдаланишнинг таъминлашга алоҳида эътибор қаратишмоқда, — дейди Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги Ягона сува балансини шакллантириш ва мониторинг қилиш бош бошқармаси бошлиги Тоҳир Хайдаров. — Дарҳақиқат, ҳозирги кунда тизимда жуда кўп муаммолар йиғилиб қолган. Бунга эса 2004-2017 йилгача юртимизда аҳолининг ичимлик суви билан



тоза ичимлик суви билан таъминлаш ишларида республика бюджетидан жами 2,5 трлн. сўм маблағ ажратилгани ҳам муҳим роль ўйнади. Эътиборлиси, бу сўнгги 10 йилда ажратилган маблағдан ҳам кўтирди.

«Ишлатилмаган сувга нега пул тўлашимиз керак?»

Таъкидлаш лозим, айни пайтда аҳолининг коммунал хизматлар, хусусан, фойдаланилган тоза ичимлик сувидан бўлган қарздорлиги жуда юқори. Маълумотларга қараганда, айни кунда бу рақам оз эмас, кўп эмас, нақд 411 млрд. сўмнинг ташкил этмоқда. Аммо шу ўринда қўнчилиқда ушбу қарздорликнинг қанчалик ҳақиқий деган ҳақиқ савол туғилади?! Ҳайрон бўлманг, боиси бугун қўнчилик инсонлар билан суҳбатлашсангиз, тизимдаги тушунмовчиликлар, қонунчиликдаги чалкашлиklar, маъсул ходимларнинг ишга бўлган нотўғри муносабати туфайли асосан қарздорликлар юзага келаётгани ҳақида ҳасратидан чанг қилиб таппиради.

— Бундан бир неча йил аввал маҳалламиздаги сув қувури ёрилиб, ҳудуддаги қўлпаз хонадонлар тоза ичимлик суви тармоғидан узилиб қолди, — дейди Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманидаги «Чумчуқсар» маҳалласида яшовчи Пулат Акбаров (исм-фамилияси ўзгартирилган). — Муносабатлар келиб, ёрилган қувурни таъмирлаган бўлсалар-да, сув таъминотидаги узилиш ижобий ҳал бўлмади. Шу боис орада бир муддат маҳалладаги 5-10 та хонадон эҳтиёжларини учун ер ости сувидан фойдаланишимизга тўғри келди. Бир қуни хонадонимга маъсуллар келиб, ичимлик сувидан катта миқдорда қарздор эканлигини айтишганида, тўғриси, ҳайрон қолдим. Ваҳоланки, ўтган муддат

ичида умумий тармоқ орқали келадиган тоза ичимлик суви ишлатилмагандик. Бу ҳақида маъсул ходимга айтганимда «Сиз қувур ёрилгани тўғрисида бизни хабардор қилишингиз, бу ҳақида маҳалладан маълумотнома тақдим этишингиз лозим эди. Ана шунда сизга қарздорлик белгиланмасди» дея қонунда ўрнатилган тартиб ҳақида оғохлангирди. Ўзингиз ўйланг, мен нима учун туман «Сувоқо-

ДАРВОҚЕ...

Мамлакатимизда аҳолининг ичимлик суви истеъмол қилиши борасидаги қўрсаткич юқори. Мисол учун, бугунги кунда юртимизда бир суткада киши бошига 330 литр сув сарфланади. Бу рақам Қирғизистонда 170 литр, Украина ва Россияда эса 160 литрга тўғри келмоқда.

«Идораси мутахассисларининг ўзлари таъмирлаган сув қувури ҳақида уларни хабардор қилишим керак?!»

Муаммонинг ечими — ҳисоблагич ўрнатиш...(ми?)

— Аҳолининг сув ҳақини тўламаслиги, катта миқдорда қарздорликнинг юзага келишида фақат уларнинггина айбдор қилиш тўғриси эмас, — дейди Тошкент вилоятидаги «Аксича аҳолига кўрсатилаётган коммунал хизмат сифатини яхшилаш, бу борадаги қалбчиликларни бартараф этиш зарур. Таъкидлаш керак, бугунги кунда ҳудудлардаги ичимлик суви ишлаб чиқариш ва тарқатиш ишчиотларининг 85 фоизидида ҳисобча олиш тизими мавжуд эмас. Мавжуд муаммога барҳам беришнинг энг самарали усулидан бири — замонавий ҳисоблагичлар ўрнатишдир. Шу боис яқин вақт ичида мамлакатимиз сув таъминоти тизимида энг замонавий, орқага айлантиришнинг имкони бўлмайдиган, турли қанғир усуллар ёрдамида фойдаланилган сув миқдорини қаматиришга йўл қўймайдиган ҳисоблагичлар жорий қилинади. Бу ишларни молиялаштириш

учун жами 12 миллион 317 минг доллар миқдоридидаги маблағ талаб этилиб, дойиқа Осиё тараққиёт банки билан бирга ҳаётга татбиқ этилади.

Тоза ичимлик суви етишмаётган ҳудудлар камми?!

— Қўнчилик юртодошларимиз сув танқислигидан азият чекаётган бир пайтда маҳалламизда ичимлик суви бир ҳафтадан буён исроф бўлиб оқмоқда, — дейди Фаргона вилояти Маргилон шаҳри «Пичоқчи» маҳалласи Хийбон кўчасида яшовчи аҳоли вакиллари. — Ахир, оби-ҳаётни бориди қадрламасак, унинг уюли тутмайди?! Шу боис мутасаддилардан қувурни тезроқ ямашларини сўраймиз...

Бугун бу каби хабарларни ўқиганингизда беихтиёр ер юзидида сувсизликдан азият чекаётган миллионлаб инсонлар, ташналикдан ҳалок бўлаётган мурғак гўдаклар кўз олдингизга келади. Узоққа бормаёлик, юртимизда тоза ичимлик суви етишмаётган ҳудудлар камми?!

— Маҳалламизда 3700 нафардан зиёд аҳоли истижмоат қилади, — дейди Маргилон шаҳридаги «Пичоқчи» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Баҳодир Бобоев. — Бир неча йил аввал маҳалламиз ҳудудидан қўнчи қишлоққа пластик қувур орқали ичимлик суви тармоғи тортилганди. Яқинда ўша қувур ёрилиб, анчагина тоза сув исроф бўлди. Бу масалда туман «Сувоқова» идораси маъсулларини хабардор қилдик. Ниҳоят, бир ҳафта деганда қувур таъмирланди.

Хулоса ўрнида

Мутахассисларнинг фикрига кўра, яқин келажакда аҳоли сонининг янада ортиши билан ер усти ва ер ости сувларидан ичимлик суви сифатида фойдаланиш янада кучаяди. Аҳолининг тоза ичимлик суви билан таъминлаш эса энг долзарб масалалардан бирига айланади. Шу боис соҳада энг илғор ва самарали технологиялардан фойдаланишни йўлга қўйиш, сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш бўйича олдимизда турган долзарб вазифаларни амалга оширишни ҳозирданок бошлаш зарур. Зеро, сувни тежаш, ундан оқилона фойдаланиш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Саъдулло ТУРСУНОВ
«Mahalla»

МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

Марказий Осиё мамлакатлари орасида Ўзбекистонда 1 куб сув энг арзон — 310 сўм нархда истеъмолчиларга етказиб берилмоқда. Ваҳоланки, бугун 1 куб сув Қирғизистонда 1045 сўм, Қозоғистонда 1235 сўм, Тожикистонда 1710 сўм, Украинада 4000, Россияда 6200 сўмни ташкил этмоқда.

таъминлаш вазифаси марказлашган ҳолда бошқарилмаганлиги асосий сабабдир. 2017 йил вазирлик ташкил қилинган пайтда аҳолининг тоза ичимлик суви билан таъминланиш даражаси 64 фоиз бўлган. Ўтган вақт ичида бу кўрсаткич 69,5 фоизга етиб, 22,4 миллион аҳоли марказлашган ичимлик суви билан таъминланди. Қолаверса, ортида қолган 2019 йилда ушбу кўрсаткич яна 1,7 фоизга ошди. Бунга эса 2018-2019 йилларда аҳолининг марказлашган равишида

Фарғонада йирик цемент заводи ишга тушди.

Яқинда «Бангкок – Тошкент» авиарейси орқали фуқаролар А.Т. ва Ж.М. томонидан келтирилган 40 килограмм мевалар «Тошкент Аэро» ўсимликлар карантини чегара маскани инспекторлари томонидан текширилганда, уларнинг карантин рухсатномаси ва маҳсулот етиштирилган давлатнинг фитосанитария сертификати йўқлиги аниқланган. Ушбу маҳсулотлар чегара масканининг мини лабораториясида фитосанитар назоратдан ўтказилганда, 7 килограмм банан чириб кетгани, 14 килограммдан бўлган ананас ва манго ҳамда 5 килограмм мангустиларда «Унсимон курт» зараркундаси, «Цитрус инли куяси» ва бошқа номаълум ҳашарот ғумбаклари мавжудлиги аниқланган. Тирик карантин зараркундалари мавжудлиги сабабли улар белгиланган тартибда йўқ қилинган.



ДИҚҚАТ КАРАНТИН: зараркундалар кириши тақиқланади!

УЛАР ТУТ, ОЛМА, ЎРИК, ПОМИДОР, КАРТОШКА ВА БОШҚА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЭКИНЛАРИГА ЗИЁН ЕТКАЗИБ, ҲОСИЛНИНГ 60-80 ФОИЗ ВА УНДАН КАТТА ҚИСМИНИ НОБУД БЎЛИШИГА ОЛИБ КЕЛАДИ

Гул кўчати нега ёкиб юборилди?

Шундай ҳолатлардан яна бири Тошкент шаҳар Ўсимликлар карантини давлат инспекциясининг «Арк Булок» ўсимликлар карантини чегара масканида аниқланган. Сирдарё вилоятидаги «Агро Есо Technology» масъулияти чекланган жамияти шаклидаги кўшма корхонага Хитой давлатидан 26 та қутида юборилган 952 дона «Anthurium and Raeanum» туридаги манзарали гул кўчатлари энтомолог, фитопатолог, герболог, бактериолог, гельминтолог ҳамда вирусолог мутахассислар томонидан ўрганилганда, унда иссиқхона рангсиз канаси, барг некрози ва бактериал чириш сингари зараркунанда ҳамда касалликлар мавжудлиги аниқланди. Лаборатория ходимларининг ҳулосаларидан келиб чиқиб, карантин рухсатномаси бўлмаган ва фитосанитар хавфга эга «Anthurium and Raeanum» туридаги манзарали гул кўчатининг барчаси белгиланган тартибда ёкиб юборилиши билан йўқ қилинди.

Хўш, юртимизга импорт қилинаётган маҳсулотлардан аниқланган зараркундаларнинг хавфи нимада? Бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида бутунги қунда қандай ишлар олиб борилмоқда? Маҳсулотларни экспорт ва импорт қилишда қандай фитосанитар талаблар қўйилади?

Шу каби саволларимизга жавоб олиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўздавкарантин» инспекцияси етакчи инспектори Шухрат Кўчқоровга мурожаат қилдик.



Қандай маҳсулотлар карантин назоратига олинган?

— Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 29 январдаги «Ўзбекистон Республикаси ҳудудини ўсимликлар карантинидаги зарарли организмлардан химоя қилиш ва ўсимликлар карантини соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўттиш тартиби тўғрисида низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган ва

унинг ташқарисига олиб чиқиладиган 953 дона ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотлар рўйхатига киритилган, — дейди Ш.Кўчқоров. — Ушбу маҳсулотлар ўсимликлар карантини чегара масканларида фитосанитар текширув олиб борилади. Айниқса, ёкиб юборилган маҳсулотларнинг ҳуқуқий ҳолати бўлиши шарт.

Мамлакатимиз қонунчилигига биноан, юртимизга олиб кириладиган карантин остидаги маҳсулотлар зарарли организмлардан холи ҳамда карантин рухсатномаси ва фитосанитария сертификатларига эга бўлиши шарт.

Зараркундаларнинг хавфи нимада?

— Зараркунанда, касаллик ва бегона ўтлар боғ, сабзавот ва полив экинларининг ўсиб ривожланишига салбий таъсир

кўрсатади. Зарарли организмларга қарши ўз вақтида кураш чоралари олиб борилмаса, ҳосилдорлиқнинг катта қисми нобуд бўлади. Зараркунанда ҳашаротлар ичида «Шарк мева курти», «Калифорния калкандори», «Комсток курти», «Колорадо кўнгизи», «Цитрус инли куяси», «Цитрус окканоти», «Картошка куяси» ҳамда судралувчи қакра, амброзия, зарпечак каби ўтлар республикамизнинг айрим ҳудудларида учрайди ва карантин организм ҳисобланади. Улар тут, олма,

лаборатория текширувларида карантин организмлари билан зарарлангани аниқланса, белгиланган тартибда бир сутка ичида импортёр давлатга қайтариб юборилади ёки зарарсизлантириш ишлари амалга оширилади. Агар зарарсизлантиришнинг имкони бўлмаса, маҳсулот ёкиб йўқ қилинади.

Кўпроқ қайси мамлакатлардан кириб келмоқда?

— Ўтган йилда Ўзбекистон Республикасига Эрондан олиб қилинган цитрус ва киви меваларида бир неча марта зараркундалар аниқланди. Бундан ташқари, Туркия ва Италия давлатларидан импорт бўлиб келган манзарали кўчатлардан ҳар хил турдаги карантин организмлари топилди.

Хитойдан олиб келинган 3 миллион дона тут кўчати, Афғонистондан келтирилган 43 минг туп ҳар хил турдаги мевали дарахт кўчатлари, Корея давлатидан олиб келинган манзарали дарахт кўчати, Туркиядан келтирилган 90 тонна чигит маҳсулотларида ўсимликлар карантини учун зарарли ҳисобланган объектлар борлиги аниқланиб, белгиланган тартибда ёкиб йўқ қилинди.

Экспорт ва импортнинг фитосанитар талаблари қандай?

— Ўзбекистон Республикасига импорт бўлиб келаётган карантин остидаги маҳсулотларни белгиланган тартибда юртимиз ҳудудига олиб кириш ёки унинг ҳудудидан транзит

тарзда олиб чиқилишини тасдиқлайдиган Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси томонидан бериладиган ҳужжат — карантин рухсатномаси мавжуд бўлиши шарт. Шунингдек, чет давлатдан импорт бўлаётган маҳсулотда экспортёр давлатнинг фитосанитария сертификати бўлиши талаб этилади.

Чет давлатдан Ўзбекистон Республикасига олиб кирилиши режалаштирилган юқори фитосанитар хавфга эга бўлган — ёкиб, пайвандлаш, кўпайтириш учун мўлжалланган, қайта ишланмаган материаллар (кўчатлар, илдизлар, барглари, қаламчалар, уруғлар, туганаклар, пиезбошлар, илдизпоялар) «Ўсимликлар карантини тўғрисида»ги қонуннинг 29-моддасига биноан, карантин мутахассислари фитосанитар ҳолатини жойида ўрганиб, лаборатория текширувларини амалга оширади. Ҳулоса ижобий бўлса, республикамизга олиб кирилиши учун тавсия этилади.

Баъзи тадбиркорлар бу тизимдан беҳабар бўлгани сабабли шундай маҳсулотларни чегарага олиб келиб, биздан рухсатнома сўрайди. Лаборатория текширувидан ўтказилганда уларда карантин организмлари борлиги маълум бўлади. Айрим зараркундаларда аниқланаётган кўчатлар эса контрабанда йўли билан олиб келинмоқда.

Юртимиздан экспорт қилинадиган маҳсулотларга ҳам айнан шундай карантин талаблари қўйилади. Агар сўнгги икки йиллик натижаларни таҳлил қиладиган бўлсак, маҳсулотларимиз жаҳон бозорига тўлиқ фитосанитар тоза ҳолатда чиқарилмоқда.

Конвенция бизга нима беради?

— Олий Мажлис Сенатининг йигирма бешинчи ялпи мажлисида «Ўсимликлар карантини ва химояси бўйича халқаро конвенцияга (Рим, 1951 йил 6 декабрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни маъқуланган эди. 2019 йилнинг 23 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти мазкур Қонунни имзолади.

Ўзбекистон Республикасининг мазкур Конвенцияга қўшилиши мамлакатда фитосанитария хавфсизлигини мустаҳкамлаш ҳамда республиканинг экспорт салоҳиятини кучайтиришга хизмат қилади. Шу билан бирга, Ўзбекистон кишлқ хўжалиги маҳсулоти экспорт учун чет эл бозорларига чиқиш тартиб-таомиллини оsonлаштиради. Миллий стандартларни халқаро стандартлар билан уйғунлаштиради, натижада мамлакатларда фитосанитария соҳасидаги барча ҳужжатлар тан олинади ва Ўзбекистондан маҳсулот экспорт қилишда қўшимча шартлар ўрнатилишининг олдини олади.

Шахноза РАХИМХЎЖАЕВА
«Mahalla»

Электрон тижоратда ҳам истеъмолчилар ҳуқуқлари химоя қилинадиган бўлади.

Қор ёғса ҳам излар босилмайди...

ФАРҒОНА ШАҲРИДАГИ КЎП ҚАВАТЛИ УЙЛАРДА КУЗ-ҚИШ МАВСУМИ БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛГАН ИШЛАР ЮЗАСИДАН АМАЛГА ОШИРИЛГАН ВАЗИФАЛАР ТАҲЛИЛИГА НАЗАР ТАШЛАСАК, ЕЧИМИНИ КУТАЁТГАН КЎПЛАБ МУАММОЛАР БОРЛИГИ ОЙДИНЛАШДИ

Январь ойининг дастлабки ўн кунлигида бўлган ёғингарчилик, совуқ об-ҳаво Фарғона шаҳар «Машғал» маҳалла фуқаролар йиғинида умргузаронлик қилаётган аҳоли ҳаёт тарзида ўзига хос муаммоларни келтириб чиқарди.

Гап шундаки, мана, бир неча йилдирки, иссиқ сув, иссиқлик тизимидан мосуво бўлган аҳоли куз-қиш тараддуди билан боғлиқ масалаларда турли идора эшикларини қоқиб чарчади. Ҳолбуки, ушбу маҳаллада «Обод маҳалла» дастури доирасида олиб борилган ободонлаштириш жараёнида куз-қиш мавсуми учун энг керакли бўлган иссиқ сув, иссиқлик билан таъминлаш чоралари кўзда тутилмагани муаммолар кўламини кенгайтirmoқда.

«Мутасаддилар баҳонадан нарига ўтишмайди»

— Маҳалламизда куз-қиш мавсуми юзасидан амалга оширилган ишлар билан мақтана олмаймиз, — дейди «Машғал» маҳалла фуқаролар йиғини масъул котиби Насибхон Султонова. — Инкор этмаймиз, дастур бўйича бир мунча ишлар бажарилди. Хусусан, 16 та кўп қаватли уйнинг фасад қисми таъмирланди, Фаробий кўчасига 1000 метр масофада тоза ичимлик суви тортилди, 12 та трансформатор мукамал таъмирдан чиқарилди. Лекин бу мавсумни кўнгулдагидек ўтказиш имконини бераётгани йўқ. Айни кунда маҳалламиздаги 20 та кўп қаватли уйнинг том қисми, 60 та кириш йўлагига темир эшиклар ўрнатилиш, 36 та симёгончи алмаштирилиш, 500 метр масофада гул ва дарактзорлар барпо этиш, сув ва оқова сув таъминотини яхшилаш юзасидан белгиланган чора-тадбирлар поёнига етгани йўқ. 1200 метр электр, 0,6 км. табиий газ тармоғини таъмирлаш ишлари ҳам ўз ечимини кутиб турибди. Мустақиллик, Фаробий, Б.Марғиновий, Сайёҳ, Қомус, Аҳмад Фарғоний кўчаларида жойлашган кўп қаватли уйларида яшовчилар бир неча йилдирки, тоза ичимлик суви, табиий газ босимининг наслигидан холишмади. Бу борада мутасаддиларга бир неча бор мурожаат қилдик. Улар муаммоларни бартараф этишга жуда кўп вақадлар берди, лекин амалий ишга келганда, турфа баҳоналардан нарига ўтишмайди. Аҳоли эса биздан мадад сўрайди.

Мурожаатлар қамайд, бироқ...

Фарғона шаҳрида иктисодиёт тармоқлари ва ижтимоий

соҳа объектларини куз-қиш мавсумига ҳозирлаш билан боғлиқ амалга оширилган ишлар кўламинан кўз юмиб бўлмайди. Шу кунга қадар бу ишлар учун 5 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди. Натижада таъмирга муҳтож бўлган 401 та кўп қаватли уйнинг 362 тасида амалий ишлар бажарилди. Жумладан, уйларнинг том қисми, кириш йўлакларини мукамал ва жорий таъмирлаш, темир эшик, қулфлар ўрнатиш, лифтларни созлаш, электр жиҳозлари, иссиқлик қувурлари, ертўла қисмидаги муҳандислик коммуникацияларини созлаш, болалар майдончалари қуриш, ноқонуний қуриilmаларни бузиш, видеокүзатув ва кўча ёритиш мосламаларини ўрнатиш сингари аҳоли қунадилик ҳаёт тарзи учун муҳим бўлган шарт-шароитларни яратишга алоҳида эътибор қаратилди.

— Ёмшир ёки қор ёғса, ҳадиксираб, қаердан, қандай эътироз келишини кутиб ўтирар эдик, — дейди Фарғона шаҳар уй-жой коммунал хизмати кўрсатиш бўлими бош мутахассиси Азамат Собиров. — Эндиликда аҳоли билан олиб борилган юзма-юз мулоқот ва учрашувларда куз-қиш тараддуди билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратилаётгани муаммоларни эрта аниқлаш ва бартараф этиш имконини бермоқда. Шу кунга қадар куз-қиш мавсуми билан боғлиқ масалалар юзасидан 600 дан ортиқ аҳоли мурожаати ўрганилиб, ижобий ҳал этилди. Аммо бу — мавсум билан боғлиқ қунадилик масалалар буткул бартараф этилмоқда, дегани эмас. Ҳозирда ҳам кўп қаватли уйларнинг том қисмининг таъмирлаш, иссиқлик наслигининг наслиги, иссиқ сув таъминоти билан боғлиқ масалаларда кўплаб мурожаатлар бўлмоқда. Асосий эътибор ана шу мурожаатларни жойида ҳал этиш, мавсум муаммоларга ўз вақтида ечим топишга қаратилган. Таъкидлаш лозим, «Машғал» маҳалласи марказлашган иссиқлик тизимидан узилганга бир неча йил бўлди. Бугунги кунда аҳоли яшаш хоналарини иситиш учун, асосан, табиий газ тармоқларидан фойдаланади. Бу эса, ўз навбатида, табиий газ босимининг



пасайишига олиб келмоқда. Мавсум муаммоларни бартараф этиш мақсадида жорий йил шаҳардаги кўп қаватли уйлар учун локал қозонхоналар қуриш режалаштирилмоқда. Бу эса нафақат иссиқлик, балки тоза ичимлик суви билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш имконини ҳам беради.

Лифт бир кун ишласа...

Куз-қиш мавсуми билан боғлиқ бўлган ишлар юзасидан амалга оширилган вазифалар таҳлилига назар ташласак, ечимини кутаётган кўплаб муаммолар борлиги ойдинлашди. Энг оғирлиқ масалалардан

барча «юк» фақат юқори қаватда яшаётган аҳоли зиммасига тушади. Бу эса лифтдан фойдаланиш «хизмати»ни қимматлаштирмоқда. Худуди-миздаги 9-кўп қаватли турар-жойга ўрнатилган лифтнинг ишга туширилганига қирқ йил бўляпти. Эскирган жиҳозларни эса таъмирлашнинг иложи бўлмай қолди. Лифт бир кун ишласа, бир ой ишламайди. Чунки уни соловчи, техник хизмат кўрсатувчи жўяли ташилотнинг ўзи йўқ. Қолаверса, унга керакли эҳтиёт қисмлари топиш ҳам амри-малол. Вилоятда бундай эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарувчи бирорта тармоқ йўқ. Қолаверса, лифтлар фаолиятини назорат қилиш, таъмирловчи мутахассисларнинг этишмаслиги ҳам муаммолар кўламини кенгайтirmoқда. Қурилма бузилса, пойтахтдан мутахассисларни ешолб этишга мажбур бўлямиз. Натижада хизмат кўрсатиш харажатлари ортиб кетмоқда. Мазкур масала юзасидан тегишли ташилотларга мурожаат қилиб, керак бўлса, ўзимиз бу соҳада билгим ва малака оширишга тайёргилимизни билдирдик. Аммо амалий ишга келганда ҳамма ўзини четга олади.

Кимни алдаяпмиз?

Кўп қаватли уй-жойларни куз-қиш мавсумига ҳозирлаш, бу борада амалга оширилган ишларни таҳлил ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳузуридаги кўп хонадонли уй-жой фондидан фойдаланишни назорат қилиш виллоят ҳудудий инспекцияси томонидан амалга оширилиб келинмоқда. Инспекциянинг асосий вазифалари этиб, кўп хонали уй-жой фондидан фойдаланиш, унинг сакланиши, таъмирланиши, бу мақсадлар учун олинган имтиёзли кредитлардан ўринали фойдаланиши, аҳолидан йиғилган мажбурий бадалларни мақсадли ишлати-

лиши билан боғлиқ ишларни назорат қилиб бориш белгиланган.

Фарғона шаҳридаги «Икбол-жон бунёдкор сервис» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати тасарруфидаги 8 та кўп қаватли уйни таъмирлаш учун 200 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди ва бу маблағлар пудратчи ташилот «SITI HOUSE» хусусий корхонаси ҳисоб рақамига ўтказиб берилди. Олиб борилган ўрганишлар натижасига кўра, пудратчи ташилот томонидан ҳозирга қадар таъмирлаш ишлари бажарилмагани аниқланди. «Ахунова Зилола Шукуровна» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати ҳам тасарруфидаги 12 та уй-жойни таъмирлаш учун 208 миллион сўм имтиёзли сармоя олган, бироқ таъмирлаш ишларини олиб борган пудратчи — «Таъмирлаш-тиклаш хизмати» ДУК 1-сонли филиали хусусий корхонаси эса 16 миллион сўмлик амалга оширилмаган ишларни бажарилган ишлар ҳамжамига қўшиб ёзгани аниқланди.

— Шу кунга қадар 614 та уй-жой фондидан ўрганишлар ўтказилиб, 502 та кўп қаватли уйда таъмирлаш ишлари поёнига етказилгани ва 112 та уй-жойда таъмирлаш ишлари олиб борилаётгани аниқланди, — дейди Кўп хонадонли уй-жой фондидан фойдаланишнинг назорат қилиш виллоят ҳудудий инспекцияси бошлиғи А.Эрдонов. — Лекин ҳамма жойида ҳам амалга оширилган ишлар сифати белгиланган талабларга мувофиқ эмас. Инспекция томонидан олиб борилган амалий ўрганишлар давомида 12 та хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати қурилиш-таъмирлаш ишларини қўшиб ёзиш ва мулкдорлардан йиғилган маблағларни мақсадсиз сарфланганини аниқланди. 2019 йил ҳолатига кўра, уй-жой фонди, унга туташ ҳудудларни саклаш ва фойдаланиш қоидаларини бузган 112 та ҳолат юзасидан 26 миллион сўмдан ортиқ маъмурий жарималар қўлланилди.

Мақолаги тайёрлаш жараёнида Фарғона шаҳар уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бўлими иш фаолияти билан боғлиқ манзарага гувоҳ бўлиб, «Бўзчи белбоққа ёлчимабди» деган пурхикмат нақл эсга келди. Чунки совуқ, етарли иситиш тизимига эга бўлмаган, мослашган бинода, иссиқ кийимларга ўраниб олиб, бир амаллаб «жон» саклаётган мутахассислар аҳолига ачиндим.

Расул КАМОЛ
«Mahalla»

Савдо-саноат палатасига аъзолик қайси тадбиркорлар учун ихтиёрий экани аниқ белгиланади.

ҚАБР УЧУН ТЎЛОВ: нега ҳоким қарори лойиҳаси салбий қабул қилинди?

Ўлим ҳаммининг бошида бор. Одамни сўнгги манзилга кузатиш — жиддий жараён. Миллий қонунчилигимизда эса бундай жараёнлар, хусусан, дафн ишлари тегишли ҳуқуқий меъёrlар билан тартибга солинади. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида» ги қонунига мувофиқ, мамлакатимиз ҳудудидида ҳар бир инсонга унинг ўлимидан кейин жасадини дафн этиш учун жойини текин бериш кафолатланган. Шу ўринда юртимизда дафн ишлари билан шуғулланувчи давлат ташкилотлари ҳам фаолият юритишнинг таъкидлаш жоиз. Яқинда Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан тайёрланиб муҳокама учун қўйилган «Тошкент шаҳри қабристонларида гўр қазииш ва маросим хизматлари учун пуллик хизматлар кўрсатиш тарифларини белгилаш тўғрисида» ги қарор лойиҳаси ижтимоий тармоқларда турли тушунмовчиликларни келтириб чиқарди. Аксарият кишилар мазкур қарорни салбий қабул қилди, муҳокама-ларда киноя, пичинг, кесатиқ, кулги авж олди. Табиийки, қатор саволлар ҳам юзага қалқди.

Хўш, ҳокимлар бундай қарорларни қабул қилиш ваколатига эгами? Мазкур лойиҳа нима мақсадда ишлаб чиқилди? Гўр қазииш учун белгиланган тарифлар нималарга асосланган? Жумладан, мусулмонча қатта қабр учун 115 минг, бошқа дин вакилларига айни кўрсаткич 90 минг этиб белгиланишида қандай жиҳат эътиборга олинган? Мақолада шу каби саволлар борасида фикр юритишнинг лозим топдиқ.

Бундай тарифлар юртимизнинг барча ҳудудларида мавжуд — «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида» ги қонуннинг 6-моддасига мувофиқ, ҳокимлар ўз ваколатлари доирасида тегишли ҳудуддаги барча ташкилотлар ва аҳоли учун мажбурий бўлган қарорлар қабул қилишлари мумкин, — дейди **Адлия вазирлиги Жамоатчилик билан алоқалар бўлими бошлиғи Севара ЎРИНБОЕВА**. — Бундай тусдаги қарорлар лойиҳалари ҳудудий адлия органлари томонидан ҳуқуқий экспертизадан ўтказилади. Муҳокамага сабаб бўлаётган лойиҳада назарда тутилган ижтимоий муносабатни тартибга солиш ҳокимликлар зиммасига юкланган. Хў-

Гўр қазииш ва маросим хизматларидан тушган маблағлар қандай мақсадларга йўналтирилади?

сусан, ҳукуматнинг 2011 йил 4 апрелдаги қарори билан тасдиқланган Дафн этиш жойларини сақлаш, улардан фойдаланиш ва қабр усти ёдгорликларини ўрнатиш тартиби тўғрисидаги низомида гўр қазииш ва маросим хизматлари учун пулли хизматлар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан белгиланган тарифлар бўйича амалга оширилиши қайд этилган.


Унутмаслик керакки, қабристонларни ободонлаштириш, мукамал ва жорий таъмирлаш, уларни зарур даражада сақлаш маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади, қабр қазииш ва маросим хизматлари бўйича ишчилар пулли хизматлардан тушган маблағлар ҳисобидан ойлик олишади.

Айни пайтда барча ҳудудларда дафн этиш жойларидаги хизматлар ҳақи микдори тегишли вилоят ҳокими қарори билан тасдиқланган тарифлар бўйича ундирилади. Масалан, Самарқанд вилояти ҳокимининг 2019 йил 13 августдаги 213-қ-сон қарорига мувофиқ, қатта ўлчамда мусулмонча қабр қазииш учун 84 964 сўм пул ундирилиши назарда тутилган. Тошкент шаҳар ҳокимининг 2018 йил 3 майдаги қарорига асосан, қатта ўлчамда мусулмонча қабр қазииш учун 92 000 сўм микдорда пул ундирилиши белгиланган.

Гўрков қанча маош олади?

— Тошкент шаҳар ҳокимининг ушбу қарори лойиҳасини тайёрлашда тегишли мутахассислар маъсуд ҳолатини ҳар тарафлама ўрганиб чиқиди, — дейди **Тошкент шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармаси Фуқароларга хизмат кўрсатиш бошқармаси раҳбари ўринбосари Абдумалик АБДУРАХИМОВ**. — Яъни мазкур тарифлар ҳалқимизнинг имкониятларини ҳисобга олиб белгиланган. Илгари ҳам шундай қарорлар қабул қилинган, аммо у пайтларда одамлар бугунгидек кескин муносабат билдирмаганди. Ҳозир ижтимоий тармоқларнинг аммалашиб кетгани боис ахборот тез тарқалиб, айрим ҳолатларда фикрлар ўзани салбий томонда бурилиб кетмоқда.

Содда қилиб тушунтирадиган бўлсак, қабр қазииш ва маросим хизматлари бўйича ишчилар — яъни бизнинг ҳодимларимиз пулли хизматлардан тушган маблағлар ҳисобидан ойлик



олишади. Биз узоқ йиллардан бери нархларни барқарор ушлаб тургандик. Президент қарори билан ўтган йилларда бир неча марта ойлик иш ҳақлари оширилди, аммо биз ҳодимларимиз ойлигини оширолмаётгандик. Бугунги кунда гўрковлар ўртача 600 минг сўм маош олади. Бундай ойлик рўзгор тебратиш учун етарлими, деган саволга ҳаммининг жавоби бир хил бўлса керак — йўқ! Ҳодимларимизнинг шароитини яхшилаш ҳар бир иш берувчи каби бизнинг ҳам бурчимиз. Президент қарори билан февраль ойидан ойликлар оширилаётди. Демак, зарур хомашёлар нархлари ҳам ўсади. Шу нуқтан назардан, хизмат кўрсатиш тарифларини янгидан кўриб чиқишга зарурат туғилди. Олдий мисол, илгари ўзга динга мансуб кишилар тобутини тайёрлаш 700-800 минг сўмга тушган бўлса, ҳозир 2 миллион — 2,5 миллион сўмга тушапти, ёқилғи, цемент, арматура, гишт нархлари ҳам ошган. Аникроғи, биз зиёнига ишляпмиз.

Тарифлар олдиндан бор. Қамида 10 йилдан бери бизда гўр қазииш тарифлари жорий этилган. Сир эмас, гўрковни одамлар рози қилишади, белгиланган суммани эса шу пайтгача гўрковлар тўлаб келишган. Буни улар ўзларига олиб қолишолмасди, негаки, қабрлар рақамланади, ҳисоб-китоби юритилади, нечта қабр қазилгани қайд этиб борилади. Топширилган суммадан ҳодимларга ойлик чиқарилади.

Нега мусулмонча қабр қазииш тўлови қиммат?

Мусулмонча қабр кўп меҳнат талаб қилади. Айвон ва лаҳад қисми бор, бошқа динга мансубларнинг қабрини қовлаш осон. Тез битида. Шу ўринда одамлар орасида асосан хавотирга сабаб бўлаётган масалага ҳам ойдинлик киритсак, мақсадга мувофиқ бўларди. Яъни Тошкент шаҳри қабристонларида жой қолмабди, деган мишлар ҳалқ орасида турли

тушунмовчиликлар келтириб чиқармоқда. Ҳатто бу ҳол коррупция билан ҳам боғланаётди. Аммо бу нотўғри маълумот. Тўғри, «Қамолон», «Кўкча», «Минор» каби қабристонлар деярли тўлди. Аммо бир қабрда ётган марҳумнинг қариндошлари розилиги билан 10 йилдан сўнг ҳудди шу жойга иккинчи майитни қўйиш мумкин. Бу ҳол фақатгина қариндош-уруғлар ўртасида юз беради, албатта. Шундай экан, ер тақчил деган гаплар ҳақиқатдан йироқ.

Биз қабр қазииш билан чекланмаймиз...

А.Абдурахимовнинг билдиришича, Фуқароларга хизмат кўрсатиш бошқармаси ҳодимлари қабр қазиишдан ташқари, бошқа динга мансуб кишилар тобутини тайёрлаш, рақамли устунчалар ясаб, ўрнатиш, қабрлар ҳисобини юритиш каби юмушларни ҳам бажаради.

— Ёдгорлик тайёрлайдиган цехимиз ҳам бор, — дейди **А.Абдурахимов**. — Ҳодимларимиз бошқа динга мансуб кишиларнинг дафн маросимлари учун гулчамбарлар ҳозирлашади. «Гули сиёҳ» деган хизмат турлимиз орқали мусулмонлар учун кафанлик тайёрлаш, майитни ювиш ва сўнгги йўлга кузатиш, қисқаси, дафн билан боғлиқ барча расм-русумлар амалга оширилади. Бунинг учун барча зарур жисҳозларга эгамиз. Жумладан, 4 та махсус транспортимиз бор, биз давлат ташкилоти ҳисобланамиз.

Шу ўринда бир мулоҳазани қайд этишни истардик, айни пайтда дафн маросимларида хизмат қилувчи махсус машиналарга эга хусусий тadbиркорлар ҳам кўпайиб бормоқда. Аммо бундай хизматлар махсус қондаларни талаб қилади. Яъни ҳар бир жанозадан кейин машиналар дезинфекция қилиниши керак. Қолаверса, бошқармада фаолияти, дафн хизматлари билан боғлиқ нарх-наво давлатимиз томонидан назорат қилиниб, барқарорлаштирилиб туради. Хусусий фирмалар нархларни ўзлари мустақил

белгилашади. Оқибатда мусибат тушган хонадонга яна қўшимча заҳмат юкланади. Бундан ташқари, вазирамиз бўлган — дафн ишларини назорат қилиш ишларида қийинчиликлар туғилади. Аввалоси, бундай мусибатни ҳеч кимга тиламаймиз, ҳар бир фуқаро узоқ умр кўрсин, аммо ҳаёт бор жойда ўлим борлигини инобатга олиб, дафн хизматларига эҳтиёж туғилганда ҳалқимизга енгиллик ҳаля этувчи бошқармамиз борлигини ёддан чиқармасликни юртдошларимиздан сўрардик.

Қабр қовлаш учун ҳақ олиш динимизда жоизми?

Мукаддас динимиз исломда инсон ҳуқуқлари нафақат ижтимоий ҳаёда, балки вафотидан кейин ҳам ҳимоя қилинади. Вафот этган инсоннинг ҳам ўзига яраша ҳақ-ҳуқуқлари бўлади. Улардан асосийлари — майитнинг тириклар зиммасидаги ҳақларидир.

— Инсон вафот этгач, мусулмонларнинг зиммасига марҳумнинг тўртта ҳақ вожиб бўлади ва булар фарқи қийф деб аталади, — дейди **пойтахтимиздаги Абу Хўрайра жоме масжиди имом-хатиби Муҳиддин НЎЪМОНЖОНОВ**.

— Яъни маълум мусулмон кишилар бу ҳақларни бажарса, бошқалардан соқитлашади. Аммо ушбу ҳақларни ҳеч ким адо қилмаса, барча бирдек гуноҳкор бўлади. Майитнинг тириклар устидаги ҳақлари қуйидагилар: ювиш, кафанлаш, жаноза ўқиш ва дафн қилинир.

Буларни адо этиш тириклар зиммасидаги бурч ҳисобланади.

Юқорида санаб ўтилган ишлар, аввало, марҳумнинг қолдирган мероси ҳисобидан, яъни мероснинг учдан бир қисмидан амалга оширилади. Майитни ювиш, кафанлаш, унга жаноза ўқиш ва қабр қовлаш учун ҳақ олиш жоиздир. Аллоудин ал-Косоний ўзининг «Бадоеъ асасаноеъ фи тартиб аш-шароеъ» китобида «Жумхур уламолар қабр қовлаш учун ҳақ олиш жоиз эканига иттифоқ қилиш» дейди. Лекин қабр қовлаш учун муайян бир микдорни белгилаб олиш жоиз эмас.

Миср диёри собик муфтийси Шайх Абдурахмон Қурроъа айтди: «Шариат кўрсатмасига биноан, мерос молидан, аввало, майитни дафн этишга хозирлаш ва кафанлаш учун сарфланиши, бунда ҳалдан ташқари исрофга ҳам, зикналикка ҳам йўл қўйилмаслик лозим».

Инсон бор экан, дафн ва дағнага оид маросимлари тўғри ўқазииш, бу борадаги исломий меъёrlарни ҳаётга таъбиқ этиш доимо унинг зиммасидаги вазифа бўлиб қолаверади. Афсуски, дафн маросимларига оид шаръий ҳукм ва кўрсатмалар билан бу борада жамиятимиздаги мавжуд ҳолат ўртасида сезиларли тафовут бор. Бу эса ушбу мавзуга жиддий эътибор бериш лозимлигини таъқозо қилади.

Юлдуз ХОЖИЕВА
«Mahalla»

Экология қўмитаси атмосферани энг кўп заҳарлаётган корхоналар номини маълум қилди.

КИТОБ НАРХИ ОШСА, КИТОБХОНЛИК ТАРҒИБОТИ САМАРА БЕРАДИМИ?

КИТОБ САВДОСИ
НОН ЁКИ ГЎШТНИНГ
БОЗОРИГА ЎХШАМАЙДИ.
ШУНДАЙ ЭКАН,
ХАЛҚИМИЗНИ БУ
БОЗОРНИНГ ДОИМИЙ
ХАРИДОРИГА
АЙЛАНТИРИШ ЗАРУР



Кейинги йилларда юртимизда китобхонликка катта эътибор қаратилди. Ҳатто энг яхши китобхонларга машина совға қилиняпти. Турли даражадаги раҳбарларнинг ўзлари ўқиган мактабларга китоб совға қилиши ҳам анъанага айланди. Бу ишлардан ҳақли равишда қувонамиз. Бироқ янги таҳрирдаги Солиқ кодексида айрим турдаги ташкилотларнинг, жумладан, ноширлик ва матбаа корхоналарининг даромад солиғи миқдори 12 фоиздан 15 фоизга ошгани, ҚҚС бўйича имтиёзларнинг бекор қилингани кенг муҳокамаларга сабаб бўлди.

Хусусан, бир гуруҳ зиёлилар, айниқса, ноширлар бундай ўзгариш китоб маҳсулотларининг нархига салбий таъсир қилишидан ташвишланиётганини билдирапти. Хўш, аслида ҳам шундайми? Наҳотки, эзгуликни, халқимиз фаровонлигини ўйлаб қабул қилинган ўзгаришлар маънавий ҳаётимизга акс таъсир этса?!

Китоб савдоси мақтангулик ҳолатда эмас!

— Янги Солиқ кодекси билан 2020 йилнинг апрель ойидан бошлаб матбаа, нашириёт ва китоб савдоси хизматлари учун 15 фоиз миқдорда ҚҚС тўланадиган бўлди, — дейди «Академнашр» нашириёт директори Санжар Назаров. — Ваҳоланки, шу вақтгача ҳам нашир учун зарур хомашёлар: қоғоз, бўёқ ва ҳоказолар учун ҳам ҚҚС тўланар эди. Қолаверса, корхоналарнинг даромад солиғи миқдори 12 фоиздан 15 фоизга ошди. Бу ўз-ўзидан китобларнинг нархига ҳам таъсир қилади. Аҳолининг тўлов қобилияти, харид қувватини ошириш зарур бўлган шароитда бу ўзгаришнинг оқибатини тасаввур қилишни ҳам хоҳламадим. Шундоғам зўра елкасидан нафас олиб турган соҳа бу қийинчиликлардан сўнг, севишли фойласуфимиз таъбири билан айтганда: «Ўл-маса, аниқ кучлироқ бўлиб қад ростилайди».

Агар жорий этилаётган янгилик сабабли китоб нархи ошиши рост бўлса, бу канчалик ташвишланарли? Бугун китоблар нархи халқимизни қониқтирадими?

— ҚҚСнинг 15 фоизга ошиши китоб нархини тахминан 10 фоизга қimmatлаштиришига сабаб бўлади, — дейди «Фан» нашириёти давлат корхонаси бош директори Элёр Муродов. — Бу ўзгариш китоб савдосига сезиларли таъсир қилади. Очиги, шундоқ ҳам китоб савдоси мақтангулик ҳолатда эмас! Бунинг бир неча сабаблари бор. Маълумотларга кўра, АҚШнинг Бруклин шаҳрида жаҳон адабиётининг дурдона асарларини 1 доллар эвазига сотиб олиш мумкин экан. Бизда ҳам китоб нархини аҳоли даромадига мослаш керак, менимча.

Ҳозиргидек, кескин глобаллашув даврида ёшларни китобга қизиқтириш осон эмас. Аммо китобга дўст тутиномқчи бўлганлар учун қулай шарт-шароит бўлмаса, уларни китоб қаршида узок ушлаб туролмаймиз. Масаланинг яна бир ўйлантирадиган жиҳати — ношир ва ўқувчи ўртасидаги «учинчи одам» билан боғлиқ.

— Китоб савдоси билан шугулланадиган айрим тадбиркорларимиз кўпроқ фойда олиш учун инсофни унутиб қўймоқда, — дейди Э.Муродов. — Яқинда китоб дўконларини томоша қилаётиб, бунинг гувоҳи бўлдим. Нашириётимизда бир донаси 12 минг сўмдан сотилган китобни растага 28 минг сўм нархда чиқаришган! Энг қизиғи, улар бу савдо учун таваккал қилиб пул тикмаган. Яъни шартнома бўйича китоблар сотилгач, ҳақини тўлаб беради. Уларга бу ҳақида айтсам, харидор камлиги, савдо растаси учун ижара ҳақининг қimmatлигини рўқач қилибди. Албатта, бундай вазеларни

истаганча айтиш мумкин, лекин халқимизнинг: «Инсоф сари барака» деган нақлини ҳам унутмаслик керак-да.

Дарҳақиқат, китоб савдоси нон ёки гўштнинг бозорига ўхшамайди. Шу боис халқимизни бу бозорнинг доимий харидорига айлантиришимиз зарур. Бунинг учун ноширлар ҳам, китоб рас-тасининг эгалари ҳам бирдек жонбозлик кўрсатиши лозим. Ана шу жонқуярлик учун эса зарур шароит яратилиши керак. Агар ноширлар айтганидек, ҚҚСнинг янги тарифи сабаб китоб маҳсулотларининг нархи қimmatлашса, мутлоага қилаётган давлатларимиз канчалик наф беради?

Қандай йўл тутиш керак?

— 2018 йилгача деярли барча корхоналар ягона солиқ режимида фаолият олиб борган, — дейди мустақил эксперт, «Islamic Business and Finance» МЧЖ молия менежери Музаффар Ҳуснидидов. — Яъни корхонанинг харажатлари қандай бўлишдан қатъи назар, даромаддан (жами тушум, фойда билан чалкаштирилмасин) 4 фоиз солиқ тўланган. Шунингдек, бундай корхоналар агар ҚҚС билан хомашё сотиб олса, бу маҳсулот (китоб) таннархига киритилган. Агар корхоналарнинг даромади 1 миллиард сўмдан ошмаса, ҳозирда ҳам ягона солиқ режимида ишлайверади.

Бундай режим корхоналарнинг ҳисоб-китоблари учун қулай — ҳисоб-китоб содда ва осон, лекин бу иқтисодий жиҳатдан унчалик самарадор эмас. Ҳозир мамлакатимизда умум-белгиланган солиқ режими рағбатлантириляпти. Бу режимда ҳисоб-китоб бироз мураккаб, лекин ягона солиқдан самарадор, иқтисодиётни хомашё иқтисодидан чуқур ишлаб

чиқаришга ўтказишга хизмат қиладиган, тўғри қўлланилса, маҳсулот таннархи арзон чиқиши мумкин бўлган режим ҳисобланади. Иқтисодиётда бунинг самарадорлигини кўриш учун ҳўжалик фаолиятидаги барча корхоналар ҚҚС тўловчиси бўлиши зарур, яъни маҳсулот харидорга етиб боргунгача бўлган барча корхоналар ҚҚС тўловчиси бўлсагина, унинг самараси юқори бўлади.

Шундан келиб чиқиб айтиш керакки, агар нашириётлар умумбелгиланган солиқ режимида фаолият олиб борса, ҚҚС китоб нархини оширмайди. Фақат қўшилган қийматдан 15 фоиз қimmatлайди, яъни китоб таннархи хомашёнинг улушига қараб баъзи ҳолларда 3-4 фоиз ошиши мумкин, баъзи ҳолларда эса 5-10 фоиз арзонроққа тушиши ҳам мумкин. Қолаверса, хомашё (қоғоз, бўёқ) ёки ускуналар сотиб олинганда тўланган ҚҚС корхонанинг солиқ мажбуриятини қамайтиради. Ягона солиқ режимида буларнинг барчаси таннархга таъсир қилган.

Китоб дўконлари ҳам ҚҚС тўлаши керак

— Айни вазиятда китоб ўқувчига етиб борадиган барча иштирокчилар ҚҚС тўлаш ва умумбелгиланган солиқлар режимида ўтишни таҳлил қилиб қўриши керак, — дейди М.Ҳуснидидов. — Масалан, китоб дўкони ягона солиқ тўловчи режимида ишласа, ҚҚС таннархга қўшилиб, китоблар нархини фақат қimmatлаштирилади. Аксинча ҚҚС тўловчиси бўлган дўкон таннархини анча қамайтириши ва рақобатчиларига нисбатан фойда билан ишлаши мумкин. Бунинг учун нашириётлар, китоб дўкони эгалари, соҳа мутасаддилари малакали солиқ маслаҳатчилар, молиявий таҳлилчилар билан фикрлашиши, солиқларни оптималлаштириш ишларини

ДАРВОҚЕ...

Темур ИСМОИЛОВ,
Давлат солиқ қўмитаси-
нинг бошқарма бошлиғи:
— Янги таҳрирдаги Солиқ
кодексини ишлаб чиқишда
хорижлик мутахассислар бил-
лан маслаҳатлашдик. Улар у
ёки бу соҳани қўллаб-қувват-
лаш лозим бўлса, солиқ им-
тиёзларини бермай, ёрдамни
бюджетдан пул (субсидия)
кўринишида бериш мақсадга
мувофиқ, дея таъкидлади.
Бу дунё иқтисодиёти тажри-
басидан келиб чиқиб, ҳаётга
татбиқ этилаётган жараён.
Чунки турли имтиёзлар ва
ставкаларнинг ҳар қиллиги
солиқ маъмуричилигини
қийинлаштириб юборади ва
турли тушунмовчиликларга
сабаб бўлади.

амалга оширишлари лозим.
Давлат томонидан китоб-
хонликни тарғиб қилиш учун,
албатта, солиқ имтиёзлари
берилиши айни мудоао бўлар
эди. Аммо имтиёзлар бўлмаган
шароитда юқорида қайд этил-
ган таҳлил асосида иш юри-
тиш фойдадан холи бўлмайди.

Хулоса ўрнида

Анча йиллар давомида китобхонлик миллий матбуотимизнинг бош мавзусига айланди. Вакт ўтган сари бу мавзу шу даражада оҳорини йўқотдики, газетанинг навбатдаги наشري учун мақола топа олмаган журналист китобхонлик ҳақидаги «қимматли» фикрини қоғозга туширадиган бўлиб қолди. Ҳа, биз учун китобхонлик эскирмас ва ўзгармас мавзу эди, гўё. Айни дамда бу чиқишларнинг ҳеч бир самараси йўқ эди.

Лекин давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 12 январдаги «Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутлоаси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида»ги фармойиши эълон қилинган, китобхонликка муносабат тубдан ўзгарди. Бирок ана шу ижобий ўзгаришлар ўз самарасини тўла намоён этиб улгурмасдан ҚҚСнинг китоб маҳсулотлари нархига таъсири ҳақидаги гаплар кишини ўйга толдиради. Айни дамда бу чуқур ўйлашни, малакали мутахассисларнинг таҳлилини талаб этидиган жараён экани ҳам сир эмас.

Демак, масъул шахслар, халқимизнинг зиёлилари маълум мавзуга бефарқ бўлмасликлари шарт. Зеро, халқимизни юрт раҳбари айтганидек, китобхон халқка айлантириш учун танловлар ва тарғиботларнинг ўзи етарли эмас.

Боборавшан ҒОЗИДДИНОВ
«Mahalla»

Ўзбекистоннинг ҳар бир ҳудудига «Ёшлар технопарки» ташкил этилади.

Созимни қўлга олиб, баланд тоғнинг қорли чўққисига термулиб, ўтар-кетар дунё қувончу ғамин кўнглимга жамлаб, буларнинг барчасидан ўзимча ҳикмат излаб ўтирган вақтимда рўпарамдан чиқдингиз. Келинг, энди бир муддат суҳбат қилсак.

АГАР БАХШИ НАФСИ УЧУН КУЙЛАСА, ЧИН ҚАДРИЯТЛАР УНУТИЛАДИ

БАХШИЛИК КАСБ ҲАМ, ҲУНАР ҲАМ ЭМАС! У —
ШОИРЛИК! ЭЛ ДАРДИНИ АЙТИШ ДЕГАНИ. БАХШИ
ЁЛҒОНГА ЎРГАНСА, ЎТАР ДУНЁНИ ҲАҚИҚАТГА
АЛМАШСА, УНИНГ СЎЗИДАН СЕҲР ҚОЧАДИ

Авалло, гапни ўзимдан бошласам. Мен ҳали бу ёруғ дунёни кўрмасимдан отамнинг тушига назаркарда (изоҳ: Худонинг назари тушган) нуруний киради. У зоти муборақ отамга яқинда ўғил фарзандли бўлишини, унинг исмини «Бахшиқул» қўйишини айтади. Шундай қилиб, тақдир мен туғилишимдан аввал исминини ота-онамга тортиқ этади. Бу исмининг маъносини излаб китоб варакладим. Унда: «Бахшиқул» исми «Аллоҳнинг инъоми, тухфаси бўлган қул» деган маъноларни англатиши ёзилган экан.

Қандай қилиб бахши бўлиш мумкин?

Одам қандай қилиб бахши бўлиши ҳақида фикр айтиш мушкул. Ўзимдан мисол қилсам, оиламиз шаҳарасида бахшилар ўтмаган. Отам Карим полвон маҳаллада обрўси баланд оқсоқол эди. Ёшлгимдан бахшичиликка қизиқишим бўлган чоғи отам ўз қўли билан дўмбира ясаб берганди. Кейинчалик ҳам келажакда қандай касб танлашим ҳақида гап кетганида отам: «Биз сизга исм қўйдик, бўёғига ўзингиз билиб йўл олаберинг», дерди. Бироз улғайган маҳалламизда, уйимизда бўладиган тонготар турунларда йиғилганларга дoston ўқиб берадиган бўлдим. Дostonларнинг шеърӣ қисминини қўйга солиб ўқирдим.

Қирда қўй боқиб юрганда донишманд мўйсафидлар каби сукут сақлаб ўтирган тепаликлар бағрида ҳам қўйбоқар жўраларга дostonлар қўйлаб берганим ҳамон эсимда. Кейин ҳарбий хизматга кетдим. Бу орада бахшичиликдан бироз узоклашгандай бўлдим. Хизматдан қайтгач, маҳалладаги тўйлардан бирига Қашқадарьдан Қодир бахши келди. Довруғи дунёга кетган бахши шундоқ рўпарамда ўтириб дoston айтди, у дўмбиранинг ториға юрагини қўшиб чергарди гўё. Ундаги дард, изтироб кўнглимга жуда яқин эди. Ана шунда юрагимга олов тушди. Бахшининг қўлидаги дўмбирани олиб, дoston айтгудай шашгим бор эди. Ярағининг назари тушган Қодир бахшига шогирд бўлишни ният қилгандим. Аммо бу насиб этмаган экан, орадан қўп вақт ўтмай Қодир бахши бу ёруғ оламни тарк этди.

Юрагимга тушган олов эса кун сайин алағида олаверди. Шундай қилиб, шогирд тушиб учун Ўзбекистон халқ бахшиси Шоберди Болтаевнинг ёнига бордим. Устоздан бахшичилик сирлари билан бирга, ҳаёт сабоқларини ҳам олдим.

Мардлик ва ҳақгўйлик бахшининг жон томири

Бахшилар доим мард, тўғрисўз ва халқнинг дилидаги гапларни айтadиган инсонлар бўлган. Шунинг учун катта бахшиларни «Юзбоши» деб аташган. Бахшилик касб ҳам, ҳунар ҳам эмас! У — шоирлик! Эл дардини айтиш дегани, назаримда. Бахши ёлғонга ўрганса, ўтар дунёни ҳақиқатга алмашса, унинг сўзидан сеҳр қочади. Бундай бахшиларни одамлар ўйин-кулги вақтида қўй-қўшини эшитса ҳам бошқа пайтлар гапига кулоқ тутмайди.

Шу бонс эл доим тили билан дили бир бахшиларни Алломишдай эъзозлаган. Афсуски, биз, айниқса, ёшлар бундай устоз бахшиларнинг ҳаммасини ҳам танимаймиз. Биргина мисол, Сурхондарё вилояти Қумқўрғон туманида Поён бахши деган катта шоир ўтган. Поён бахши ҳақида шоир Ёшқобил Шукур шундай хотирлайди: «*Ўтган асрнинг 30-йилларида даҳшатли оғарчилик бўлиб турган бир даврда Тоҳикистондан Сурхондарёга дон олиб қайтаётган одамларнинг бугдойини Боботогода беркиниб юрган қароқчилар тортиб олади. Бола-бақра, хотин-қиз, кекса-ю ёш йўл қараб қутаётган карвон қўп-қуруқ қўл билан қайтади. Оқсоқоллар бўлган воқеани эшитиб, миришб жўн-натайлик деса, «активлар»ни юборайлик деса, иш чиқмайди, бешда қон тўқилади, холос. Охири улар Поён бахшининг бир ўзини Боботокқа жўнатишади. Поён бахши қароқчиларни топади, уларга: «Мен сизларга бир дoston айтман, эшитинглар!» дейди. Сўнг Поён бахши юртда аёллар, болалар, кексалар оқдан ўлаётганини, кечаётган қаҳатчилик ва оғарчилик даҳшатларини шундай дард ва алам билан қўйлайдики, қароқчилар бошлиғи чидаёлмай йиғлаб ўрнидан туриб кетади-да, ҳамма донни битта донасигача қолдирмай қайтариб беришларини, ҳатто ўзлари учун ишеиб қўйган донни ҳам қўшиб беришларини буюради.*

Нима учун қароқчилар бундай йўл тутган? Чунки Поён бахши чиндан ҳам, эл дардида ёниб, унинг мусибатини қўйлаган эди. Шунинг учун унинг сўзи қароқчиларга таъсир қилади. Энди айтинг-чи, Поён бахшини бутун юртдошларимиз, борингки, у яшаб ўтган маҳалладаги одамлар, ёшларнинг ҳаммаси танийдими? Афсуски, йўқ! Ёшлар ана шундай бахшиларнинг ҳаётидан қилган



олиши керак. Бунинг учун уларнинг ҳаёт йўлини кўпроқ тарғиб этиш лозим. Ахир, дostonни ёд олиб, дўмбира чертишни ўрганган ҳамма одам ҳам бахши бўла олмайд.

«Мард кишининг боласи мард бўлмасми, бобожон»

Халқимиз не бир қуларни бошидан ўтказиб, замон зўрнинг қўлида бўлган алла замонларда бахшиларимизнинг тили қисик бўлган чоғлари ҳам қўп бўлган. Мана энди омон-омон замонларга етдик. Юртимизда халқроқ миқёсда бахшичилик фестивали ўтказилиши, Термизда бахшичилик мактабининг очилиши буларнинг барчаси бобомерос санъатимизга бўлган эҳтиром. Бу ишлар бежиз бажарилаётгани йўқ. Зеро, бу ёшларимиз халқ оғзаки ижоди деган улкан уммондан қониб ичиши учун бошланган хайрли амаллардир. Бу уммондан сув ичган инсоннинг маънавий чанқоғи босилади. Яхшиликлар сари юзланади.

Термиздаги бахшичилик мактабида ёшлар бахшичилик сирларини ўрганипти. Уларнинг қайсидир бири бахши бўлса, бошқалари шифокор, юрист, ҳоким бўлиши ҳам мумкин. Лекин ким бўлишидан қатъи назар, уларнинг ҳаммаси бирдек яхши одам, эл дардида яшайдиган паҳлавонлар бўлиб улғайишига ишонаман. Чунки уларга халқимизга сўзи қор қиладиган бахшиларнинг сабоғини олиш, дostonларни ёдлаб ибрат ўрганишдай бахт насиб этган. Ахир, «Алломиш» дostonида Барчиной бежиз: «Мард кишининг боласи мард бўлмасми, бобожон», демаган.

Ютуқлар қўп, хатолар ҳам етарли

Бахшилар азалдан элнинг тўйларига бориб дoston-терма айтган. Агар тўй эгаси камхарж бўлса, бахши ҳақ талашмаган. Топган-тутганини тўй эгасига бериб, айтган қўшиғидан ўзи завқланиб қайтаверган. Ҳозир бундай ҳимматли бахшиларимиз кам. Қўли очиклик — саҳийлик йўқолиб борапти. Бу яхши эмас! Агар бахши нафиси учун қўйлай бошласа, чин қадриятларни унутади.

Шунинг учун ҳам ҳозир давранинг қандай бўлишига қарамай, эшитадиган одам бор-йўқлигини ҳисобга олмай, терма айтadиган бахшилар учраб турибди. Бу бахшининг обрўсига путур етказди. Энди ўзингиз ўйланг, эл дардини айтиб, қароқчилар қўнглини ийдирган Поён бахши қаердаю уч-тўрт сўм пул учун оғзига келган қофияни қалаштириб сар-

хуш даврада терма айтувчи қаерда? Бу иккисининг орасида еру осмонча фарқ бор! Бутун бахшичилик санъатини ана шундай иллатлардан асраш керак.

Яна бир гап: халқроқ бахшичилик фестивалида қўплаб мамлакатлардан ёш-ёш бахшилар келди. Уларнинг ижроси, созини чалишидан қўп хайратландик ва озгина ўқинган жойимиз ҳам бўлди. Негаки, бизнинг дўмбирадаги қўйларимиз деярли бир хил экан. Бахшиларнинг айтиш усулида ҳам жуда қўп ўзгариш сезилмайди. Катта бахшиларда ўзига хос овоз бор. Лекин ёшларимиз... бу ҳақида ҳам жиддий ўйлаш керак.

Юртимизда азалдан Қорақалпоғистон, Қашқадарё, Самарқанд, Жиззах, Хоразм Сурхондарё дostonчилик мактаблари машҳур бўлган. Бутун ҳам ана шу бахшичилик мактабларига эътибор бериш керак. Масалан, Хоразм билан Қорақалпоғистон бахшичилиги мутлақо ўзгача оҳанг ва йўналишда қўйланади. Мен бутун ҳеч бўлмаса, телеканалларимиз орқали ана шу бахшичилик мактабларининг бахшию оқинлари ижро этган дostonларни тинглагим келади. Тошкент вилоятининг лапарлари, водийгагина хос бўлган халқ оғзаки ижоди намуналари ҳам халқимизга кам намоён этилади. Бу гапларни ирмоқлар йиғилиб дарё бўлишини унутмаслик учун айтгим келди...

Бу ҳикмати дунёда назаркарда эллар ҳам бор! Халқимиз доим ана шундай назаркарда эл бўлиб келган. Бу элнинг Алломишдай ўғлонлари — Эргаш Жуманбулбул ўғли, Исом шоир, Фозил Йўлдош ўғли, Пулкан шоир, Бола бахши, Эсемурат жиров, Шерна бахши, Мардонақул Авлиёқул ўғли, Қодир бахши Раҳимов каби ўғлонлари бор. Худо насиб этса, уларнинг йўринини маҳкам тутиб, халқимизга оқ-қорани кўрсатиб турадиган, унинг маънавий дунёсига ўз улупини қўша оладиган ўғлонлари ҳам етишиб чиқаверади.

Сўзимни Эргаш Жуманбулбул ўғли ижросидаги «Алломиш» дostonи билан якунласам:

*«Шўйитиб ўз юртини шўнқор қўрибди,
Омон-эсон мундо элга келибди,
Гуноҳқорлар Ҳакимбекдан ўлибди.
Шундай қилиб қўрди ўсган шаҳрини,
Ўзи қайтиб олган Барчин ёрини,
Шўйитиб топган мурод-мақсадларини...
Шоир бўлар билинг одам фақри,
Шўйитиб адо бўлди гапининг ахирини.»*

Бахшиқул ТОҒАЕВ,
Ўзбекистон халқ бахшиси.

Журналистлик фаолиятда тўсқинлик қилганлик учун жавобгарлик жорий этилади.

СУРУНКАЛИ ТОЛИҚИШ ҚАНДАЙ КАСАЛЛИКЛАРНИ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРАДИ?



— Анча вақтдан буён ўзимда ланжлик, бўшашиш ва сустлики сезаман. Нима иш қилмай, тезда чарчаб қоламан, кучим қолмагандек бўлаверади. Докторлар бу ҳолатни сурункали толиқиш аломати дейишди. Айтинг-чи, толиқиш қайсидир касаллиқни келтириб чиқарадими? Унинг қандай даво чоралари бор?

Азамат РАХМАТУЛЛАЕВ,
Қашқадарё вилояти.



Зухра НОРХЎЖАЕВА,
олий тоифали шифокор:

— Кун давомидаги сурункали чарчоқ факатгина яхши ухлалмаслик ёки нотўғри таомланиш сабаб юзага келмайди. Чарчоқ ҳолатини пайдо қилувчи кўплаб кундалик одатларга ўзингиз эътибор қаратмасангиз, улар аста-секин рухий саломатлигингизга зиён етказиб бораверади.

Аслида кишининг суткалик аклий ва жисмоний меҳнати чегараланган. Агар бош миёна «толиқиш сигнали» бериб турилмаса, одам организмда чин маънодаги фожиа юз бериши мумкин. Доимий фаолликда бўлган киши вақти-вақти билан дам олиши, овқатланиши, ухлаши, кискаси, меҳнат фаолияти ҳамда рўзгор ташвишлари билан боғлиқ кундалик «хавотирлар тўқмоғи»дан бироз чалғиб туриши лозим.

Толиқишнинг қандай белгилари бор?

Ланжлик, бу — тетиклик йўқолиши билан кечадиган аломатдир. Натижада кишининг иш қобилияти пасайиб кетади. Ўзини оғир, лоҳас сезади, бўшаши, тез ҳаракат қилса, хансираб қолади. Аклий чарчоқ интеллектуал меҳнат маҳсулдорлигининг камайиши, диққат ва фикрлашнинг сусайиши, лоқайдлик, иштиёқнинг пасайиши, ҳолсизлик, ўз ишини бажаришдан мамнун бўлмаслик каби кўринишларда кечади.

Тез чарчаб қолиш, бу — оддий ҳолат бўлмай, муайян касаллик белгиси ҳамдир. У нотўғри овқатланиш, турмуш тарзининг тартибсизлиги ва баъзи касалликлар сабабли келиб чиқади. Шунингдек, унга юрак касалликлари, қандли диабет, қалқонсимон без касалликлари, йод етишмаслиги, бош миёна жароҳатлари, камқонлик (анемия), асаб ҳасталиклар ҳам сабаб бўлиши мумкин. Оғир касаллиқни бошдан кечирган кишиларда чарчоқ тез юз беради. Арзимаган ва айтирли узоқ давом этмайдиган зўриқиш ҳам уларда бош оғриғи, хансираш, юрак уришининг тезлашиши, терлаш ва ҳолсизланишга сабаб бўлади.

МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

АСОСИЙ БЕЛГИСИ ТОЛИҚИШ БЎЛГАН КАСАЛЛИКЛАР

Иммун тизими касаллик билан курашаркан, унга барча мавжуд энергия захиралари зарур бўлади. Шу боис кўпгина касалликларнинг асосий аломати толиқиш эканига ажабланмаса ҳам бўлади. Қуйида улардан бир нечтасига тўхталиб ўтамиз.

■ Қалқонсимон без фаолиятининг пасайиши

Қалқонсимон без бўйин асосида жойлашган бўлиб, у ҳаммасини — энергия миқдоридан тортиб, метаболизм тезлиги ва иммун тизими фаолиятига башқариб туради. Қалқонсимон без фаолиятининг бузилиши жуда кенг тарқалган. Қувват етишмаслиги бу касалликнинг энг кўзга кўринган белгиси ҳисобланса ҳам унга яна вазнининг ошиши, ич қотиши, тери қуруқлиги ва доимий совқотиш аломатлари қўшилади.

■ Камқонлик

Камқонлик — қон таркибидаги ҳаво ташиш учун хизмат қиладиган қизил таначаларнинг етишмаслик ҳолати. Камқонликда, шунингдек, темир ва В¹² витамини етишмаслик белгилари ҳам кузатилади. Унинг толиқишдан ташқари, рангпар тери, қатланувчи тирноқлар, кучли юрак уриши, бош айланиши ва бош оғриғи каби бошқа классик аломатлари ҳам мавжуд.

■ Диабет

Кучли ташналиқдан ва тез-тез бовул қилишдан ташқари толиқиш — диабетнинг биринчи ва энг қатъий белгиларидан бири ҳисобланади. Организмнинг доимий равишда қондаги қанд миқдорини нормаллаштиришга уриниши кучсизланишга олиб келади.

Бу жараён болаларда қандай кечади?

Болаларда эса чарчаб анча мураккаб жараён ҳисобланади. Чунки улар организмни анатомофизиологик хусусиятига кўра, ҳатто унчалик уринмаганида ҳам тез чарчаб қолиши мумкин. Мисол учун, гўдак уйкуга тўймаганда, бола мактаб партасида узоқ ўтирганда ҳам кузатилади. Шунингдек, кун тартибининг нотўғрилиги, бир турдаги машғулот, ортиқча ўйин-қўлги ҳам болани тез чарчатади.

Болаларда чарчоқ белгилари кўпинча хатти-ҳаракат бузили-

шида кўринади: улар тоқатсиз, эътиборсиз, дарс вақтида гаплашадиган, яъни интизомсиз бўлиб қолади. Касаллиқни бошдан кечирган айрим болалар бўшанг, хорғин, кучсиз бўлиб, яхши фикрлай олмайд.

Сурункали чарчоқ синдроми қанчалик хавфли?

Агар ланжлик сурункали давом этаверса, бош айланиши, кўриш қобилиятининг пасайиши, тана ҳароратининг кўтарилиши, юракнинг тез уриши кузатилади. Ланжликдан эса, асосан, бошқа жиддий

ножўя таъсирларни ҳам етаклаб келувчи сурункали чарчоқ синдроми юзага келади.

Сурункали чарчоқ синдроми — доимий кузатиладиган кучли чарчоқ ҳолати бўлиб, унинг келиб чиқишини бирон-бир касаллик билан изоҳлаб бўлмайди. Чарчоқ бир неча ойлар давом этади ва беморнинг нормал иш фаолиятига таъсир кўрсатади. Хусусан, ишдаги зўриқишлар, камҳаракатлик, кўп асабийлашиш, стресслар, ўз вақтида овқатланмаслик, уйку тартибининг бузилиши каби ҳолатларнинг доимий равишда содир бўлиши бу синдромнинг пайдо бўлишига олиб келади.

Бу ҳолатда чарчоқ жисмоний ҳаракатдан сўнг кучаяди, дам олгандан кейин ҳам ўтиб кетавермайди. Бу ҳолсизлик беморнинг аклий фаолиятига ҳам таъсир кўрсатади. У бирор-бир материални ўқиш ўзлаштира олмайд, иши унумсиз бўлади ва натижада ўз касбини тўлақонли бажара олмайд. Ўз-ўзидан бу ҳолат беморни ортиқча асабийлаштиради, жиззакчи килиб қўяди, диққатини бузади ва унинг нормал иш фаолиятини издан чиқаради. Сурункали чарчоқ олти ойгача чўзилиши мумкин. Маълумотларга қараганда, ҳозир дунё бўйича сурункали чарчоқ синдромидан 35 миллион киши азият чекади. Аёллар унга эркакларга қараганда 4 баравар кўпроқ чалинади экан.

Ланжликдан қандай қутулиш мумкин?

Аксарият ҳолларда шифокорлар ланжликдан азият чекувчиларга турмуш тарзини ўзгартириш, витаминлар қабул қилиш, меърида ухлаш ёки ортиқча вазндан қутулишни тавсия қилади. Албатта, қўйилган яқуний ташхисга қараб беморга дори-дармон муолажалари ҳам тайинланади.

Рухшуносларнинг таъкидлашича, инсон организмга чарчоқ уч томондан — тана, ақл ва кўнгилдан таҳдид солади. Бизни бошқарувчи бу уч омил-

дан қай бири толиқишимизга сабаб бўлаётганини аниқлаб, бошқа йўналишда фаолият юритсак, худди хордик чиқаргандек енгил тортар эканмиз. Яъни жисмоний меҳнат билан аклий меҳнатнинг ўрнини вақти-вақти билан алмаштириб турсак, фойдадан холи бўлмайди.

Асаб тизимининг меъёрда ишлаши, организмнинг мудом тетик бўлиши учун уйку зарур! Киши уйку дорилар билан эмас, табиий равишда ухлаши лозим. Мана шундай соғлом уйқудан сўнг тана куч-қувватга тўлади. Болалар эса 8-9 соат тиниклиб ухлаши керак.

Тез чарчашнинг олдини олишда меҳнат ва дам олишни тўғри йўлга қўйиш, иш куни давомида қисқа муддатли таънаффуслар қилиб туриш, иш жойини тартибга солиш ва ўзида озгина хорғинлик сезганда чарчоқни ёзадиган машқлар бажариш муҳим аҳамиятга эга. Болаларда эса кун тартиби маромининг бузилишига йўл қўймаслик, машғулот ва дам олишни тўғри тақсимлаб, очик ҳавода кўпроқ сайр қилишга имконият яратиш лозим.

Доимий чарчоқ билан курашда тез-тез жисмоний тарбия билан шуғулланиш кўмак беради. У ўртача доимийликда бўлиши лозим. Бу ҳам руҳиятга сезиларли таъсир ўтказмай. Инсон организмни тўйимли нонушта орқали олинган қувват сабаб кун давомида тетик ва сергайрат ҳолатда бўлади. Нонуштадан воз кечиш эса куннинг иккинчи ярмига ҳам етиб бормай толиқишга олиб келади. Организм ҳар бир ҳаракат учун танадаги сув захираларидан фойдаланади. Айнан шунинг учун унинг сувсизланиб қолишига йўл қўймаслик ва кун давомида тез-тез тоза сув ичиб туриш лозим.

Мухтасар айтганда, замонавий ҳаёт тарзи ҳар биримиздан максимум қувват, доимий эътибор ва диққатни талаб этади. Биз 24 соат давомида ҳамма ишга улгуришга интиламиз, факат доим ҳам кундалик ёки келажақ учун тузилган режаларимиз орасида «дам олиш» деган пунктга жой ҳамда вақт ажратмаймиз. Аслида у ёки бу касаллик юзага келишига кишининг нафақат турмуш тарзи, одатлари, атроф-муҳит ёки унинг касб-кори, балки сурункали толиқиш ҳам сабаб бўлади. Демак, мароқли хордик, тўғри турмуш тарзи, бадантарбия ва ҳуш кайфият юқорида қайд этилган ҳолатларнинг олдини олишда энг муҳим воситалардир.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги тузилмасида айрим хизматлар аутсорсингга ўтказилади.

Кальций танқислигини қандай енгпиш мумкин?

АГАР ОРГАНИЗМДА КАЛЬЦИЙ МОДДАСИ МИҚДОРИ КАМАЙИБ КЕТСА, ИММУНИТЕТ ҲАМ ЎЗ-ЎЗИДАН ПАСАЯДИ, БУ ЭСА БОШҚА КАСАЛЛИКЛАР УЧУН «ЙЎЛ ОЧИЛИШИ»ГА САБАБ БЎЛИШИ МУМКИН

Ўзимизни доимо яхши ҳис қилишимиз, иш кунини куч ва ғайрат билан ўтказишимиз, организмимизда ғайриоддий ўзгаришлар содир бўлмаслиги учун витамин ва минералларга бой озиқ-овқатларни истеъмол қилишимиз лозим. Қолаверса, ҳар бир инсон учун бир кунда истеъмол қилиниши лозим бўлган витаминларнинг ўлчовлари бор. Улар орасида кальций энг муҳим моддалардан бири саналади.



ДАРВОҚЕ...


Кальций танқислиги юзага келганда моно бирикмали препарат – «Кальций глюконат» ёки кўп бирикмали «Кальций D³ Никомед», «Форте», «Натекаль», «Кальцеин» тавсия этилади. Витамин-минералли бирикмалар – «Компливит», «Мульти Табс», «Алфавит» ва бошқа дори-дармонлар профилактика мақсадида қўлланилиши мумкин.

Унинг қамайишига сабаб нима?

Овқатланиш раионини нотўғри белгилаш, рангли сунъий ичимликларни, қахва, таркибда кофеин бўлган маҳсулотларни кўп истеъмол қилиш, сут ва сутдан тайёрланган озиқ-овқат турларини кундалик таомномадан чеклаш, D³ витаминининг етишмаслиги, ичимлик сувида минерал моддаларнинг камлиги организмда кальцийга бўлган эҳтиёжни кескин қискартиради.

Баъзи дори-дармон ва препаратлар, жумладан, аспирин, сийдик ҳайдовчи ва сурғи дориларни узок муддат назоратсиз қабул қилиш ҳам танада кальций сўрилишини сусайтиради. Эстероген синтези бузилса, қонда магний, фосфор моддаси етарли бўлиши таъминланмаса, бу ҳам кальцийнинг қамайиб кетишига туртки бериши мумкин.

Яна бир парадокс: организмда фосфор, кўрғошин, темир, рух ва натрий миқдори ошиб кетса, улар кальцийга «қучилик» қилиб, уни сиқиб чиқаришга ҳаракат қилади. Демак, таркибда турли моддалари бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари меърида истеъмол қилинса, улар бир-бири билан «қаро-батлашмайди», балки бир-бирига қўмаклашадиган биологик жараён юзага келади.



Санаб ўтилган жихатларни умумлаштирсак, **гипокальциемия**, яъни кальций етишмаслиги гуруҳидан кўпроқ сунъий овқатларга ружу қўйган болалар ва ўсмирлар, климактерик ва ҳомиладор аёллар, вегетарианлар, лактоза ферментининг етишмаслиги нуксон бўлган кишилар ўрин эгаллашини кўрамыз.

Организмда кальций етарли бўлмаса...

Кальций етишмовчилиги айнан кекса ёшли кишиларда учрайди, деб ўйлаш нотўғри. Бу йиллар давомида организмга кальций етишмай келганининг натижаси бўлиб, ўз навбатида, бошқа касалликларнинг бошланишига имкон туздиради. Бу қандай оқибатларга олиб келиши мумкин?

Боғча ёшидаги кичкинтойларнинг бўйи секин ўсади, вазни нормадан паст, рахит аломатлари жадал ривожланади. Нуткий ва ақлий фаоллик кузатилмайди. Мутахассислар бу жараёнда боланинг тиш эмали зарарланиб, қариссага мойиллик келиб чиқиши, мушаклар тонуси ортиб, оёқлар «Х» ёки «О» шаклига келиб қолишини салбий ҳолат деб баҳолашади. Тишларнинг қорайиб кетиши («қуртлаши» эмас), эмаль қоплами юпкалашини, сарғая бошлаши, кичик тешикчалар пайдо бўлиши, тез-тез синиши, бурдаланиши кальций етишмаётганидан далолат беради.

Агар оилада, боғчада бола организмнинг кальцийга эҳтиёжи қопланмаса, суякларини нотўғри ривожланиб, синувчан ва мўрт бўлиб, антропологик ўсишда тенгдошларидан орқада қолиши, хотира сустлигига дучор бўлиши мумкин. Аввало, бола қаида 1 ёшига қадар она



Шоира ҚОДИРОВА,
Тошкент тиббиёт академияси
катта ўқитувчиси,
олий тоифали шифокор.

сути билан бокилишида ҳикмат кўп. Бундан ташқари, кальций етишмаслиги оқибатида боланинг тишлари нотўғри шаклланади, кўз гавҳарида патологик ўзгариш, асаб тизимида бузилиш рўй беради, у инжик, таъсирчан, оёқ-қўл томирлари тортишадиган бўлиб қолади. Энг аянчли ҳолат — қон ёмон ивибди.

Ҳомиладор аёлда кальций кам бўлса, толиқиш, терининг қуриб кетиши, сочининг жонсизланиб кўп тўкилиши, тирноқ синувчанлиги оддий ҳолга айланади. Ҳар 5 нафар ҳомиладор аёлнинг биттаси олтинчи ойдан бошлаб кальций етишмовчилигини бошдан ўтказади.

Ёши, жинсидан қатъи назар, кимнингки сочи кўп тўкилса, толаси ингичкалашиб кетса, муддатидан олдин оқарса, билингки, у гипокальциемия касаллигини бошдан кечирмоқда. Тирноқдаги оқ чизиклар, унинг хиралашиши, терининг қуриши, устки қисмидан майда қопламчанинг тўкилиши, қават-қават оқ чизиклар пайдо бўлиши, чарчок, бош оғриги, асабийлашиш, кўнгил айнаши, хотира сусайиши ҳам кальций етарли миқдорда истеъмол қилинмаётгани белгиларидир.

Эҳтиёж қандай қопланади?

Кальций моддаси иммунитетнинг бир маромда сакланиши ва унинг пайсаяиб кетмаслиги учун хизмат қилади. Агар организмда унинг миқдори қамайиб кетса, иммунитет ҳам ўз-ўзидан пасаяди, бу эса бошқа касалликлар учун «йўл очилиши»га сабаб бўлиши мумкин.

Шу боис кальций D³ витаминига эҳтиёжни табиий ҳолатда тонгги қуёш нуридан баҳраманд бўлиш орқали қоплаш безарар, фойдали усулдир. Кундузи соат 11:00 ва кечки соат 17:00 дан кейин очик ҳавода сайр қилиш туфайли ультрабинафша нурулар витамин D³нинг синтезини қучайтиради. Сут ва сут маҳсулотлари — қаймоқ, пишлоқ, сузма, 150-200 гр. творог, 160 гр. сарёғ кундалик таомномада бўлиши шарт. Қарам, ёнғок, бодом, тухум, ловия, шивит, петрушка, туршак, цитрус мевалар, шолғом, олма, нок, ўрик, балиқ, тухум ўз таркибда кальций ва бошқа моддаларни саклаши мутахассислар томонидан аниқланган.

Нуткимизда «кальций» сўзини тез-тез тилга оламиз. Агар организмда ушбу модда етарли бўлмаса, кўпгина жиддий касалликлар келиб чиқишини кўпчилик яхши билса-да, айримларнинг бу ҳақдаги тушунчаси етарли эмас. Латин тилидаги «calcium» сўзидан олинган бу атама «юмшоқ тош» деган маънони англатади ва у 1808 йилда инглиз кимёгари Гемфри Дэви томонидан кашф қилинган. Ҳўш, бу макроэлементнинг қандай хусусиятлари бор? Унинг инсон саломатлигидаги ўрни қандай?

Меъёрий қон ивишини таъминлайди

Кальций макроэлементи организмда, асосан, суяклар ва тишда кўп бўлади. Ҳар бир суяк таркибда ҳажмига қараб, 1-2 кг.гача кальций бўлиши мумкин. Табиийки, тўғри ва рационал овқатланишни йўлга қўйган кишиларнинг суяк тўқималари мустаҳкам бўлиб, улар кальций етишмовчилиги туфайли келиб чиқадиған касалликларга камроқ чалинишади.

Кальций организмда метаболик жараённинг иштирокчиси ҳисобланиб, тўқималар шаклланиши ва суяклар ривожланишида муҳим роль ўйнайдиган макроэлемент ҳисобланади. У организмда қуйидаги вазифаларни бажаради:

- қоннинг меъёрий ивишини таъминлайди;
- юрак қон-томир тизими қисқарувчанлиги ва ритмига таъсир этишда бевоқиф иштирок этади;
- асаб-мушак тизимининг ўтказувчанлигига таъсир қилади;
- онкологик касалликларнинг олдини олади ва ичак тизимида полип ҳосил бўлишига тўсқинлик қилади;
- ҳомиладор аёллар учун кальцийнинг аҳамияти бекиёс, чунки туғилажак фарзанд она истеъмол қиладиган кальцийдан озиқланади;
- қалқонсимон без олди гормони — кальцитониннинг ишлаб чиқилишини назорат қилади.

Мусибат етганда ҳидоят тўғри йўл кўрсатади

«БИЗ, АЛБАТТА, САБР-ҚАНОАТ ЭТГАН ЗОТЛАРНИ ЎЗЛАРИ ҚИЛИБ ЎТГАН
АМАЛЛАРИДАН ЧИРОЙЛИРОҚ АЖР-САВОБЛАР БИЛАН МУКОФОТЛАЙМИЗ»

Ўғиллари Иброҳим оламдан ўтганида Расулulloх (с.а.в.) йиғладилар. Икки кўзларидан ёш тўкдилар. Шунда Абдурахмон ибн Авф (р.а.) айтдилар: «*Ё Расулulloх! Йиғлаясизми!? Ахир, ўзингиз йиғлашдан қайтарар эдингиз-ку!?*»

Расул Акрам (с.а.в.) дедилар: «*Йўқ! Мен нисҳа ва ғуно — айтиб йиғлаш ва марсияларни куйлашдан қайтарганман. Айтиб йиғлаш, ёқа йиртиш, юзни тилмдлаш, сочи юлиш, шайтоний инграш ва шу қабилардан қайтарганман. Лекин бу меннинг кўз ёшларим раҳмат-мехр, раҳм-шафқатдир. Аллоҳ таоло уни раҳмдил бандаларининг қалбларига берган. Ким раҳм, шафқатли бўлмаса, ўзи ҳам раҳм-шафқат кўрмайди.*»

Дарҳақиқат, мўминларнинг синовли қаттиқроқ бўлади. Лекин зирагча кўрса ҳам, бир оғрик тоғса ҳам унинг ғвазига Аллоҳ гуноҳларини каффорат қилади ва макомини баланд қилади. Мусибатга сабр қилгани туфайли инсон дунё ва охират саодатини топади.

Синов учун мукофот бордур


Аллоҳ таоло бу дунёда инсонни турли-туман қийинчилик ва мусибатлар билан имтиҳон қилади ва унинг имони қай даражада мустаҳкам эканини синовлардан ўтказиши. Инсон саботи ва қатъияти билан мана шу имтиҳон ва синовлардан муваффақиятли ўтса, албатта, Аллоҳ таолонинг олий мукофотларига сазовор бўлади. Аллоҳ таоло бу ҳақда марҳамат қилиб шундай дейди:

«*Сизларни бироз хавф-хатар, очлик (азоби) билан, малу экон ва мевалар (ҳосили)ни камайитириш йўли билан синагаймиз. (Шундай ҳолатларда) сабр қилувчиларга хушхабар бериш (эй Мухаммад)! Уларга мусибат етганда: «Албатта, биз Аллоҳнинг истиёридамиз ва, албатта, биз Унинг ҳузурига қайтувчилармиз», дейдилар. Айнан ушларга Парвардигорлари томонидан сазавот (мағфират) ва раҳмат бордир ва айнан улар, ҳидоят топувчилардир.*»

Мусулмон аҳли ушбу оятни қарима маъно ва мазмунидан келиб чиққан ҳолда, бошларига келган ҳар қандай мусибат, қора қунар олдида эсанкираб қолишмади, ўзликларини асло йўқотишмади, мустаҳкам имон, Аллоҳ таолонинг раҳматидан доимий умидворлик уларга ҳамиша ҳамроҳ бўлди.

Мусибатлар — содиқни қозибдан ажратадиган имтиҳонлардир. «*Одамлар: «Иймон келтирдик», дейишлари билангина, имтиҳон қилинмаган ҳолларида, қўйиб қўйилишларини ўйладиларми?!»* (Анкабут сураси, 2-оят). Нафс синов билан покланади, балолар мардларни кўрсатади. Ибн Жавзий (р.х.) айтди: «*Ким бошига синовлар тушмасдан офият ва саломатлиги давом этаверишини истаса, у одам на мукаллафлиқни билибди ва на Исломи тушунибди.*»

Хар бир одам алам-оғрикларга дучор бўлмай илоҳи йўқ. Ҳаёт машаққат ва хатарларга рўпара бўлиш устига қурилган, ҳеч ким мен бало-имтиҳонлардан ва алам-оғриклардан буткул омондаман,



дея олмайди. Киши умрини неъматларнинг келиб-кейтиши-ю, имтиҳонларга дучор бўлиш ўрта-сида ўтказиши.

Синов — кўнгил истакларининг акси, орзу-тилақларнинг зидди, лаззатларга чек солиш демасдир. Кимдир озроқ, кимдир кўпроқ, унинг аччиқлигини тотмай илоҳи йўқ. Мўмин кишини поклан мақсадида имтиҳонга солинади, азоблаш учун эмас. Яхши кунлар ҳам, ёмон кунлар ҳам имтиҳондан бошқа нарса эмас: «*Уларни (куфр ва исёндан) қайтишлари учун кўп яхшилик (неъматлар) ва ёмонликлар (балолар) билан синаб кўрди.*»

Машаққатлар ёқимли нарсаларни, ёқимли нарсалар эса машаққатларни олиб келади. Бас, яхшилик деб кўрган тарафингиздан ёмонлик келиб қолишдан хотиржам бўлманг, ёмонлик деб кўрган томонингиздан яхшилик келишидан умидсиз ҳам бўлманг. Аллоҳ таоло айтди: «*Сизлар ўзингиз учун яхши бўлган нарсани ёқтирмаслигингиз ва сиз*

чиroyли рози бўлиш, қўлдан кетган нарсасига чиroyли сабр қилиш билан билинади.» Шундай раҳимхушлох айтди: «*Бандага бир мусибат етган бўлса, у учун уша мусибатида учта неъмат бор: мусибатининг динида бўлмагани, ундан кўра каттароқ мусибатга дучор бўлмагани, бўладиган ишининг бўлиб ўтгани.*»

Аллоҳ кимга яхшилик истаса, унга мусибат беради

Мусибат ва алам-оғрикларни яшириш улуг кишилар сифатларидандир. Балонинг аламга чидаш, у тез орада ўтиб кетади. Ҳалоқатга дучор бўлганлар сабр-сизиликлари туфайли шу ҳолга тушганлар. Сабр қилувчилар улуг ажру савобларга эришадилар: «*Биз, албатта, сабр-қаноат этган зотларни ўзлари қилиб ўтган амалларидан чиroyлироқ ажр-савоблар билан мукофотлаймиз*» (Наҳл сураси, 96-оят).

Эй, синовга дучор бўлган мўмин биродар, унутманг; Раббингиз сизга бирон нарсани ман қилган бўлса, ортидан мўл-қўл ажрлар билан сийлаш учунгина шундай қилган. Сизга бирон бало юборган бўлса, сизнинг офиятингизни кўзлабгина юборган, имтиҳонга солган бўлса, сизни танлагани учунгина солган. У зот неъматлар билан имтиҳонга солади, балолар билан неъмат беради.

Саъд ибн Аби Ваккос (р.а.) айтди: «*Мен: «Эй Расулulloх, одамларнинг энг қаттиқ балоси дучор бўладигани кимлар?» деб сўраган эдим: «Пайгамбарлар, сўгра солиқлар, сўғр фозиллар, сўғр фазлда улардан қўйроқдагилар. Киши динига қараб балоланади. Агар динида салобат (мустаҳкамлик) бўлса, балоси ҳам шидда қилинади, динида енгилик (заифлик) бўлса, балоси ҳам енгилик қилинади. Мўмин кишига балолар берилаверади, бориб-бориб у ер юзиде гуноҳсиз ҳолда юридиган бўлади», дедилар (Термизий ривояти).*»

Расулulloх (с.а.в.) айтганлар: «*Аллоҳ кимга яхшилик истаса, унга мусибат беради*» (Бухорий ривояти). Тун хар қанча узун бўлмасин, барибир тонг отади, ёмон кунлар ортидан, албатта, яхши кунлар келади. Қулфат хар қанча устма-уст келмасин, асло умидни йўқотманг. Зеро, бир машаққат икки енгилик устидан харгиз ғолиб бўлмайди.

Зокиржон ШАРИФОВ,
Тошкент шаҳар Олмазор
туманидаги Тўхтабой жомеъ
масжиди имом-хатиби.

МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

САБРНИНГ ФОЙДАЛАРИДАН:

1. Сабр оғир вазиятларда нафсни тутишга ёрдам беради.
2. Сабр моддий ва маънавий талабларни амалга оширишда шошилишга ва қўполликларнинг олдини олишга ёрдам беради.
3. Сабр ғазабни кўзгайдиган нарсалар содир бўлганда ўзини тутиб олишга ёрдам беради.
4. Сабр хавф тутилганда ўзини ўнглаб олишга ёрдам беради.
5. Сабр моддий ва маънавий яхшиликларга эришиш йўлидаги жисмоний ва руҳий аламларга чидашга ёрдам беради.
6. Сабр иймон баркамоллиги ва Исломи ғўзаллиги далилидир.
7. Сабр қалбда ҳидоят ҳосил қилишга ёрдам беради.
8. Сабрнинг самараси Аллоҳ таолонинг ва одамларнинг муҳаббатидир.
9. Сабр ер юзиде таскин топиш сабабчиси.
10. Сабр жаннатга эришиш ва дўзахдан қутулишдир.
11. Сабр Аллоҳ таоло билан бирга бўлишдир.
12. Сабр қиёмат кунидеги катта кўрқинчдан омонликдир.
13. Сабр мардлик ва яхши оқибатнинг аломатидир.
14. Сабр Аллоҳ таолонинг раҳмати ва баракотидир.

(Шайх Мухаммад Содик
Мухаммад Юсуфнинг
«Рухий тарбия» китобидан).

АВСТРАЛИЯ ЁНГИНЛАР ИЧИДА ҚОЛДИ: 28 киши ҳалок бўлди, 1 млрд.дан зиёд ҳайвон нобуд бўлди...

БУТУН ДУНЁ АКШ ВА ЭРОН МУНОСАБАТЛАРИ, УРИБ
ТУШИРИЛГАН САМОЛЁТ, ИРОҚДАГИ КЕСКИН ВАЗИЯТ,
ЛИВИЯДАГИ ТЎҚНАШУВЛАР ҲАКИДА СЎЗЛАЁТГАН БИР ПАЙТДА
АВСТРАЛИЯ КИТЪАСИ ЁНГИНЛАР ГИРДОБИДА ҚОЛИБ КЕТДИ

Тропик Африка, Альп тоғлари, Испания, Австралия, Сибирь, Калифорния, Амазония — ушбу минтақаларнинг барчаси ҳар йили ўрмон ёнгинлари сабабли аччиқ тутунга бурканади. Янгилик дастурлари ёки интернет нашрларидаги маълумотларнинг ўзи билан ушбу офатнинг ҳақиқий миқёсини тасаввур қилиш қийин. Еримиз ҳаётининг ҳар бир дақиқасида юзлаб ва минглаб гектар ўрмонларни «тилсиз ёв» йўқ қилиб юбормоқда.

Мавсумий характердаги Африка ёнгинлари ўз миқёси билан ажабланишни: кишида, қуруқ мавсумда саванналар ва экватор шимолдаги ўрмонлар ёнади, ёзда эса китъанинг жанубий қисми олов ичида қолади. Ҳар йили Сибирь, Амазонка, Жануби-Шарқий Осиё ва Болконда ёнгиннинг катта ўқоқлари аниқ кўринади. Қурғоқчил Калифорния Шимолий Американинг аънанавий ёнгин ўчоғи ҳисобланади, Канаданинг Алберта провинцияси ҳам 2019 йили шу қадар шиддат билан ёндики, алангадан чиққан тутун Атлантика океани орқали ўтиб, Европага қадар етиб борди. Австралия ҳам одамлар улкан ўрмон ёнгинларига қаршилик кўрсатолмайдиган минтақалар.

Мутахассислар ҳисоб-китобларига кўра, 2020 йил бошидан бери ўрмон ёнгинлари натижасида сайёрамиз атмосферасига 6 миллион тоннадан ортиқ карбонат ангидрид кўтарилган. Ер целисий бўйича яна бир даражага исийдиган бўлса, унинг чорак қисмидан кўпроғи «қуриши» мумкин. Янги тадқиқот ўртача ҳароратнинг целисий бўйича 2 даражага глобал ўзгарган тақдирда, Ер сатҳининг 20-30 фоизи саҳрога айланиши мумкинлигини кўрсатди.

Қурбонлар бор, зарар микдори эса 3,1 млрд. доллар!

Австралиянинг шарқий соҳилларида 2019 йилнинг октябр ойидан бери катта қўламлар ўрмон ёнгинлари давом этмоқда. Ёнгинлар натижасида бугунгача 10 млн. гектардан ортиқ ўрмонзор, 3 мингта яқин турархона ва 4 мингдан ортиқ маъмурий ва ҳўжалик биноси ёниб қўл бўлди. Ёнгинлар оқибатида 28 киши, жумладан, 5 нафар ўт ўчирувчи ҳалок бўлди. Ёнгинлардан қўрилган иқтисодий зарар эса 3,1 млрд. долларга баҳоланмоқда.

Ёнгинлар оқибатида ҳайвонлар



нобуд бўлаётгани ачинарлидир. Айниқса, коалаларнинг 3000 тури қирилиб кетгани кўпчиликни қайғуга солди. Профессор Крис Дикманнинг аниқлашича, қарийб 800 миллиондан ортиқ жонивор Янги Жанубий Уэльс штатидаги ёнгин қурбонига айланган. Мамлакатда нобуд бўлган жониворларнинг умумий йиғиндиси эса бир миллиарддан ортиб кетди. Шу боис Австралия федерал ҳукумати китъадаги ўрмон ёнгинларидан кейин ёввойи табиатни тиклаш учун 35 миллион доллар миқдорда маблағ ажратмоқчи. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш вазирлиги Сьюзан Лейнинг айтишича, бу пулларнинг ярми жабр кўрган ҳайвон турларини, шу жумладан, коалаларни тиклашга сарфланади.

Айрим ҳудудларда ёнгин шу даражада қучлики, тутунни ҳаводан ўт ўчиришга тўққинлик қилмоқда. Ҳукумат бу ҳудудларга авиация ва ҳарбий-ҳаво қучлари кемаларини юбормоқда. Австралия жануби-шарқий соҳилларида ёнгин туфайли кент қамровли эвакуация ишлари олиб бориляпти.

Одамлар норози, Бош вазир эса таътилда...

Мамлакатда ёнгинлар сабаб зарар кўраётган соҳалардан бири, бу — туризмдир. 2019 йил декабрь ойида «кенгурулар юрти»нинг энг катта шаҳри бўлган Сидней меҳмонхоналарига ташир буюрувчилар сони 10 фоизга пасайган. Масъул шахслар концертларни бекор қилишга, паркларни ёпишга ва шаҳарлар аҳолисини эвакуация қилишга мажбур бўлмоқда.

«Ўрмон ёнгинлари Австралиянинг сайёҳлар учун ҳавфсиз жойи сифатидаги образига нутур етказди. Бу ҳолат иқтисодиётимиз мунодоқ ҳам заиф бўлган ҳозирги пайтда содир бўлмоқда», дейди «AMP Capital» бош иқтисодчиси Чанс Оливер. Унинг айтишича, туризм Австралия экспортдаги тўртинчи энг йирик соҳадир.

Айни дамда меҳмонлар ижтимоий тармоқларда бошқаларни огоҳлантиришмоқда. Сайёҳларни таъинидиган автобуслар сони кунига 4 тадан 15-20 тагача камаймоқда. Австралида бўлиб турган сайёҳлар бошқа одамларга мамлакат ичкарига кирмаслигини айтишмоқда ва бу ҳамма нарсга — ресторанлардан тортиб, мотелларгача ўз таъсирини ўтказди. Қўчалар бўм-бўш.

Давомли ёнгинлар сабабли кўп миң кишилик норозилик намоёнлишлари ҳам юз беряпти. Сиднейнинг ўзида 20 мингта яқин одам норозилик акциясига чиқди. Улар шаҳар ратушасидан парламент биносигача юриб ўтишди. Таъкидланишича, намоёнчилар Австралия Бош вазир Скотт Моррисоннинг истеъфосини талаб қилишмоқда. Уларнинг фикрича, Бош вазир иқлим муаммолари етарлича эътибор қаратмаган ва мамлакатдаги вазиятни эплай олмаётти.

Фаоллар, шунингдек, ёнгиннинг янги, экологик тоза турларига ўтишни талаб қилишмоқда. Норозилик намоёнлишлари Австралиянинг бошқа шаҳарларида, жумладан, Аделаида ва Мелбурнда ҳам ўтмоқда. Австралия Бош вазир Скотт Моррисон мамлакатни ёнгинлар қамраб олган бир вақтда таътилга кетгани эса «олов устига ёғ сепгандек бўлди». «Бу оғир дамда оилам билан ўтказган таътилим ўрмон ёнгинларидан жабр кўрган қўлаб австралияликларни ранжитганидан пушаймонман», деди Моррисон таътилдан қайтгач.

Иқлим ўзгариши: хамма бирдек қайғурмаяпти

Ҳозирда Австралиядagi ёнгинлар тутунни 16 минг километр узокликда жойлашган Жанубий Америкагача етиб борди. Чилининг марказий ва жанубий ҳудудларининг катта қисми устидаги

осмонни тутун эгаллади. Демакки, олимлар ва соҳа экспертлари бежиз глобал иқлим исийши ҳақида бонг урмапти. Бундан бир қанча вақт олдин олимлар «сайёрани сақлаб қолишга 12 йил вақтимиз бор» дея таъкидлар эдилар. Эндиликда келаси 12 ой Ерни иқлим ўзгариши асоратларидан асраш йўлида ўта муҳим бўлиши айтилмоқда.

Ўтган йили тадқиқотчилар сайёрадаги ҳароратни ҳаётий муҳим меъёрга ушлаб туриш учун атмосферага чиқарилаётган ис газми микдори 2030 йилга қадар 45 фоизга камайтирилиши зарурлигини билдирган эди. Аммо бугун қузатувчилар бу мақсадга эришиш йўлида келаси йилнинг сўнгига қадар етарли ва қатъий сиёсий ирода ишга солиниши шартлигини эътироф этмоқда. «Агар дунёни келаятган бир неча йил ичида «даволамаса», у безътиборлик туфайли оғир «жароҳат» олиши мумкин», дейди Потсдам иқлим институти асосчиси ва фахрий директори Ханс Иоахим Шеллхубер. Экспертлар 2020 йилнинг якуни иқлим ўзгариши асоратларининг олдини олиб қолиш учун сўнгги имконият эканини таъкидламоқда.

2015 йилнинг декабрида Париж глобал иқлим қелишуви имзоланганига қарамай, давлатлар унинг талабларига риоя қилмаётгани қораланади. Ўтган йили эълон қилинган ҳисоботда сайёрадаги ҳаво ҳароратини целисий бўйича 1,5 даражадан пастда ушлаб туриш учун 2020 йилга бориб атмосферага чиқарилаётган ис газми микдори кескин қисқартирилиши зарурлиги таъкидланган эди. Бироқ ҳозирда ушбу огоҳлантиришга ҳеч ким жиддий эътибор қаратмаётти. Агар ўз вақтда чоралар қўлланмаса, 2100 йилга келганда жаҳондаги ўртача ҳаво ҳарорати ҳалокатли 3 даражагача исиб кетади.

Хўш, қандай чоралар кўриш мумкин? БМТ Бош қотиби Антонио Гутерриш давлатлардан ис газини қандай камайтириш бўйича тақлифларни кутмоқда. Британия эса 2020 йил сўнгига иқлим ўзгаришига бағишланган энг муҳим халқаро учрашувга меъзонлик қилиш ва ўзининг сайёрани сақлаб қолиш мақсадида қанчалик қатъий эканини кўрсатиб қўйишни кўзламоқда. Американик сиёсатчилар мамлакат иқтисодиётини иқлим ўзгаришига бутунлай мословчи «яшил янги қелишув» ғоясини илгари суряпти. Бундай ғоя атиги бир неча йил аввал ҳам

имконсиздек туйилар эди. Буюк Британия 2050 йилга қадар атмосферага зарарли газларни чиқаришга буткул чек қўйишга аҳд қилган. Шахзода Чарльз эса келаятган 12 ойнинг ҳаётий муҳимлигини эътироф этаётган экспертларни қўллаб-қувватлаган.

Қандай ёмон хабарлар бор?

Қайд этиш керак, бугунги кунда иқтисодий ўсишни жадаллаштиришга зўр бераётган айрим давлатлар иқлим ўзгариши муаммосини тан олишни истамаётти. Хусусан, 2020 йил охирига қадар президент Дональд Трамп АҚШни 2015 йилдаги Париж шартномасидан тамомилан чиқариб олиши мумкин. АҚШ, Саудия Арабистони, Кувайт ва Россия ҳароратни 1,5 даражадан пастда ушлаб туришга доир махсус ҳисоботнинг БМТ музокараларида муҳокама этилишига қарши чиқмоқда.

Тахлилчилар Брексит машинаси орқидан Буюк Британия иқлим ўзгариши масаласига етарли эътибор қарата олмаётганини айтади. Бир вақтлар собиқ Бош вазир Гордон Браунга иқлим масалалари бўйича маслаҳатчилик қилган профессор Майкл Жейкобснинг сўзларига кўра, айни дамда етакчи давлатлар муаммонинг қанчалик жиддий эканини англай олмапти.

Мухтасар айтганда, иқлим ўзгариши асоратлари фақат инсониятнинг ўзигагина таъсир қўрсатмаётти. Турли ҳисоботлар одамзот томонидан ёввойи табиатнинг улкан қисмига ўнлаб бўлмас зарар етказилаётганини кўрсатиб бермоқда. Олимлар келаятган ўн йилликлар ичида бир миллионга яқин мавжудот турлари бутунлай йўқолиб кетиш арафасида турганидан огоҳлантирмоқда.


Ушбу муаммо бўйича бир қанча давлатлар вакиллари жорий йил Хитойда учрашиб, барча турдаги жонзотларни сақлаб қолиш йўллари муҳокама этмоқчи. БМТнинг Биохимихилик бўйича Конвенциясига эса 2030 йилгача ёввойи табиатни асраб қолиш чораларини ишлаб чиқиш вазифаси юклатилган. Хулоса қилиб айтганда, ойна сайёрамизни муқаррар ҳалокатдан қисқа вақт ичида сақлаб қолиш муаммоси билан юзлашганча турибмиз. Бироқ сиёсат бу йўлдаги асосий тўғанок ўлароқ қолмоқда.

**Абдували САЙБНАЗАРОВ,
сиёсий шарҳловчи.**

Ўзбекистон ва Хитой ўртасида фазовий ва йўлдош алоқаси йўналишида ҳамкорлик ўрнатилмоқда.



Шу кунларда Швейцариянинг Лозанна шахрида ўсмирлар ўртасида қишки Олимпия ўйинлари бўлиб ўтмоқда. Бироқ у ҳақда негадир кўңилигимиз билмаймиз ҳам. Балки мусобақада Ватанимиз шарафини атиги бир нафар спортчимиз — Ватерия Ковалёва ҳимоя қилаётгани бунга сабабдир. Афсуски, у ҳам гигант слалом баҳсларида белгиланган маррага етиб бора олмади.



ҚИШКИ СПОРТ ТУРЛАРИ ҚАЧОН РИВОЖЛАНАДИ?

ҚАЧОН ҚИШКИ ОЛИМПИА ЎЙИНЛАРИНИ ИНТИҚЛИК БИЛАН КУТАМИЗ? СПОРТЧИЛАРИМИЗ БУ БОРАДА ХАМ ЎЗИНИ НЕЛАРГА ҚОДИРЛИГИНИ АМАЛДА ИСБОТЛАЙ ОЛАДИМИ? БУНГА НИМА ТЎСИҚ БЎЛЯПТИ?

Демак, биргина вакил-мизнинг иштироки ҳам кутилганидек бўлмади. Хўш, нега? Қачон қишки Олимпия ўйинларини интиқлик билан кутамиз? Спортчиларимиз бу борада ҳам ўзини неларга қодирлигини амалда исботлай оладими? Бунга нима тўсиқ бўляпти? Ваҳоланки, давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 5 мартдаги «Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида қишки спорт турларининг бутунги ҳолати ҳар томонлама танқидий таҳлил қилинган ҳолда, уни ривожлантириш борасида таклифлар киритиш белгиланганди. Бу борада масъул ташкилотлар бйрон иш қилдимиз?

Шу каби саволлар билан **Спортнинг қишки ва мураккаб техник турлари бўйича Республика олий спорт маҳорати мактаби раҳбари Комилжон Холматовга** мурожаат қилдик.

Муаммо нимада?

— Мамлакатимизда қишки спорт турларини ривожлантиришни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди К.Холматов. — Аммо тизимда ҳал қилиниш лозим бўлган талай муаммолар бор. Чунончи, шу кунга қадар республикамизда қишки спорт турларидан тоғ чангиси, сноуборд, конькида фигурали учини ривожлантириш учун тизимли равишда мусобақалар ўтказилмаган. Халқаро стандартларга жавоб берадиган сифатли спорт асбоб-ускуналари ва инвентарлари етишмайди. Устига-устак, қишки спорт турларини ривожлантириш ҳамда терма жамоа аъзоларининг республика ва халқаро мусобақаларга тайёр-

гарлик кўришлари учун моддий-техник база мавжуд эмас.

Афсуски, тоғ чангиси спорти ва сноуборд машғулоти учун мўлжалланган тоғ ён-бағри зарурий жиҳозлар — ҳимоя турлари ва тизими, вақтни белгилувчи тизим (тайминг), старт ва финиш уйчалари, сунъий ёритувчи воситалари, машғулот учун машиналар (ратрак), сунъий қор ҳосил қилиш тизими (қор отувчи тўппар) билан жиҳозланмаган.

Тошкент вилоятининг Чимён ва Билдирсой худудидаги «Дор йўли» 2000-2005 йиллар давомида хусусий тадбиркорлар иштирокига ўтказилган. Натижада тоғ чангиси, сноуборд бўйича терма жамоаларнинг ўқув машғулотларини олиб бориши учун муаммолар юзага келган. Спортнинг қишки ва мураккаб техник спорт турлари бўйича Республика олий спорт маҳорати мактаби балансида бўлган Бўстонлик тумани Чимён қишлоғидаги «Пахтакор» спорт базаси эса аллақачон яроқсиз ҳолатга келиб қолган. Пойтахтимиздаги «NEXT» савдо маркази ва Фуқат истирхат боғидаги муз майдонлари эса пуллик хизмат кўрсатади. Қолаверса, улар аҳолининг дам олиши учун мўлжалланган.

Ечими борми?

Муаммолар ҳам, уларни ҳал этиш чоралари ҳам аниқ. Хусусан, бутун илгор халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда, спорт тайёргарлиги жараёнига замонавий технологияларни жорий этиш кун тартибига қўйилмоқда. Барча спорт турлари бўйича миллий чемпионатлар даражаси ва сифатини ошириш, халқаро ва минтақавий мусобақалар ташкил этиш, носоғлом спорт рақобатига ва тақиқланган препаратлар ишлатилишига қарши тизимли чоралар кўришмоқда.

Мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш, спорт асбоб-ускуналари ҳамда инвентарларини мамлакатимизда ишлаб чиқариш зарур.

Қишки спорт турларини ривожлантиришда Олимпия захиралари болалар-ўсмирлар спорт мактабларида конькида фигурали учини, шорт-трек, хоккей спорт турлари бўлимлари ташкил этиш, кадрлар билан таъминаш масаласи ҳам диққат марказида. Шу муносабат билан жойларда ёшлар орасидан иктидорли спортчиларни танлаб олиш (селекция)нинг самарали ва шаффоф тизимини яратиш керак. Спортнинг қишки турларини ривожлантиришда баъзи масалаларга алоҳида эътибор зарур. Чунончи, спортга ихтисослаштирилган таълим муассасаларида қишки спорт турлари бўйича бўлим ва секциялар ташкил этиш лозим. Болалар ва ўсмирлар орасидан қишки спорт турларига кизикувчиларни саралаб олиш керак. Уларни ихтисослаштирилган машғулотларга жалб қилиш, бу орқали барқарор кизиқиниш ортириш тизимини яратиш вақти келди.

Қишки спорт турлари бўйича ўқув-машғулот жараёнида илмий-услубий технологияларни такомиллаштириш, терма жамоаларни тайёрлашда юқори натижаларга эришган хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ҳам айтиш мумкин. Бундан ташқари, жараёнинг ўқув-услубий ва илмий-услубий комплексини ишлаб чиқиш учун олимлар, ўқитувчилар, шифокорлар, физиологлар, диетолог ва етакчи спорт мутахассисларидан таркиб топан Комплекс илмий гуруҳларни тузиш лозим.

Республика олий мактабида нима гап?

Спортнинг қишки ва мураккаб техник турлари бўйича

Республика олий спорт маҳорати мактабида тоғ чангиси, сноуборд, фристайл, конькида фигурали учини, хоккей, шорт-трек турлари бўйича бўлимлари мавжуд. Тоғ чангиси, сноуборд, конькида фигурали учини бўлимида 113 нафар спортчига 11 нафар мураббий машғулот олиб бормоқда. Афсуски, фристайл бўлимида мутахассис йўқ. Шунинг учун ушбу спорт тури билан ҳеч ким шугулланмайди.

Таълим муассасаси ўз спорт иншоотларига эга бўлмагани сабабли «Чимён оромгоҳи», «Янгибод — Чотқол жавоҳири» масъулияти чекланган жамияти, «12 Ключей» тоғ чангиси спорт хаваскорлар клубининг спорт объектлари, «Айс Авеню» ва «NEXT» муз копламали ёпиқ спорт ареналаридан қишки мавсумда ижара шартномаси асосида фойдаланади. Тоғ чангиси, сноуборд, фристайл бўйича ўқув-машғулотлари ва мусобақаларни ўтказишда эса «Чимён», «Билдирсой» ва «Янгибод» худудларида жойлашган спорт объектлари ижарага олинади.

Вазият яхшиланади, қачонки...

Фигурали учини, хоккей, шорт-трек билан шугулланиш учун пойтахтимиздаги «Айс Авеню» ва «NEXT» муз копламали ёпиқ спорт ареналари, «Хумо» спорт саройи, шунингдек, 2019-2021 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Фарғона, Самарқанд, Хоразм ва Андижон вилоятларида барпо этилиши кутилаётган енгил конструкцияли спорт саройлари бир қуниқ сизими бўйича 120 нафардан ортик шугулланувчини камраб оладиган бўлса, бу тўғрақларга бир кунда 1080 нафардан ортик йигит-қизини жалб қилиш имкони яратилади, оммавий-

лик ошади. Назаримда, қишки спорт турларини ривожлантириш мақсадида худудий спорт тайёргарлиги марказларини очини вақти келди.

Бу камчиликларни бартараф этишга киришилди. Хусусан, спортнинг қишки турлари бўйича базалар ва объектларнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланаяпти. Спорт жиҳозлари билан таъминлаш, малакали кадрларни тайёрлаш ва улар маҳоратини ошириш, оммавий тарзда қишки спорт турлари бўйича спортчиларни тайёрлаш тизими тубдан такомиллаштириляпти. Бу мақсадларни амалга ошириш учун Спортнинг қишки ва мураккаб техник турлари бўйича Республика олий спорт маҳорати мактаби, Ўзбекистон қишки спорт турлари Ассоциацияси ҳамда Ёшлар иттифоқи билан меморандум имзоланди. Бу борадаги ишлар қишки спорт турларининг оммавийлигини ошириш миллий терма жамоалар таркибини шакллантириш, селекция ишларини тўғри йўлга қўйишда кўл келади.

...Вазиятга ташқаридан қараб баҳо бериш ниятда осон. Аммо тизим ичида илдиш отиб улгурган муаммолар билан юзма-юз бўлганда, нима учун қишки спорт турлари бизда оммавийлик касб этмаётгани ойдинлашади. Бироқ камчиликлар кўп, дея вазиятга томошабин бўлиш ҳам ярамайди. Хўш, вазиятни ўнглаш мумкинми? Албатта, ахир, имконсиз нарсанинг ўзи йўқ. Фақат ҳаракат тўғри йўналтирилса, имкониятлардан умумли фойдаланилса, бас. Шундагина 2022 йилда бўлиб ўтадиган XXIV қишки Олимпия ўйинларида қувонарли натижа кўрсата оламиз.

Садокат МАХСУМОВА
ёзиб олди.

Сабина Шарипова халқаро мусобақани ғалаба билан бошлади.

Соҳибқирон Амир Темурунинг жанг санъати, ҳарбий салоҳияти бугунги кунгача инсониятни ҳайратга солиб келади. Мардлик, жасорат, ор-номус туйғуларини авлодларга мерос қолдирган бобомизнинг ҳайратомуз куч-қудрати сири нимада? Кучга эришиш учун куч берадиган илми билиш керак. У қандай илм ўзи? Амир Темурунинг жанг санъати қайси жиҳатлари билан ажралиб турарди?

СОҲИБҚИРОННИНГ 313 ХОС АСКАРИ ҒАЛАБАЛАР АСОСИМИДИ?

**САРДОР АҚЛУ ТАДБИРКОРЛИК БИЛАН ИШ
ЮРИТИБ, ШОШМАШОШАРЛИК ҚИЛМАСИН,
ЧУНКИ ШОШҚАЛОҚЛИК ШАЙТОННИНГ
ИШИДИР**

Салкам дунёнинг ярмини маҳв этиб, марказлашган давлат тузган Соҳибқиронни буюк саркарда, жасур инсон сифатида эъзозлаймиз. Шу билан бирга, умрининг катта қисмини жангу жадалларда ўтказган бобомизнинг зафарли юришларида доно, кўркмас, садокатли ҳамда ҳарбий жанг сирларини мукаммал ўрганган саркардаларнинг ҳам ҳиссаси катта бўлганини қайд этиш ўринли. Шунга монанд, Соҳибқирон ҳам, биринчи навбатда, ҳарбий ишнинг мураккаб сир-асоридан тўла воқиф бўлган, ғаним кучлари сафларини синдириш усулларини пухта эгаллаган, мураккаб вазиятларда ҳам эсанкирамай дадил ҳаракат қиладиган, ҳар қандай тўсиқ ҳамда ғовларни усталик билан босиб ўтадиган, максалларнинг рўёбга чиқиши йўлида ўз жонини ҳам баҳшида қиладиган фидокор ва содиқ шахсларни қўшинда мавжуд бўлган турли лашкарбошлик вазифаларига лойиқ топар, аскарлар тақдирини уларга топишар эди.

Муваффақият қўшинлар сонига боғлиқ эмас... (ми?)

Тарихий манбаларнинг шашоҳат беришича, Амир Темуру барпо этган қудратли армиянинг турли-туман қисм ва бўлинмаларига 313 нафар бек сардорлик қилган. Уларнинг дастлабки юзтаси ўнбегиллик, иккинчи юзтаси юзбегиллик, учинчи юзтаси мингбегиллик мансабларига эгаллик қилган. Амир Темурунинг лашкарбошилари ва саркардалари Соҳибқирон сиёсат майдонига илк бор келгандан буён унга ишонч билдирган вафолли, моҳир кишилар, яъни дўстлари, ёру биродарлари ҳамда турли жангларда матонат, ақл-заковатини намоён қилган топишмас иқтидор эгалари ва ўзининг ўғил-набираларидан иборат бўлган.

— Соҳибқироннинг саркардалари, айниқса, фарзанд ва набираларининг қаҳрамонликлари уларнинг ҳарбий жанг санъатидан яхшигина бехабар бўлгани ва Амир Темурунинг барча насиҳат ва кўрсатмаларига сўзсиз итоат



этишдан дарак беради, — дейди тарих фанлари номзоди Дилафрўз Қўрбонова. — Бунда, айниқса, 1398 йилда Дехли ҳукмдори Султон Маҳмудхон билан тўқнашувда Халил Султоннинг ҳаммадан бурун жангга кириб, жасорат кўрсатгани, Соҳибқироннинг Шерозда турганидан фойдаланган Тўхтамишхон 1388 йилда Самарқанд ҳудудига бостириб кирганида йиғирма ёшли Умаршайх Мирзонинг Мовароуннаҳр ҳимоясига чоғланганини эътироф этиш жоиз.

Энг ҳайратланарли қаҳрамонликлар сирасига саркардаларнинг кам сонли қўшин билан ҳам душманга тик бориши ва зафар кучишини кўрсатиши мумкин. Жумладан, Хиндистон юриши вақтида Севинчак Баходир, Саййидхожа ва Амир Мубашширнинг 300 кишилик отлик аскар билан Маллухоннинг 4 минг суворий, 5 минг пёйда, 27 жанговар филга қарши мардонавор жангга кириб, хиндларни Дехли томон чекинишга мажбур этгани, Умаршайх Мирзонинг 60 кишилик аскар билан 800 кишилик душман қўшинини тор-мор қилишини айтиб ўттиш мумкин.

Шу ўринда саркардаларнинг жасорати, қаҳрамонлиги, дово-рақлиги, ҳарбий тактик амалиётларини моҳирона қўллаши Амир Темуру эътиборидан четда қолмаслиги, уларга иноят марҳаматлар кўрсатилиши, муносиб даражаю унвонлар билан шарафланиб, турфа тортиғу суюрғолар билан сийланишини ҳам таъкидлаш керак. Иқтидорини намоён қилган

саркардалар «амир ва амирул-умаро», яъни «бош амир» каби юқори даражали ҳарбий унвонлар билан тақдирланиб, катта имтиёзлар берилган.

Ҳарбий стратегия ва усуллар бугун ҳам аҳамиятини йўқотмаган

Соҳибқирон Амир Темурунинг қўшин тузилиши, ҳарбий тактикаси мукаммал бўлгани ҳеч кимга сир эмас. Айниқса, унинг аввал қўлланилмаган усул — қўшинни етти қисмга ажратиши унинг зафар кучида муҳим роль ўйнаган.

— Амир Темурунинг оқилона ҳарбий стратегияси, тактика ва усуллари бугунги кунда ҳам ҳарбий жанг санъатида ўз аҳамиятини йўқотмаган, — дейди Мудофиа вазирлиги департамент бошлиғи, подполковник Баҳром Зулфқоров. — Соҳибқирон армиясининг душман аскарларидан энг устуи эсиқати — ўта тартибли, интизомли эканлигидир. Бу жанг майдонидида қўл келади. Шунингдек, қўшин замонасининг энг илғор қўроғи ва ҳарбий техникалари билан таъминланган. Хусусан, Амир Темуру Шарқда биринчилардан бўлиб қўшинга ўтсочар қўрални олиб кирган. Темурийлар даврида кейинчалик бу қўралнинг зарбзан, фаранги, қозон, ҳок каби бошқа турлари кенг ёйилди.

Қўшин таркибидида тоғли худудларда самарали ва тезкор жанг олиб борувчи махсус ҳарбий қисм ва бўлинмалар ташкил этил-

ган. Амир Темурунинг ҳарбий санъат ривожига қўшган улкан хизматларидан яна бири — қўшин қанотларини жанг чоғида душман ҳужумидан муҳофаза қилиш ва, аксинча, ғаним кучларини ён томондан айланиб ўтиб, ортдан зарба бериш мақсадида тузилган отлик қисм — қанбулнинг жорий этилишидир. Бу қисм қўлаб жангларда муваффақият қилиб бўлиб хизмат қилган.

Тарихчи Ибн Арабшоҳнинг гувоҳлик беришича, Соҳибқирон қўшинида аёллардан иборат бўлинмалар ҳам бўлиб, улар эркаклар билан бир сафда жанг қилган. Соҳибқирон Амир Темуру душман ҳақида қанча кўп билсанг, зафар кучи-шинг шунча осон бўлади, деб ҳисоблаган ва қўшиннинг айғоқчилик билан шугулланувчи бўлимига ҳам алоҳида эътибор қаратган. Қайд этилишича, чегарадош давлатлар тўғрисидаги керакли маълумотларни Амир Темуру 1000 кишилик енгил бўлинмалар воситасида тўпларди. Бу бўлинмалар сувсиз чўл ерларда туя миниб, бошқа жойларда эса отлик ва пёйда ҳолда ҳаракат қиларди. Шунингдек, саёхатчиларга, савдогар ва қарвонбошиларга алоҳида ҳомийлик қилар, улардан ўзлари қўрган мамлакатларнинг ҳолати ҳақида муҳим маълумотларни билиб оларди.

Амир Темуру жангларда турли ҳарбий хийлалардан ҳам фойдаланган. Шулардан бири — у душман қўнғилига ваҳима солиш мақсадида отларга шох-шабба боғлаб, кам сонли қўшинини жанг майдонидан четроқда қайта-қайта югуртирди. У ерда қўтарилган ваҳимали шовқин-сурон, куюқ чанг-тўзондан эса душман аскарларининг ақли шовшган.

«Чораси бўлмаган ишга киришма, акс ҳолда...»

Соҳибқироннинг «Темуру тузуклари» асарида келтирилган маълумотлар ва фикр-мулоҳазалардан у кишининг нақадар доно инсон, моҳир саркарда бўлганини аниқлаш қийин эмас.

ДАРВОҚЕ...

АМИР ТЕМУРНИНГ ҲИҚМАТЛИ СЎЗЛАРИ

Юз минг отлик аскар қила олмаган ишни бир тўғри тадбир билан амалга ошириш мумкин.

Ҳар кимнинг қадр-қимматини, тугган мавқеини ва ҳар нарсанинги ўлчовини белгилаб олишинг ва шунга мувофиқ иш юритишинг керак.

Агар икки хатарлик ёки бир хатарлик ишни қилишга тўғри келгудек бўлса, икковидан баробар қутулиш чораси топилмагач, бир хатарини ихтиёр этмоқ керак.

Чин дўст улдирик, дўстидан ҳеч қачон ранжимайди, агар ранжиса ҳам, узрини қабул қилади.

Бир кунлик адолат — юз кунлик тоат-ибодатдан афзал.

Вақт ўтгандан кейин қилинганни тошга чоп.

Хусусан, асардаги: «...ишбилармон лашкарбоши ўзини ва тўққиз сипоҳий фавосини бир тандек қўриб, уларни қўл-оёғи, боши, кўкрағи ва бошқа аъзоларини ишлатиб қурашувчи бир наҳлавондек ҳисобласин. Шундагина ғаним сипоҳи фавослари устига кетма-кет урилган тўққизта қилич зарбасидан кейин, тўққизинчи зарбада, албатта, енгиллигига умид қилса бўлади» ёки «... шундай қилиб, сардор ақлу тадбиркорлик билан иш юритиб, шовшмашовшарлик қилмасин, чунки шовшқалоқлик шайтоннинг ишидир. Чораси бўлмаган ишга киришмасин, чунки ундан қутулиб бўлмайди» каби фикрлар нафакат жангчи, балки ҳар бир раҳбар, инсон амал қилиши зарур бўлган доно сўзлардир.

Бир сўз билан айтганда, бобкалонимизнинг ҳаёт йўли, давлатчилик сиёсати ва ёки жанг санъатини ўрганасам ҳам, албатта, иш фаолиятимиз, ҳаётимизда қўл келадиган фикр-мулоҳаза, воқеа-ҳодиса ва маълумотларга эга бўламиз. Зеро, бу кишининг қилган ишлари ўрнат, айтган ҳар бир сўзи дуру гавҳарларга тенг.

Санжар ЭШМУРОВО
«Mahalla»

Энди махфий бўлган айрим хариталардан очик фойдаланиш мумкин.

МУЛК ХУҚУҚИ

ВАФОТ ЭТГАН ДЕБ ТОПИЛГАН ШАХС
ҚАЙТИБ КЕЛСА...

— Танишим чет элга ишлагани кетиб, анча йиллар йўқолиб қолди. Бу орада суд вафот этган деб топди. Яқинда эса у қайтиб келди. Айтинг-чи, суднинг фуқарони ўлган деб топиш тўғрисидаги қарори бекор қилинган, у давлат иштиёрига ўтказилган ёки натура шаклида сақланиб қолган мулкни талаб қилишга ҳақлими?

Зулайхо БОТИРОВА.
Тошкент шаҳри.



Фуркат ТОЖИЕВ,
Адлия вазирлиги бошқарма боши-
ғи:

— Дарҳақиқат, бундай вазиятда мол-мулкни қайтариб олиш имконияти мавжуд. Фуқаролик кодексининг 37-моддасига кўра, фуқарони вафот этган деб эълон қилиш ҳақидаги қарор бекор қилинганидан кейин у ҳар қандай шахсдан бу шахсга бепул ўтиб қолган мавжуд мол-мулкни ўзига қайтариб беришни уч йил

мобайнида суд оркали талаб қилишга ҳақли.

Агар фуқаронинг мол-мулки давлатга ўтган ёки сотиб юборилган бўлса, унга мол-мулкни сотишдан тушган пул қайтариб берилади. Шунингдек, сотиб олувчиларнинг мулкни вафот этган деб эълон қилинган фуқаронинг тирикчилиги била туриб сотиб олгани исботланса, улар фуқарога бу мол-мулкни қайтариб беришлари шарт. Бундай мол-мулкни асли ҳолида қайтариб беришнинг имкони бўлмаса, унинг қиймати тўланади.

Демак, танишингиз судга фуқарони вафот этган деб эълон қилиш ҳақидаги қарор бекор қилингани тўғрисидаги қарорни илова қилган ҳолда, мол-мулкни қайтариб олиш тўғрисида даъво аризаси киритиши мумкин.

НОТАРИАТ

«СОТИБ ОЛГАН МАШИНАМ ГАРОВГА
ҚЎЙИЛГАН ЭКАН...»

— Яқинда сотиб олган машинам уни менга сотган одамнинг тоғасининг номида экан. Шунинг учун у «Пулни олдим, машинани расмийлаштириб бераман», деб тилхат ёзиб берди. Расмийлаштириш учун борсак, машина банкдан олинган кредит эвазига гаровда тургани маълум бўлди. Шу ҳолатда пулни қандай қайтариб олсам бўлади?



Темурбек РАҲМАТОВ.
Қашқадарё вилояти.

Шахноза МАВЛОНОВА,

Тошкент шаҳар адлия бошқармаси масъул ходими:

— Фуқаролик кодексининг 113-моддасида низоли ва ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битимлар ҳақида норма белгиланган. Унинг мазмунига кўра, сиздаги ҳолатда, яъни автотранспорт воситаси бошқа бировнинг номида экани ва шунингдек, унга банд солингани туфайли сиз билан тузилган битим ҳақиқий эмас деб ҳисобланиши мумкин.

Бундай вазиятларда мазкур кодекснинг 114-моддасидаги норма қўлланилади. Яъни битим ҳақиқий бўлмаганида тарафларнинг ҳар бири бошқасига битим бўйича олган ҳамма нарсани қайтариб бериши, олинган нарсани аслича қайтариб бериш мумкин бўлмаганида эса, унинг қийматини пул билан тўлаши шарт.

Демак, сиз машинани эгасига қайтариб берасиз, у эса сизга берган пулингизни тўлиқ қайтаради. Бу ўринда қўлингиздаги тилхат ҳақиқатда сиздан пул олинганининг исботи сифатида судда сизнинг фойдангизга ишлайди. Пулни қайтариш учун фуқаролик ишлари бўйича судларга битимни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида даъво аризаси билан мурожаат қилишингиз мумкин.

ТИББИЁТ

БЕПУЛ ТИББИЙ ХИЗМАТДАН
ҚАНДАЙ ФОЙДАЛАНИШ МУМКИН?

— Яшаш манзилимга яқин жойда, асосан, хусусий тиббиёт муассасалари жойлашган. Айтинг-чи, бундай муассасалар томонидан кўрсатиладиган бепул тиббий хизматлардан қандай фойдаланиш мумкин?

Иномжон БОЗОРОВ.
Сурхондарё вилояти.



Фуркат САНАЕВ,
Соғлиқни сақлаш вазирлиги матбуот хизмати раҳбари:

— Маълумки, Президентимизнинг тегишли қарорига мувофиқ, хусусий тиббиёт муассасалари 2022 йилнинг 1 январига қадар барча турдаги солиқлар ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод этилган.

Бунда бўшаган маблағлар бепул тиббий хизматлар кўрсатишга йўналтирилиши лозимлиги белгилаб қўйилган. Хизматлар ҳажми ва сарфланадиган маблағлар микдори солиқ имтиёзлари тақдим этилиши натижасида ҳақиқатда бўшаган жамма маблағларнинг 25 фоизидан кам бўлмаслиги лозим (масалан, имтиёз натижасида 100 млн. сўм маблағ қолса, шунинг 25 млн. сўми бепул хизмат кўрсатиш учун сарфланади).

Бундай хизматлардан (стоматология ва косметология хизматларидан ташқари) фойдаланиш учун шахсни ва ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламга мансубликни тасдиқловчи ҳужжатларнинг мавжудлиги (масалан, 1 гуруҳ ногиронлиги тўғрисидаги маълумотнома) асос бўлади. Тиббий хизматлар ойма-ой таксимот асосида навбат бўйича кўрсатилади. Бундай таксимот ҳақидаги маълумот муассасага кириш ёки миқдорлар учун кўринадиган жойда жойлаштирилиши лозим.

СУД-ХУҚУҚ

«СОБИҚ ХОТИНИМ ФАРЗАНДИМНИ МЕНГА КЎРСАТМАЯПТИ...»

— 2015 йилда хотиним билан ажрашдим, ўша пайтда у ҳамиладор эди. Фарзандим туғилгач, суд томонидан белгиланган алиментни ўз вақтида тўлаб келялман. Бироқ собиқ рафиқам қизимни менга умуман кўрсатмаяпти. Суд қарорини ҳам тан олмаяпти. Бу вазиятда қандай йўл тутсам бўлади?

Норбек ХУСАНОВ.
Самарқанд вилояти.



Камол НОРҚУЛОВ,
Самарқанд вилояти адлия бошқармаси масъул ходими:

— Оила кодексига би-

ноан, ота-она ўз болаларига нисбатан тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгадир. Худди шу кодекснинг 76-моддасига кўра, боладан алоҳида яшаётган ота(она) бола билан кўришиш, унинг тарбиясида иштирок этиш ва таълим олиши масаласини ҳал этишда қатнашиш ҳуқуқига эга. Агар бундай кўришиш боланинг

жисмоний ва руҳий соғлиғига, ахлоқий камолотига зарар келтирмаса, қаршилиқ қилинмаслиги керак.

Ота-она ота-оналик ҳуқуқларини амалга ошириш тартиби тўғрисида ёзма равишда келишув тузишга ҳақлидир. Агар улар келиша олмасалар, низо суд томонидан ҳал қилинади. Демак, сиз фуқаролик судига бола билан отанинг кўришиб туриш тартибини белгилаш бўйича мурожаат қилишингиз мумкин. Суднинг ҳал қилув қарори бажарилмаганда айбдор ота-онага нисбатан қонун ҳужжатларида назарда тутилган чоралар қўлланилади.

«ҲОРИЖГА ИШЛАШГА КЕТСАМ, НАФАҚА
ТЎХТАТИЛАДИМИ?»

— И гуруҳ ногирониман. Яқинда хорижга ишлагача кетмоқчиман. Айтинг-чи, бундай вазиятда менга тайинланган ногиронлик нафақаси тўхтатиладими?

Насиба УМИРОВА.
Фарғона вилояти.



Комилжон АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Ногиронлар жамияти раиси:

— Ногиронлик нафақаси ногиронлик содир бўлган ҳолларда, ёшидан қатъи назар, иш стажига эга бўлмаган I ва II гуруҳ ногиронларига фақат меҳнат қобилияти доимий ёки узоқ муддатга йўқотилганда тайинланади ва тўланади. Улар ҳақ тўланадиган ишни бажариш ёки

даромаднинг бошқа манбаига эга (алиментлар ёки стипендиялар олиш бундан мустасно) бўлган ҳолларда эса ногиронлик нафақаси тўланмайди.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган «Болаликдан ногиронларга ва ўн саккиз ёшга тўлмаган ОИВ инфекциясига чалинган нафақалар таъинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низомга кўра, 16 ёшдан қатъи назар ногирон, ногирон бола ёхуд ўн саккиз ёшга тўлмаган ОИВ инфекциясига чалинган шахс доимий яшаш учун Ўзбекистон Республикаси ташқарисига чиқиб кетганда, озодликдан маҳрум этилганда, улар тўлиқ давлат таъминотида ўтказилганда нафақа тўлаш тўхтатилади.

Демак, сизнинг вазиятингизда чет элга бўлган даврингизда ногиронлик нафақаси тўхтатиб турилади ва қайтганингизда нафақа қайта тикланиши мумкин.